

Гайрат МУРОДОВ
Ҳилола ОДИНАЕВА

ШОИР ҚАЛБИ НАВОДАРИ



Гайрат МУРОДОВ, Ҳилола ОДИНАЕВА

ШОИР ҚАЛБИ НАВОЛАРИ

“Дурдона” нашриёти
2017 йил

83.3(5Ў)6-8

М 88

Муродов, Ғайрат.

Шоир қалби наволари / Ғ. Муродов, Ҳ. Одинаева. - Бухоро :
"Sadriddin Salim Buxoriy". Durdona nashriyoti, 2016. - 160 б.

КБК 83.3(5Ў)6-8

Рисолада таниқли шоир ва тажрибали журналист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Ғулом Шомуроднинг ибратли ҳаёт ва ижод йўли ўрганилган. Муаллифлар ҳозирги замон адабиётшунослик илмининг муайян муаммолари нуқтаи назаридан шоир ижодини таҳлил қилиб, шеърӣй яратмаларининг ўзига хос хусусиятларини очиқ беришга ҳаракат қилганлар.

Рисола кенг китобхонлар оммасига бағишланган.

Тақризчи:

Шодмон СУЛАЙМОН,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Бухоро вилояти бўлими раҳбари,
филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-4786-1-9

КИРИШ

Азал-азалдан инсон қалбини поклик, меҳр-муҳаббат нурлари билан жилвалантиришда сўз санъати, яъни бадий адабиётнинг ўрни бекиёс.

Чинакам бадий асар китобхон дилини тўлқинлантиради, унинг ўй-фикрлари, орзу-умидлари, кечинмаларини ифодалайди. Ижод аҳлининг бетакрор кечинмалари, борлиқни кузатиш асосида юзага келган ва маънавий оламимизни юксалтирувчи асарлари замон ва макон оша чегара билмай яшайверади, миллатларни бир-бирига боғлайверади. Шундан бўлса керак, адабиётни инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларни эса инсон руҳининг муҳандислари, дея эътироф этадилар.

Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг тарихи ва ёруғ келажagini улуғламоқчи, авлодлар хотирасида ёқбоқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор, буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк драматургларни тарбиялашимиз керак.

Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда қаламкашларнинг башарият истиқболини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва тинчликка даъват этаётган ҳароратли сўзлари ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ижодкор: "Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшайпсан, инсон деган юксак номга муносиб

бўлиш учун нима қиялсан?" деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлаймизки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади.

Халқимиз орасидан мана шу ғоят машаққатли маънавий-эстетик соҳага бутун ҳаёти ва ноёб истеъдодини бағишлаб, адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган, ўлмас асарлар яратган ўнлаб миллий сўз санъаткорларимиз билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келмоқда. Хусусан, Мустақиллик йилларида юртимизда маънавиятимизнинг ғоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётимизни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг эзгу меҳнатларини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз ҳосилини бераётгани, адабиётимизнинг мавзулар кўлами жиҳатдан ғоявий-бадиий жиҳатдан бойлиги барчамизни қувонтирмоқда.

Бухоролик заҳматкаш шоир Ғулом Шомуроднинг серқирра ҳаёт йўли, нозик ҳис-ғуйғуларга бой лирик ижоди замонавий шеъриятимизда ўзига хос ўринга эга.

Дастлаб Ғулом Шомурод ижодини ўрганиш нимаси билан аҳамиятли, бугунги адабиётимизга ва

шеърят ихлосмандларига шоир ижоди нималар бера олди каби саволларга жавоб беришимиз лозим.

Ижодкорнинг шеърларининг устувор мавзулари нималардан иборат? Шоирнинг бадий жихатдан топқирлиги, табиат ва жамиятга бўлган муносабати қандай? Оҳанграбодай таралаётган майин овозида китобхонни инжу ҳисларини қитиқлайдиган бадийлик омиллари нималар? Шеъриятида лирик қаҳрамон муаммоси нимадан иборат, бетакрор қалам соҳибининг аруз вазнида қалам тебратиши ва мухаммас боғлаши бутунги шеъриятимиз учун нималар бера олади каби саволларга имкон даражасида ечим топишга ҳаракат қиламиз.

Ғулом Шомуроднинг шеърӣ тўпламлари ҳақида айрим мақолалар, тақризлар ёзилган бўлса-да, лирик ва лиро-эпик ижоди махсус ўрганилмаган.

Замонавий адабиётимизга ўзининг ижод намуналари билан ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлар фаолиятини ўрганиш, уларни ижод маҳсулини илмӣ таҳлил қилиш бутунги давр адабиётшунослиги учун муҳим аҳамиятга эга.

Шуни инобатга олган ҳолда, Ғулом Шомурод ҳаёт йўли ва ижодини ўрганиб, фикрларимизни жамлаб, шеъриятимиз учун аҳамиятли бўлган янги қирраларини имкониятимиз даражасида очиб-кўрсатиб беришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Мазкур ишни ёзишда шоирнинг "Шабнам жидваси", "Ойдинда кезаман", "Наволарим", "Ватан васфи", "Олам ичра олам", "Қалбим қатраси", "Рангин руҳият", "Заррин япроқлар", "Марварид доналари", "Соғинч соҳили", "Меҳр меҳвари", шунингдек, болаларга бағишлаб иншо этилган "Чақмоқ", "Кўклам кўшиғи", "Бобо шаҳрим", "Vatanim – keng jahonim", "Уста ва амир" сингари тўпламларидан фойдаландик.

XX аср шеърлятига ўзининг сози ва овози билан кириб келган Ғулом Шомурод лирик ва лиро-эпик ижоди ўзига хос аҳамиятга эга. Серқирра қалам соҳибининг болалар ва катталар ҳаётига бағишланган шеърларини ўрганиш илмий аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

Шоир шеърларида болаларга хос беғуборлик, самимийлик сезилиб туради. Уларда фалсафий-ахлоқий умумлашмалар, меҳр-муҳаббат, аجدодлар хотирасига ҳурмат, келажакка ишонч, бир сўз билан айтганда, уйғоқ қалбли инсон ўй-кечинмалари ўз аксини топган. Нафис лирик яратмалари бадиий тасвирга бой. Ғазал, мухаммас, қасидалари аруз вазнининг гўзал жидоларини намоён қилади. Нозим бармоқ вазнида бир қанча дostonлар, ғоявий-бадиий жиҳатдан бетакрор шеърлар яратган.

Шоир шеърларида Ватанимизнинг муқаддас қадамжолари, тарихий шахслари, қишлоқ ва саҳро одамларининг содда ўйлари, халқимизнинг боқий

анъаналари, юксак қадриятлари улуғланган. Ана шундай самимий сатрларни таҳлил қилиш, улардаги бадий бетақрорликни излаб топиб, талқин қилиш ва шоир шеърятининг ўзига хос хусусиятларини белгилаш тадқиқотимизнинг вазифалари қаторига киради.

Шеърят

Ложувард шуъладан
Порлайди осмон,
Тикилсам, нурларга тўлар юрагим.
Қалбимда ғунчалаб орзу-тилагим,
Ўнгимда ростланар янги бир жаҳон.
Бунда яшамоқлик беради лаззат,
Тотлидир бу қисқа ҳаёт нақадар!
Фурсатлар ўтса ҳам
Бўлиб зер-забар,
Рухсорин кўрсатар
Ва у ниҳоят!

БИРИНЧИ БОБ

ҒУЛОМ ШОМУРОДНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОД ЙЎЛИ

I.1. Шоир биографияси

Халқимизнинг ардоқли фарзанди, таниқли маданият ходими, тиниб-тинчимас ижодкор Ғулом Шомурод Бухоро вилояти Жондор туманидаги Алели (Али элининг қисқарган шева шакли) қишлоғида 1937 йил март ойида деҳқон оиласида таваллуд топган.

Шоир ўзи туғилиб-ўсган маскан – табаррук Жондорни “Мен туғилган юртни Жондор дейдилар...” шеърида шундай таърифлаган:

Мен туғилган юртни, дўстлар, асли Жондор
дейдилар,
Камтарину камсуқум, ким аҳли Жондор
дейдилар.

Кенг қучоқ очгай кулиб кекса, қадрдон дўсту
ёр,
Хуш тавозе, хуш такаллум – васли Жондор
дейдилар.

Шербилак фарзанди кўпдир, паҳлавону
ўтюррак,
Мард Торобий қони кимда – насли Жондор
дейдилар.

Нарзидай ўғли у дам от кўйди жанг
майдонига,
То ҳануз олис-олисдан: “Балли, Жондор”,
дейдилар.

Ижодкор Ўзбекистонимизнинг бир бўлаги
бўлган, дунёга кўплаб олиму фозилларни берган,
ҳали-ҳануз илм-маърифат бешиги бўлиб келаётган
азим Бухоронинг сўлим Жондор воҳасини ўзига хос
ташбиҳлар, энди муҳими, меҳр туйғуси билан
тараннум этган.

Шоир туғилиб-ўсган қадрдон гўшасининг
Маҳмуд Торобий, Содик Жондорий каби атоқли
фарзандлари билан фахрланади, ўзи ҳам шу
муқаддас заминга фарзанд эканлигидан ифтихор
ҳиссини туяди:

Бир қалам чекди Гулом ёдлаб улуғлар номини,
Сизга айтсам бу ғазални васфи Жондор дейдилар.

Отаси, Шомурод Саидов, деҳқон бўлиб, онаси
Муслима ая хат-саводли, бадиий адабиётга иштиёқи
баланд аёл бўлган. У киши Навоий, Ғузулий ва

Машраб ижодини мутолаа қилиб, ҳамқишлоқлари, қариндош-уруғ, дўст-биродарларга талқин ва тарғиб этганлар.

“Ҳовлимизга ҳар иккала тарафдан меҳмон аёллар кўп келар, улар онам ўқиб берган туркий ва форсий асарларни жон қулоқлари билан тинглардилар. Аёлларнинг китобга нисбатан иштиёқини кўриб, онамга бўлган меҳрим янада ортарди”, – дея хотирлайди шоир. Унда сўз санъатига ҳавас туйғуларининг уйғонишида бобоси Мирафзал отанинг ҳам таъсири катта бўлган

Ижодкор илк сабоқни 1944 йил сентябрдан ола бошлаган.

“Кун оша биров фарзандидан, биров жуфти ҳалолидан, қай бир киши ака ё укасидан ажралгани ҳақида “қорахат” оларди. Мамлакатда яшаш, кун кечириш сермашаққат бўлиб, очарчилик ҳукмрон эди”. Урушдан оғир ярадор бўлиб қайтган Остон Шарипов шоирнинг илк устози эди. Мактабга бўздан тикилган папка ва ипак қурти боқинга мўлжалланган қоғоздан дафтар сифатида фойдаланишган. Шундан бизга маълум бўладики, шоир иккинчи жаҳон урушининг совуқ шамоллари эсган таҳликали бир даврда улғайган.

1950 йил мартада отасидан, шу йилнинг, 18 июнида онасидан жудо бўлади. Умрининг мана шундай қайғули дамларида таянч бўлган кишилар унинг опалари, амакилари бўлди. Шоир онаси

ҳақидаги хотираларини “Қўмсанш” шеърида қуйидагича изоҳлайди:

Бола эдим, ҳали у пайтда
Бурчим адо қилолмадим мен.
Ётганингда совуқ тўшақда,
Ҳолинг сўраб билолмадим мен.

Эсимда,
Бир кампир ундади,
Лабларингга мен томиздим сув.
Мажолсиз қўл бошим силади,
Кўзларингдан ёш тўкилди дув...

Отаси ҳақидаги хотираларни хушбўй ҳандалак ғарқ пишган далалардаги ажиб тароватни ҳис этган ҳолда “Манзара” шеърида тасвирлаган.

1952 йилда етти йиллик мактабни тугатиб, туман марказидаги 1-ўрта мактабда ўқишни давом эттирди. Ғулом Шомуроднинг қалбида журналистлик касбига ҳавас уйғотган инсон она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Сайли Ҳайитов бўлган. Бўлғуси қалам соҳибининг ўсмирлик пайтиданоқ улут мақсадларга бел боғлашида амакиваччаси Тўймурод Рўзиевнинг ҳам ўрни бор. Ғулом ака у киши олиб келган газета ва журналларни қизиқиб мутолаа қилганини ширин энтиқиш билан эста олади.

Бўлажак ижодкор 1954 йилда Бухоро давлат педагогика институтига қабул қилиниб, беш йил тарих-филология факультетида таҳсил олди. Талабалик даврида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол, драматург Максим Карим билан бир сафда туриб ижод қилди ва газета-ю журналларга мақола ва тақризлар ёзди. Шоирга талабалик йилларида Мустақим Мирзаев, Ҳомид Мўминов, Саид Алиев каби ўз касбининг фидойи вакиллари таълим берганлар. 1956 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими ташкил этилиб, унинг раҳбари Тошпўлат Ҳамид бўлган. Мазкур шоир-мураббийнинг тарбияси, ғамхўрлиги туфайли ижодкор ёшларнинг бутун бир авлоди пайдо бўлиб шаклланди Улар орасида Ғулом Шомурод ҳам бор эди.

Ижодкор ўзининг серқирра ҳаёт йўли давомида бир қатор касбларда фаолият юритган. 1959 йилда пединститутни тугатгач, Жондордаги ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бера бошлаган. Кейин тумандаги 6-мактаб-интернатда ўқитувчи, Пушкин номи мактабда илмий бўлим мудири бўлиб хизмат қилган.

1967 йилда Жондор тумани ташкил этилди ва шоир шу жойда радио муҳаррири бўлиб ишлай бошлади. 1969 йил 15 майдан эътиборан Республика

радиосининг Бухоро вилоятидаги мухбири бўлиб журналистлик фаолиятини давом эттирди.

Ижодкор мухбирлик фаолияти давомида турли қишлоқ, овуллар, чўл-даштлар, саноат корхоналари, қурилиш майдонларида ёзилажак шеърлари учун замин тайёрлаб борган. Халқ ҳаёти билан яқиндан танишган ҳолда ўзи кўрган одамларни, табиат манзаралари ва тарихий обидаларни ўз шеърларида меҳр билан тасвирлаган. Шоир мухбирлик фаолияти давомида Бухоронинг энг чекка ҳудудлари – Қизилқум, Томди, Оқтов, Мурунгов, Зарафшон, Газли каби чўлу дашт ва биёбонларда бўлиб, у ердаги мард ва танти кишилар билан танишди, улардан ўзгача илҳом олди.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Омон Мухтор шоирнинг мухбирлик фаолияти ҳақида сўз юритиб, у бутун Бухоро вилоятини қадам-бақадам кезди, мақолалар, лавҳалар ёзиш билан бирга, юрагида чакнаган сатрларни йиғиб борди. Унинг шеърларида ана шу “чўллар нафаси” очиқ-аён кўзга ташланади. Шоир бу ҳақда шундай деб ёзган эди.

Яшаш ижод,
Йўлдан иборат,
Қийин
Илк бор ташламоқ қадам.
Гоҳ йўл равон,
Гоҳо машаққат...

Шоир Ватанининг ҳар бир сарҳадини, хоҳ у
чаманзор бўлсин, хоҳ бийдек дала бўлсин, бирдек
севиб ардоқлайди, унинг бағрида бўлганидан
хузурланади. Қизилқум чўлини Ватаннинг ғурури,
фаҳри, дея эъзозлайди. Сизу бизни мана шундай
мусаффо, фарахбахш чўл ҳавосидан баҳраманд
бўлишга ундайди:

Бир боқишда қуму адирли,
Шунчаки бир серўт яйловим.
Сен Ватаннинг ғурури, фаҳри,
Қалбим қўри, сўнмас қаловим.

Таърифингга гар ожиз қалам,
Тошаётир дилимдан сўзлар.
О, кел, дўстим,
Бўлгил ҳамқадам,
Чўл кезайлик, қувнасин кўзлар!

“Мен кўрганларим, билганларим, кузатганла-
римни чеккан қувончу ҳасратларимни ёздим ва
ёзаяпман. Ижодкорнинг бахти ҳам шунда бўлса
керак”, – дейди шоир биз билан суҳбатда.

Серқирра фаолияти давомида у кўплаб яхши
инсонлар билан учрашди, шу билан бирга, давра
давроннинг жабру жафоларини ҳам чекди. Гоҳида
номард кимсаларга ҳам дуч келди.

“Журналист” деб номланган шеърида ўз касбининг нақадар оғир ва масъулиятли эканлигини қаламга олади.

Оддий ишчи ғамин дилдан
Туйиб қадам ташлайди.
Гоҳ чўпону деҳқон бўлиб,
Дала-даштда яшайди.

У тушар тик жарларга-ю,
Чиқар юксак чўққига,
Дуч келади мардларга-ю,
Номардларнинг ўқига.

Шоир ва ёзувчи учун кезиш, аввало, ўз юртининг турли гўшаларини, тарихий жойларини кўриш ға зиёрат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Булар бўлажак асар учун туртки бўлади, илҳом беради.

Оқтовга чиқдим-у,
Кўзим ўнгида
Кафтимдек ястаниб
Кўринди сахро.
Шунда аён бўлди:
Оддий чўл эмас,
Қизилқум дегани –
Ўзга бир дунё.

Ям- яшил яйловлар – ҳудудсиз уммон.
Ёйилган ҳар сурув – каттакон кема,
Кеманинг дарғаси –
Довжорак чўпон!

Шоир ўз Ватанининг тарихини, унинг сўлим жойларини яхши билади. Юртнинг ҳар бир сарҳадида, хоҳ у ишчи бўлсин, хоҳ у чўпон бўлсин, халқининг равнақи учун тиним билмай яшаётган камсуқум, соддадил инсонларни мадҳ этишдан чарчамайди.

“Шуни айтиш лозимки, муаллимликдан бирданига журналистикага ўтиб ишлашим аслида мен учун осон кечмади. У маҳалда ҳозирги Навоий вилояти Бухоро таркибида бўлиб, ҳудуд жиҳатидан мазкур вилоят жуда катта майдонни эгаллар эди. Томди туманидаги баъзи хўжаликлар вилоят марказидан 450-500 километр узоқликда жойлашган бўлиб, у ерга бориб-келиш учун уч-тўрт кун камлик қиларди”. Шоир Томди тунларининг фараҳбахшлиги, кундузларининг завқлилиги ҳақида

“Томди чироқлари” деб номланган шеърда шундай дейди:

Бу ерда табиат қилиб сахийлик,
Фалак маржонларин юбормиш тўкиб.
Атрофда қоялар.

Шу боис, қаранг,
Нортуя сингари ётибди чўкиб.

Томдининг тунлари
Фарахбахш жуда,
Бунча завқ туймайсан ҳатто кундузлар.
Янграб қолса борми
Бирдан дўмбира,
Оҳ, энди руҳингни қуршар юлдузлар.

Ижодкорнинг “Амир Темур излари”, “Сахро
садолари” шеърӣй туркумлари шу кезишлар чоғида
ёзилган.

1977 йилнинг январида шоир Туркия,
Юнонистон, Миср мамлакатларига саёҳат қилган.
Миср болалари ҳақида “Лухсорлик” извошчи
Муҳаммад қўшиғи” шеърини ёзган.

Чуҳ, жонивор, чуҳ, отим,
Чуҳ, қанотли ғиротим.
Сен-ла тирик оилам,
Ўзингсан бор бисотим.

Кечагидан юр чаққон,
Лухсорга тушмиш меҳмон.
Чақа тушса, бўлади –
Сенга емиш, менга ҳон.

Ушбу асарда Миср болаларининг оғир ҳаёти, уларнинг кўчада ўтаётган аянчли қисмати ижодкор эътиборидан четда қолмаган.

“Раъно” шеърида Ватандан йироқдаги ҳаёт, ўзга юртнинг ҳар бир гиёҳу гулзори шоирга ўз юртининг тароватли боғларини эслатишини эътироф эта туриб, “гул – мустаҳкам айлар дўстликни!” деган хулосага келади.

Майли, раъно, яшайвер бунда,
Ҳид таратгин билмай ётликни.
Гул йўл очар, дерлар кўнгилга,
Гул – мустаҳкам айлар дўстликни!

“Муҳожир” шеърида шоир Миср юртидаги икки ватандошнинг бир-бирлари билан бўлган сўзсиз “суҳбат”ини тасвирлай туриб, меҳр-оқибат туйғусини қаламга олган. Бежиз халқимиз “Кўздан йироқ – кўнгилдан йироқ” деган нақлни айтмаган. Шундан бўлса керак, ушбу шеърда ўзга юртдаги собиқ ватандошнинг кўзларидаги мунг таъсирли тасвирланган:

Сен кетдинг-у,
Изларингда
Қолди, эй одам,
Бир умрлик пушаймон-у,
Адо бўлмас ғам...

“Қизик, ёшнинг ўзи ҳам ижодда қай бир маънода бурилиш ясаркан. Олтимидан ошганимдан кейин менда шеърийятнинг қисқа ва кичик жанрлари бўлмиш иккилик ва тўртликлар ёзиш истаги пайдо бўлди”, – дея эътироф этади шоир. Ижодкор иккилик жанрида ёзган шеърларини “Марварид доналари” тўпламида нашр эттирди.

Ерда ётган заъфарон япроқ,
Ўксимагин, аслимиз тупроқ.

* * *

Хоҳ булбул бўл, хоҳ сўқсур, хоҳ ғоз,
Ўзингники бўлсин-да овоз.

* * *

Кучинг кам, кўплигин ғайратинг айтур,
Ақлинг кам-кўплигин суҳбатинг айтур.

* * *

Некбин учун ушбу олам – баҳор, гулистон,
Бадбин учун ушбу олам – гўру зимистон.

Заҳматкаш қалам соҳибининг кичик жанрдаги ушбу шеърларида серқирра ҳаёт йўлидаги тўплаган тажрибалари асосидаги ҳаёт хулосалари, табиат, жамиятдаги ҳодисаларни ўзгача бадиий топилмалар билан изоҳлаган.

Ижодкор шеърийятни шундай таърифлайди: “Шеърийят... Бу тавсифу таърифи чексиз бўлган шундай сирли оламки, унга кирдингми,

ихтиёрингни унга бер-у, бу йўлдан чиқишни сира ўйлама. Ёшмисан, кексамисан, унга содиқ бўл, шундагина кўнглинг тўлади ва имконинг даражасида нималаргадир эришасан”. Оллоҳга шукурки, шоир 80 ёшни қоралаган бўлса-да, шеърятга содиқ ҳолда ҳаёт кечирмоқда. Унинг “Чакмоқ”, “Кўклам қўшиғи”, “Бобо шахрим” номли тўпламлари болаларга бағишланган. Биз рисоламизнинг ҳажм имкониятларидан келиб чиқиб Ғулом Шомуроднинг кичкинтойларга атаб ёзган шеърларини бирмунча мухтасар таҳлил этдик. Ўйлаймизки, адабиётшуносликнинг навқирон вакиллари ушбу лирик асарларни атрофлича ўрганадилар.

Шоир 1999 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирланган. 1984 йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланган. “Ватан учун яшайман” танлови совриндори.

Серғайрат қалам соҳибининг турли йилларда “Шабнам жилваси”, “Ойдинда кезаман”, “Наволарим”, “Ватан васфи”, “Олам ичра олам”, “Қалбим қатраси”, “Рангин руҳият”, “Заррин япроқлар”, “Марварид доналари”, “Соғинч соҳили” (сайланма), “Меҳр меҳвари” сингари тўпламлари эълон қилинган.

Қалам соҳибининг “Меҳр меҳвари” номи тўплами 2014 йилда чоп этилиб, китобхонлар учун катта совға бўлди. Мазкур китоб шоирнинг етукли даврида тайёрлаган мажмуаси эканлиги билан аҳамиятлидир. Ундаги шеърлар, достонлар, хотираларни ўқиган ҳар бир кишида жаннатмонанд Ўзбекистонимизга ҳамда бизга бахту толе ато этган Истиқлолимизга чексиз ҳурмат-эътибор янада мавжланади:

Бахтлимиз, озодлик, ҳурлигимиз бор,
Олдинда истиқбол – нурлигимиз бор,
Мустақил мамлакат фарзандларимиз,
Тенгларга тенглигу жўрлигимиз бор.

* * *

Шукрона айтамиз: ойдин йўлимиз,
Қаерга узатсак, етар қўлимиз.
Ҳеч кимдан каммас биз бугун дунёда,
Ҳеч кимдан кам бўлмас қизу ўғлимиз.

Тўплам “Юрагимда гуллаган Ватан”, “Бухоролик буюклар”, “Сўз таъми”, “Мен севгини куйлаб толмайман”, “Аруз жилолари”, “Хотира – боқий” каби қисмлардан ташкил топган. Тўпламнинг “Хотира – боқий” деб номланган қисми бадиий лавҳалар ва эсселардан ташкил топган. Унда шоир ўзи билан бир сафда туриб ижод қилган Тошпўлат Ҳамид, Максим Карим, Омон Мухтор, Тилак Жўра,

Хўжаназар Тўраев, Шариф Нурхон каби устозлари, дўстлари ҳақида самимий дил сўзларини изҳор этган.

Жумладан, шоир устоз ижодкор Тошпўлат Ҳамидни шундай хотирлаган: “Таниқли шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ёзувчилар уюшмаси мукофоти совриндори, филология фанлари номзоди Тошпўлат Ҳамид ўнлаб назмий китоблар муаллифидир. У вилоят ижодкорлари раҳбари бўлиб ишлаганда, биз – ўша пайтдаги ёш ижодкорлар билан ўз тенгдоши ёки яқин дўсти сифатида муомала қилар, баъзан эса ёлғиз қолганимизда, ўша муҳит ва тузумдан норозилигини айтиб, ҳақиқий ижодкор учун тўла шароит, эркинлик, кенг ҳуқуқ йўқлигини, адабиёт сиёсий майдонга айланганлигини, асарларга бадиият нуқтаи назаридан эмас, унинг мавзусига қараб юзаки баҳо берилаётгани, жамиятдаги ошиб бораётган, ноҳақликлардан куйиниб гапирарди”. Шоир устоз Тошпўлат Ҳамид хотирасига бағишлаб “Сиз кутган замон келди” номли марсия битган:

Унинг беғубор қалби

Кўкдай мусаффо эди.

Ҳақиқат – ҳуш кўргани,

Ёмони – риё эди.

Биласиз, у замонда

Рост гаплар жуда тансиқ.

Авж олган ҳар томонда
Сўзламоқ ёлғон-яшиқ.

Ўтган асрнинг 60-80 йилларида юртимизда лирик шоир, талантили драматург, ҳозиржавоб публицист Максим Каримнинг номи нафис сўз ихлосландларига яхши таниш эди. Ғулом Шомурод бу ажойиб иқтидор эгасини хотирлаб, “Ёлғон ва навқиронлик куйчиси” деб аталган ёдномга ёзди ва уни ўз китобига киритди. У дўсти билан бирга ўтган кунларни эсга олади ва унинг олам ва одамни асраб-авайлашга, ер юзида тинчлик ва осойишталикни сақлашга даъват этувчи мисраларни хотирлайди:

Оламни сақланг, дўстлар,
Одамни сақланг, дўстлар,
Бешикда гўдак йиғлар,
Онани асранг, дўстлар!

Ижодкор Омон Мухтор ҳақидаги хотираларини “Боқийлик” деб номланган ёдномда мужассамлаштирган. “Омон Мухтор қаерда ишламасин, “Ўзбектелефильм” дами, нашриётдами ёки узоқ йил меҳнат қилган жой – “Шарқ юлдузи” муҳарририятидами, барибир, биз, эски дўстлар, вақт топиб учрашиб, суҳбатлашиб турардик. Унинг Бухорога келиши биз учун катта шодиёнага айланар эди. Биргаликда қадимий шаҳар, туманларга бориб, шеърхонликлар қилардик”, – дея қайд этади у.

II.2. Шоир шеърларининг мавзу ва ғоялари

Ҳозирги адабий жараён, хусусан, Мустақиллик даврида ўзбек шоирлари яратган лирик ва лиро-эпик асарларни тадқиқ этганда, миллий адабиётда инсон, миллат руҳий-маънавий оламини, уларнинг ўзига хос туйғуларини акс эттириш борасида қатор ютуқлар қўлга киритилганлигига амин бўламиз.

“Бугунги ўзбек шеъриятининг анъанавий тасвир услубидан фарқ қилувчи янгича образлар, кутилмаган рамзий ифодалар, қочиримлар, тазод ва парадокслар, энг муҳими, бетакрор сероҳанг, сермаъно ифодалар билан китобхонни ўйлантиради. Фикрнинг ихчам, лўнда шаклда ифодаланиши замонамиз ва замондошимиз руҳий оламини янги жиҳатлардан поэтик тадқиқ этиш инсоннинг безовта руҳини, дардларини тасвирлаш борасида эришилган ютуқлар ўзбек шеърияти янги поэтик сарҳадларини кашф этаётганлигидан далолатдир”, – деб қайд этилади замонавий шеъриятга бағишланган тадқиқотлардан бирида.

Ғулом Шомурод шеърлари ҳам фалсафий мушоҳадага чорлаши, сермаъно фикрлари, инсоний ҳис-туйғулар билан чамбарчас боғлиқлиги билан бугунги давр шеърияти билан ҳамоҳанг.

Ғулом Шомурод шеърларининг мавзу ва ғояси ҳақида гапирар эканмиз, бунда бевосита бизни ўзига жалб қиладиган нарсаси бу – ижодкор

шеърларидаги такрорланмас ўй-кечинмалар, янги-оҳорли мавзулардир.

Шеърятга ошно қалб соҳибларини доимо янги мавзу ва бадий муаммолар акс этган, туйғуларни тўлқинлантирадиган сержило асарларгина ўзига жалб этиб, руҳий оламини жунбушга келтира олади.

Шоир шеърларининг бош мавзуси – Ватан. Улар қаламқаш туғилиб ўсган гўшага чексиз ҳурмат, садоқат туйғулари йўғрилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга:

Заминда нима бор юртдан муқаддас,

У сени бағрига олган беланчак.

Шу тоза ҳаводан сен олиб нафас,

Туғилиб илк бора яйрадинг, гўдак.

Ижодкор ўз заминига бўлган меҳрини шундай бетакрор меҳр, пафос билан ифодалайдики, беихтиёр кўз олдимизда бизни аллалаган тол бешиқлар, нафис беланчақлар гавдаланади. Ҳаётга келганимиз, тупроғимизда унган ўша тол ва тутлар унган замин бизнинг илк Ватанимиз эканлигини ҳис қиламиз:

Шу Ватан очди-ку сенга эшикни,

Ўқидинг ва биading не экан олам.

Ечилур қўлингда энди жумбоқлар...

Ҳар бир гиёҳ, майса ёки инсон у ўз заминидагина
ййраб, яшнаб камол топади, улғаяди. Шоир
шеърнинг охирги мисраларида ҳар биримизни
мушоҳада қилишга чорлайдиган саволни ўртага
ташлайди:

Айт, қайда ким сени бунча ардоқлар?!

Ҳақиқатан ҳам, бизнинг бир умрга яхши ва ёмон
кунларимизнинг гувоҳи бўладиган йўлдошимиз
мана шу она-Ватанимиз шоир ижодида абадий
мавзу бўлиб келяпти.

Шоирнинг “мен”лигини эътиқоди белгилайди,
эътиқодсиз инсон ҳеч қачон чин шоир бўла олмайди.
Ғулом Шомурод лирик асарларию дostonларини
буюк эътиқод куёши нурлантириб, мавжлантириб
турганини аниқ ҳис этиш мумкин. Бу Ватанга,
инсониятга, дўстга Мустақилликка нисбатан собит
ишончдир.

Ватан ва Истиқлол – булар бир-биридан
ажралмас тушунчалардир. Ғулом Шомурод гарчи
1937 йил туғилган бўлса-да, ўзини Мустақиллик
фарзанди, деб билади.

У “Ўзим ҳақимда” деган таржимаи ҳолида
шундай деб қайд этган эди: “Ҳаётда ва ижодда
нимагаки эришган бўлсам, асосан, истиқлол даврида
муяссар бўлдим”.

Бу – шунчаки айтилган эътироф эмас, юракнинг тубидан сизиб чиққан дил изҳори. Чиндан ҳам, “Соғинч соҳили” ва “Меҳр меҳвари”га кирган аксарият шеър ва дostonлар Истиқлол даврида яратилган.

“Соғинч соҳилида”ги “Ватан ғурури” деб номланган фаслда 49 та, “Меҳр меҳвари”даги “Юрагимда гуллаган Ватан” фаслида эса 3 та шеър ва туркум бор. Буларнинг барчаси, фасллар номидан ҳам кўриниб турибдики, она юрт ва унинг фидойи фарзандлари ҳақида.

Таниқли шоир ва адиб Омон Мухтор ўз шеърларидан бирида “Ватан, мен сени яхши кўраман, аммо сўзлаш шарт эмас”, – деб ёзган эди. Бундай қараш, равшан назар Ғулом Шомуроднинг ҳам она диёр ҳақидаги асарларининг асосига қўйилган:

Чин меҳр қачон ҳам
қилинган кўз-кўз,
У яшар ҳақиқий юрак
қатида.
Ватан ҳам яшайди юракда
сўзсиз,
Ёнар қалб Ватандир юртга
аслида.

Банддаги, охирги мисрага яхшироқ эътибор қаратайлик. Ватан аслида юракда бўлиши керак экан. Қалбида Ватан туйғуси бўлмаган одам чин инсон бўла олмайди. У тириклик ташвишидаги бир кимсадир, холос.

Агар Ер сайёраси нуқтаи назаридан қаралса, она юрт – Ватандир. Бу масалага коинот, галактика жиҳатидан назар солинса, замин барча инсонга Ватан саналади. Шоирнинг “Энг кичик юлдуз” шеъри бундай фикрни тасдиқлаш учун ёзилган. Лирик қаҳрамон кичик бир юлдуз деб қаралган курраи заминга мурожаат этиб шундай дейди:

Коинотда кичик юлдузсан
Гарчи,
Хуснда тенгсизсан, парисан,
малак.
Ўзинг гул юзи,
Сенсиз ғариб бўлур осмону
фалак.

М.Горкийнинг уқтиришича, ўлим ва муҳаббат абадий мавзу, бундан ташқари, рашқ, қасос, хасислик, дўстлик, ватанпарварлик кабилар ҳам абадий мавзулардан бўлиб келган. Мавзу танлашда ёзувчининг дунёқараши, эътиқоди муҳим роль ўйнайди.

Ижодкор шеърларида ҳам . гоҳ . бадий адабиётнинг мангу муаммоси – она-Ватаннинг бир бўлаги бўлмиш Жондор, гоҳ Ўзбекистонимизнинг фарахбахш тонглари, чўлу даштлари тилга олинади:

Ватансиз кишининг кўнглида тутун,
Офтобсиз оламдай қоронғу дили,
Бундаин юракда гулламас Ватан!

Шоир шеърларида турли-туман . бадий воситалар, ўзига хос, равон услуб, такрорланмас мавзу ва ғоялар бир-бирига уйғун тарзда ифодаланган.

Ижодкор шеърларининг мавзулар олами хилма-хил. Унда она-Ватанимиз, унинг фидойи инсонларию сўлим гўшалари қаламга олинган.

Биз ушбу тадқиқотимизда шоир шеърларининг мавзулар оламини ўрганиб чиққан ҳолда уларни қуйидаги гуруҳларга ажратдик:

- 1) ижтимоий;
- 2) табиат;
- 3) ҳаётий-маиший;
- 4) дидактик-фалсафий мавзудаги шеърлар.

Ижтимоий мавзудаги лирик асарларга биз Ватан, қадим тарихимиз билан боғлиқ бўлган шеърларни киритишимиз мумкин. Бирор-бир

ижодкор йўқки, Ватан ҳақида куйламаган, унинг номини беқиёс ташбеҳларга жо айламаган бўлса.

Ушбу гуруҳга шоирнинг “Ўзбекистон”, “Ватан”, “Заминда нима бор?”, “Ўзбекистон тонги”, “Изҳор”, “Бобо шаҳрим – Бухоро”, “Ўлка меҳри”, “Зару зевар Бухоро”, “Жондор ҳақида кўшиқ”, “О, Қизилқум”, “Мурунгов тоғлари” каби шеър ва достон, қасидаларини киритса бўлади.

Шоирнинг “Ўлка меҳри” шеърида инсон туғилган тупроқ унинг Ватани, она бағри гўдак учун илк Ватан эканлиги бадиий пафос билан ифода этилган:

Мен онадан
Туғилдим-у,
Ўлкам қучди бағрига,
Бора-бора ёш юрагим
Тўлди Ватан меҳрига.

В.Г.Белинский: “Лирик асарни ...на айтиб бериш, ва на изоҳ қилиш мумкин, лекин уни ўқиб бериш билан иккинчи одамда таъсир қолдириш мумкин. Агар уни сўз билан айтиб берилса ёки прозага айлантирилса, у ўлик бир чиғаноққа айланади”, – деганда ҳақли эди. Биз, муаллифлар, ҳам шоир Ғулом Шомурод лирик ижодини талқин этиш жараёнида атоқли мутафаккир кўрсатиб ўтган қийинчиликка дуч келдик. Шунга қарамай

маҳоратли ашъорнависнинг дилторгар инжа бадиий яратмаларидан олган таассуротларимизни қоғозга туширишда давом этаверамиз.

Серқирра қалам соҳибининг шеърларининг ўзига хослиги, жозибаси шундаки, улар инсонни фикрлашга, азиз юрт меҳридан ўзгача қирралар кашф этишга ундайди. Шоир “Бухоронинг томирлари” шеърда қадимий шаҳру масканимиз илму диёнатга сайқал берган буюк пирлар маскани бўлганлиги, ҳали-ҳануз юртдошларимиз уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётганини айтиб ўтиб:

Фақат изланг, изланг уни

Энг мўтабар қутлуғ жойдан, – деб хитоб қилади.

Инсонда туйғулар олами чексиз. Шулардан бири Ватан туйғусидир, аммо бундай туйғулардан ҳақиқийларигина бир умрга қалбимизда муҳрлана олади. Бизга маълумки, кўҳна ва қадим Бухоромиз жуда кўп асрлик тарихга эга. Аввалдан ушбу замин илм-маърифат бешиги, фозилу олимлар, буюк пиру авлиёлар маскани бўлиб келган. Шу заминда туғилиб ўсган ҳар бир инсон унга садоқат, меҳр билан талпиниб яшайди. Ижодкор мана шундай қутлуғ замин аجدодларининг юракнинг энг нурли чўққиларидан жой олганини меҳр туйғуси билан қайд этган:

Бу томирлар берар шуур,
Куч бағишлар билакларга.
Улар ўрни жуда чуқур,
Ўрнашгандир юракларда.

Шоир ўз она замининг тарихини, унинг муқаддас қадамжоларини, тарихий шахсларини жуда яхши билади. Дейлик, Минораи Калон Бухородаги энг муҳташам осори атиқа, у асрлар ўтса-да, ўз кўрки, салобатини... йўқотмай, бизнинг минг йиллик тарихимизга гувоҳ бўлиб келмоқда:

Оқар давр-у,
Оқади даврон,
Собит турар оёқда минор.
Эй дўст,
Бўлма бу ҳолга ҳайрон,
Хўп муҳташам унда пойдевор.
Уста Бақо, раҳматли ул зот,
Бунёд этиб
Шундайин бино,
Чўнг илдизли ва адл қомат –
Ўз умрини унга этган жо!

Буюк меъмор уста Бақо шундай мустаҳкам иншоот қуриб, унга ўз умрини бахш этган. Обиданинг илдизи теран, адил қомати самбитдек тик, юксакдан боқиб гўё бизга салом бермоқда.

Ижодкорнинг “Арк”, “Қўш мадраса”, “Масжиди калон”, “Бухоро тоқлари”, “Тими Абдуллахон”, “Мағоқи Аттор”, “Лабиҳовуз”, “Девонбеги мадрасаси олдида”, “Қўкалдош”, Ситораи Моҳи хосса васфи”, “Юлдуз, ойларга маскан”, “Чорбакр”, “Варахша”, “Бухоро меҳри” каби шеърларида Бухоронинг барҳаёт тарихи ажойиб тасвир воситалари ёрдамида тасвирланган.

Ижодкорнинг “Чорбакр” шеърида бу табаррук маконнинг муқаддас қадамжо эканлиги таъкидланиб, унда мангу макон тутган азиз шайхлар номи тилга олинади:

Бирлари эсалар Абу Бакр Саъд,
Бирлари Абу Бакр Муҳаммад.
Абу Бакр Фазлу Абу Бакр Ҳомид –
Нурлар таратганлар мисоли хуршид.

Шоир бизни қадим тарихимиз билан таништиради ва ҳаёт омонатлигини, унда фақат яхшилигу эзгу ишларгина мангу яшайди деган фикр-ғояни уқтиради:

О, инсон, тириклик билгил омонат,
Омонатга асло қилма хиёнат,
Яхшилик йўлида сарфла ўзингни,
Молу дунё учун тикма кўзингни!
Ҳаммаси ўтади,

Қолар эзгулик,
Яхшиликдан йўқдир
Ўзга мангулик.

“Арк” шеърда Бухоронинг фахри бўлган яна бир қадимий ёдгорлик бадий тараннум этилган. Ҳар бир юртнинг келажак авлодга ибрат бўлгулик муҳташам кўргони бўлади. Афинада Акропол, Бухорода эса хорижлик сайёҳларни ҳайратта солувчи Арк бор. Бу ёдгорлик ичида юрсангиз, бутун шаҳарни томоша қилишингиз мумкин.

Ижодкор шеърнинг охириги мисраларида кўп шаҳарларда бўлганлиги, аммо улар ичида Бухоро Арки бекиёслигини фахр билан айтиб ўтади:

Риму Мисрдаги эҳромларни кўрганим онлар
Кўз олдимда қад ростлайди аввало Арким.
Кечирсинлар мени минг бор араб, юнонлар,
Арким ўзинг Акрополим, эҳромим, фаҳрим!

Тарихни билмасдан туриб келажакни англаб бўлмайди. Ижодкор шеърлари ҳам бизни тарихни ўрганишга, буюк шахслар хизматларини англашга ёрдам беради.

“Бухорода гарчи тоғлар йўқ” шеъри ўзгача фалсафий-поэтик мазмунга эга:

Бухорони кўтарган кўкка
Ҳамон туриб оёқда тикка –
Ушбу боқий кутлуғ бинолар!
Ва ҳунардан санъат яратган,
Илм-ҳикматда шуҳрат тарагган
Мангу тирик буюк даҳолар.

Шоир Бухоро тарихида ўчмас из қолдирган Ибн Сино, Имом Бухорий, уста Бақо, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Дониш, Файзулла Ҳўжаев, Нарзи Ражабов каби олиму фозиллар, мард ўғлонлар номини завқ ва илҳом ҳисси ила қаламга олган.

Ғулом Шомуроднинг яна бир шеърда нақшбандия тариқатининг асосчиси, “Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” шиорини қалбимизга жо айлаган, ижодкор сўзлари билан айтганда, “Бухоронинг тоғи” бўлмиш Баҳовуддин Нақшбанд башарият вакилларига шундай сўзлар билан мурожаат, хитоб қилади:

Дилим Оллоҳда-ю, қўлим меҳнатда,
Зарим бўлмаса ҳам, шоҳ каби юрдим.
Нафсимни санадим энг ёвуз душман...

Тарихдан маълумки, 1238 йилда бухоролик Маҳмуд Торобий бошчилигида Тороб қишлоғида

мўғул босқинчиларига қарши қўзғолон бўлиб ўтган.
Шоирнинг “Маҳмуд Торобий” шеъри шу ҳақда:

Мўру малахдайин ёв босиб келди,
Қишлоқлар топталиб, талаңди халқим.
Қасос деб курашга шайладим элни,
Дарё каби тошиб нафратим, қаҳрим.

Айтиб ўтганимиздек, шоир ижодида табиат манзаралари тасвирига бағишланган лирик асарлар ҳам ўзига хос ўринга эга.

Серқирра қалам соҳибининг “Қор қўйнида”, “Савр ёмғири”, “Мезон”, “Манзара”, “Барг”, “Қиш завқи”, “Қор учқунлаб...”, “Қуртак”, “Шафақ ўчар”, “Қишда гуллаган бодомга”, “Баҳор”, “Куз шамоли”, “Мурунгов тоғлари”, “Ҳамал” каби шеърларида табиатнинг сеҳру жозибали жилваси акс этган. Шоирнинг табиат ҳақидаги шеърларида инсоний фазилатларни, улуғлашга, меҳр-оқибат, эзгуликни қадрлашга ундайдиган рамзлар, ҳикматли сўзлар орқали образ яратиш, хусусан, “ранг – рамз” каби бадиий-поэтик хусусиятлар мавжуд:

Шафақ ўчар,
Мени қучар
Кўк камзулли
Дилбар тун.
Юрагимда қолди порлаб

Бугун кечган
Нурли кун.

“Шафақ ўчар” шеърида кўм-кўк камзул билан
ёпилган дилбар тун шоирни ўз бағрига олади.
Лирик қаҳрамон кечаги қилган ишларидан хушнуд.
Яъни у бир кунни яхши ишлар билан нурли,
саховатли қила олди ва ўз навбатида китобхон
кўнглига ҳам эртанги кунга ишонч, янги орзулар
солишга эришди:

Эртам яна
Нурга тўлиқ,
Шукуҳига қонар дил,
Жамолини кўрмоқ бўлиб,
Юлдуз бўлиб ёнар дил.

“Ёмғир” шеърида оҳорли ташбеҳлар,
муболағалар ўринли қўлланган. Ёмғир ёғиб атроф
ажиб бир тароват, гўзаллик касб этган борлиқни
ижодкор “бошин ювган сулув келинчак”ка
ўхшатади:

Дов-дарахтлар бу дам ям-яшил,
Тинган ёмғир оқаркан чак-чак,
Бор табиат наздимда ҳозир –
Бошин ювган сулув келинчак.

Сув тимсоли кўпчилик ижодкорлар асарларида
гиниқ, мусаффо, зилол каби сифатлашлар орқали
ифодаланган. Гулом Шомурод эса ўз шеърида
ёмғирда қолаётган арава изини, яъни ёмғир сувини
малла рангда жозибалантиради:

Араванинг изин тўлдириб,
Ўйнаб оқар сувларки – малла.

“Қор ёғмоқда” шеърида шоир қорни сутга
ўхшатиш орқали ажойиб табиат лавҳасини кўз
олдимизда гавдалантирган:

Қор ёғмоқда
эланиб майин.
Сутга чайиб бутун оламни.
Қор ёғмоқда.
Ёққани сайин
Ажиб ҳислар қуршар одамни.

Ижодкорнинг “Сен бир гулсан”, “Ишқингда зор”,
“Армонли ишқ”, “Ошиқона”, “Соғинганда”,
“Жонингга дармонинг бўлай”, “Ул нозанин”, “Севги
бу – туганмас”, “Ошиқлик – кишига олий бир
рутба”, “Умрим мезонида ишқ қуёшим”, “Соғинч”,
“Армон”, “Умид” каби шеърлари маиший-ҳаётий
мавзуда битилган бўлиб, уларда инсоний туйғулар
маҳорат билан тасвирланган. “Меҳрим меҳвари”

шеърида шоир китобхонни ўйлашга чорловчи саволлар беради:

Инсонда нима бор кучли, чидамли,
Тошдан ҳам қаттикроқ, пўлатдай метин?
Кенг танти елками, муштли, билакми?
Бунга жавоб бермоқ бағоят қийин.

Ушбу шеърда инсонни бошқариб турадиган -- ақл, юрак, меҳр борасида баҳс боради. Шоир: “Ҳар бир инсон – бир олам. Бу оламнинг ўқи, шубҳасиз, юрак”, – дея эътироф эта туриб, юракка бутун ришталар уланган, покиза виждон ҳам, ақл ҳам юракка бўйсуниб туради. Қалб пок бўлсагина, бизда меҳр-муҳаббат, садоқат туйғулари мустаҳкам бўлади, деган бадиий-ахлоқий қарашни илгари сурган.

Доимо шу виждон, қалб бўлсин омон,
Бутун жисму жонни бошқариб турсин.
Одам бир-бирига нисор этсин жон,
Меҳрнинг меҳвари гурсиллабурсин!

“Армон қўшиғи” шеъри шоир томонидан бир йигитнинг кўнгил нидоси, деб қайд этилган, унда ёшлик, навқиронликнинг тез ўтиб кетганлиги, дилда армонлар кўп, аммо лирик қаҳрамон бунинг ҳаммасини китобхон билан баҳам кўрмоқчи эмас:

Армоним кўпдир, аммо
Мен барисин айтолмайман.
Айтган билан, найлай, эвоҳ,
Энди ортга қайтолмайман.

Олтин даврим кетди ўғиб,
Имконларни бердим-ку бой...

“Ошиқлик – кишига олий бир рутба” шеърида
ижодкор ошиқни бахтли инсон, дея эътироф этади.
“Сен эса порлайсан осмонда моҳдек”, – деб
маъшукани осмондаги ойга ўхшатиб гўзал бадиий
тасвир яратади:

Сен ахир Лайлимсан, Зухрам, Шириним,
Умримнинг таъмини этган шириним.
Орзуим, умидим, дилда армонсан ...

Шоир “Соғинч” шеърида дийдор онлари
ғанимат эканлигини таъкидлаб, ишқнинг
умрбоқийлигини тараннум этган:

Ўзим олисда, хаёлим сизда,
Қўмсайман лутфу гуфгорингизни.
Васлу дийдорга нима ҳам етсин,
Бахтдир кўрмоқлик дийдорингизни.

Дидактик-фалсафий мавзудаги шеърлар:
Шоирнинг тўртлик ва иккиликларида
фалсафий-дидактик мазмун етакчилик қилади:

Улғайдим ва билдим умр сўқмоғин,
Энг сўнгги сарҳади фанолик экан.
Лекин адо бўлмай ёқсанг чироғинг,
Ундан нари ёғи бақолик экан.

* * *

Дунёда энг қабих улкан гуноҳкор –
Кишилар ичида юрган риёкор,
Чунки у сиртида дўст, ғамхўр бўлиб,
Душманлик қилади зимдан, бадкирдор.

Нозимнинг эътирофича, у бундай мазмундаги
лирик ижод намуналарини ҳаётининг камолот
палласига етиб, ҳаёт ва инсон ҳақида фикр-
қарашлари тиниқлашиб, қиёмига ета бошлагач,
ёзишга киришган.

1.3. Бир китоб таҳлили

Ғулом Шомуроднинг “Соғинч соҳили” деб
номланган шеърий тўплами 2009 йилда “Шарқ”
нашриёти томонидан чоп этилди. Бу сайланма етти
йирик бобдан иборат бўлиб, ҳар бир бобдан
шоирнинг кўнгилга яқин назмий ижод намуналари
ўрин олган.

Бу дунёда бирор-бир қаламкаш йўқки, ўзи туғилиб ўсган жойи, она-Ватани ҳақида шеър битмаган бўлса. Шоиримиз ҳам сайланмасидаги биринчи бобни “Ватан ғурури” деб номлаб, бу бобда ўзининг туғилиб ўсган қишлоғидан тортиб Ватанининг ҳар бир бурчагини қаламга олишга ҳаракат этган. Сайланмадан ўрин олган “Сен юраксан, Сен Ватансан кенг жаҳон, Она юртим, Ўзбекистон, жонажон”, байтидан маълум бўладики, она замин ҳар бир инсоннинг юраги, қалбида экан. Ғулом Шомурод дунёда донғи кетган шариф маскан - Бухоро фарзанди эканлигидан жуда фахрланади. Биз бу ифтихорни сайланмага киритилган “Олам ичра олам” туркумидан билиб олишимиз мумкин. Бу туркум аслида Бухоройи Шарифнинг 2500 йиллигига бағишланган. Унда Бухоронинг етти пиридан тортиб қадимдан бизга ёдгор бўлиб келаётган тарихий обидаларгача, қадим шаҳарнинг ажойиб тимларидан тортиб тоқларигача, жуда кўп афсона ва ривоятларга мавзу бўлиб келаётган Пойканд, Чорбакр каби тарихий жойларгача қаламга олинган. Мажмуадаги, айниқса, “Бухоронинг томирлари” шеъри фикримизнинг яққол далили бўлиб хизмат қила олади. Шеър куйидагича бошланган:

Бухоро – бир улкан чинор,
Томирлари кетган чуқур.

Кўкка боқиб гумбаз, минор,
Шундан ҳар тонг этар шукур.

Бу мисралардан жуда чуқур маъно англашилади. Шоир Бухорони улкан чинорга ўхшатыпти. Биз биламизки, чинор дарахти ерга чуқур илдиз отиб, танаси эса жуда юксакка қадар кўтарилади. Шоир Бухоро ҳам ҳам худди шундай, демоқчи.

Бу томирни чопаман деб
Не-не ёғий чополмади.
Кўп донишманд ерни ковлаб,
Бу томирни тополмади.

Мозий саҳифаларидан аёнки, Бухоро ўз бошидан қанчадан қанча синовларни ўтказди, талончиликлар, босқинчиликлар қуршовидан қийинчилик билан бўлса-да, чиқиб кета олди. Бухорони ер юзидан супуриб ташламоқчи бўлганлар эса уни йўқ қилиш имконини топа олмадилар.

Шеър хотимасида Бухоронинг кўҳна ва боқийлиги, ундаги теран томирларнинг майда-майда зарралари халқнинг юрагида эканлиги ҳақида фикр юритилган.

Кейинги бобларда биз “Тоғ билан суҳбат”, “Қўмсаш”, “Ҳаёт”, “Қишда гуллаган бодомга” сингари шеърларга дуч келамиз. Бу бадиий яратмаларнинг ҳар бирида шоир қалбидаги орзу-

умидлар барқ уриб турибди. Масалан, “Қўмсаш” шеърида лирик қаҳрамоннинг эрта вафот этиб, юрагида бир умрга армон бўлиб қолган онаизорининг дийдорини излагани акс эттирилган. Шеър сўнгида эса бу чехрани қанча изламасин, унинг дунёда яккаю ягона эканини айтилган:

Кўп изладим топмадим, э воҳ,
Сен дунёда билсам, ягона.
Осмоң гувоҳ, замин ҳам гувоҳ:
Ўхшамайсан ҳеч кимга, Она.

“Сайланма”дан бир қанча тўртликлар ҳам ўрин олган. Бу жажжи лирик асарларнинг бадиий-фалсафий асосида эса панд-насихат руҳидаги фикр-мулоҳазалар турибди. Уларнинг ҳар бири инсонни яхшилик томон етаклайди. Бу тўртликларда ширин сўзликдан тортиб ҳалолликкача бўлган фазилатлар улуғланган. Масалан:

Оқмас дарё яна сувга тўлади,
Хароб жойлар тагин обод бўлади.
Қадрласа ким ўтганлар ёдини,
Пирлар қўллаб, бахт-иқболи кулади.

Шоирнинг дидактик қарашлари унинг иккиликларида ҳам акс этган. Мазкур иккиликлар инсонни ёр-дўстларга яхшилик қилишга, сабр-қаноатли, сахий ва меҳнаткаш бўлишга ундайди:

Нафси эркалатсанг, кутуради,
Ўзгага эмас, ўзингга хуради.

* * *

Ғамни енгур на мол, на давлат,
Уни енгур сабр ва тоқат.

Мазкур бобда таҳлил қилинган масалалар бўйича юзага келган хулосалар қуйидагича :

1. Ғулом Шомурод биографияси ва шеърларининг мавзу ва ғояларини атрофлича ўрганиш шундан далолат берадики, серқирра қалам соҳибининг битган шеър дostonларида инсон дея аталмиш буюк номнинг улуғлиги, бир-биримизга бўлган оқибат, хокисорлиқ, меҳр-муҳаббат туйғулари акс этади.

2. Унинг ижодида она табиатнинг сокин ранглари билан чизилган беқиёс тасвирлар ўзининг бадиий ифодасини топган. Тўғриси, Ғулом Шомурод табиат ошиғи ва ҳассос куйчисидир. Шоирнинг табиат ҳақидаги шеърлари табиийлиги, содда, аммо дилтортар латофати билан ҳақиқий шеърят мухлислари қалбига тез етиб боради.

3. Қалам соҳибининг бир қанча шеърларида фалсафий-дидактик руҳият устуворлиги намоён бўлган. Бундай шеърлар, одатда, дарров юзага келавермайди. Ижодкор ўз умрининг каттагина бир қисмини яшаб ўтиб, чинакам камолот палласига қадам қўйиб, инсон, ҳаёт, жамият, яшашнинг

моҳияти ва мазмуни ҳақида, етарли таҷриба тўплагач, дунёқараши тўла-тўқис шаклланиб бўлгач, замондошлари, айниқса, ёш авлод вакилларига насихат, ибрат руҳидаги фикр-мулоҳазаларни ифода этиш эҳтиёжини сеза бошлайди. Чиндан ҳам, шоирнинг кейинги йилларда чоп этилган китобларига дидактик мазмундаги шеърлар киритилган. Булар отахон шоирнинг ҳаёт ҳақидаги дил сўзларидир.

4. Форобийнинг ёзишича, шеърда мулоҳаза айтилади, яхши шоир мулоҳазакор бўлади. Лирикада яхшилик ва ёмонлик курашади, ахлоқ ва руҳий кайфият акс этади

Ғулom Шомурод шеърларида замон, инсон учун зарур бўлган долзарб фикр-қарашлар ўз бадий ифодасини топган, улар китобхонни доимо яхшилик қилишга чорлаб туради.

ИККИНЧИ БОБ

ИЖОДКОРНИНГ ЛИРО-ЭПИК ВА БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН АСАРЛАРИ ТАҲЛИЛИ

II.1. “Жабай” достон-монологи

Шоирлар борки, инсон туйғуларини гўзал тарзда бадиий акслантира оладилар, аммо лиро-эпик асар (воқеабанд шеър, баллада, достон) ёзишга қийналадилар. Уларнинг ижодида воқеа мавҳум, хира ифода топади. Бундай қусур ҳатто атоқли шоирлар бадиий ижодида кўриниб туради. Биз кўп йиллар давомида Ғулом Шомуродни «соф лирик шоир» деб ўйлаб юрганмиз, чунки шоир кўп йиллар давомида “соф лирик” йўналишда қалам тебратган. Унинг “Жабай” достони ҳам монолог, яъни лирик ҳиссиётларнинг бадиий ифодаси тарзида яратилган. Бироқ шоир адабий-бадиий ижодининг маълум бир палласига етиб келгач, лиро-эпик характердаги асарлар ёзишга эҳтиёж сеза бошлади. Натижада унинг бир қанча достон, шеърый ривоят ва эртаклари юзага келди.

Ғулом Шомурод адабий-бадиий ижодида лиро-эпик жанр алоҳида ўринга эга. Унинг “Жабай” достон-монологи, “Сулўв Бибишхон ва мешкоб Мўмин севгиси” ҳамда “Хурлик қасидаси”

достонлари тадқиқ ва таҳлилга муносиб, деб ўйлаймиз.

Шоирнинг “Жабай” лирик достонида Ватанимизнинг иқтисодий тараққиётига катта хисса қўшаётган меҳнаткаш, фидойи чўпонлар фаолияти тасвирлаган.

Достон-монологда томдилик машҳур чўпон, икки марта Меҳнат қаҳрамони унвони билан тақдирланган Жабай Балиманов ҳаёти ва фаолияти бадиий тажассум этилган.

Кўп ўйлайсан, шоирим, мени,
Ёзмоқ бўлиб ҳақимда достон.
Айтмоқ бўлиб дил дардларимни,
Дардки,
Мени қийнайди ёмон...
О, ўша кун Октовда кезиб,
Қолганингда ҳайрат ичра лол,
Тош сиймомни кўрдинг-у келиб,
Банд айлади сени шу хаёл.

Шоирнинг журналистлик фаолияти давомида ёзилган ушбу достон-монологда инсоннинг улуғворлиги мадҳ этилган бўлиб, топқир қалам соҳиби томонидан Жабай Балиманов каби инсонлар тақдири, уларга бўлган халқнинг ишончи самимий хис-туйғулар оқимида ифода этилган.

Ижодкор Қизилқум чўлларида олган илҳом
туфайли замонавий мавзуда асар ёзишга киришган
ва Жабай Балимановдек фидокор инсонларни
“табиатнинг гултожи”, дея эътироф этган.

Инсон!

Бу сўз баланд жаранглар,

Табиатнинг гултожи – одам.

Лекин бундан қандай изоҳлай:

Баъзан яхши одамдан тош ҳам.

Ушбу дoston чўпон Жабай тилидан баён этилган
бўлиб, бутун умри дашту биёбонларда, кимсасиз
чўлларда, оиласидан, дўсту биродарларидан узоқда
ўтиб кетган инсонлар ҳақида ёзилган қасидадек
таассурот уйғотади.

Олгин мана ушбу Октовни,

Минг йилдирки, тўқади савлат.

У кўргандир қанча авлодни,

Ҳамон мағрур ундаги қомат.

Инсон эса етмиш-саксон йил

Яшаб, бир кун ўтар оламдан.

Хайриятки,

Бўлиб дилбанди –

Фарзанд қолар экан одамдан!

Халқимизда метин иродали инсонлар тоғта қиёсланади. Ижодкор Оқтов тоғининг савлатини чиройли тасвирлай туриб, инсон 70-80 йил яшаса-да, ундан фарзандлари, қилган савоб ишларию ҳалол меҳнати қолади. Тоғ минг йил яшаши мумкин, аммо йиллар ўтиб у емирилади, қуруқ текисликка айланиб қолади. Одамлар эса мана шу қисқагина умри давомида яхши ном қолдиришга ҳаракат қилишади, деган фикрга келади.

Мен розиман Жаҳсилиқдан хўп,
Ота изин босди зурёдим.
Меҳнатсевар,
Ҳурмати ҳам кўп,
Давом этар унда ҳаётим!

Ўзга адабий-поэтик турлардан фарқли равишда лирик жанр асосида кишининг муайян бир муддатда кечираётган руҳий ҳолати ётади. Бу ҳақда таниқли шоир Садриддин Салим Бухорий шундай деб ёзган эди:

Гоҳо шодон, гоҳида оғир
Дақиқалар ўтади бир-бир.
Шу лаҳзани шеър ичра шоир
Мангу сақлаб қолишга қодир.

Достондан келтирилган қуйидаги парчада ҳам қаҳрамоннинг оний руҳий ҳолати бадиий тажассум топган.

Шуни ўйлаб топаман таскин,
Ва қалбимда ортади ғурур.
Шундан балки ҳайкалим бутун
Оқтов билан беллашур мағрур!
Ҳайкал – ҳурмат марҳумга,
Аммо
Тирикликка нима ҳам етсин,
Бир кун пода боққан кунимга
Минг ҳайкал ҳам тасаддуқ кетсин !

Ушбу парчада шоир лирик чекинишнинг гўзал намунасини қўллаган.

“Яхши ва оқил фарзандлар – умр зийнати”, – дея эътироф этилган ҳадиси шарифда. Достон қаҳрамони вафот этган бўлса-да, унинг фарзандлари касбини давом эттирмоқда, юртига хизмат қилмоқда, шу сабабли ҳам асар қаҳрамони улкан тоғ билан беллаша олади, шу бойсдан қалбини руҳий устунлик чулғаб олади.

Эпик ёки драматик жанр намуналари, хусусан, достонда инсон, халқ фаолияти, турмушининг бир қадар кенг манзаралари ифода топади, қаҳрамон ва персонажларнинг ўзига хос муомала-мулоқотлари тасвирланади. “Жабай” лирик достон бўлгани учун

унда, асосан, қаҳрамон ҳаётига оид воқеа-ҳодисалар эмас, унинг руҳий-ахлоқий кечинмалари, қалб оқими жараёнига асосий эътибор қаратилган. Худди мана шундай психологик тасвирлар дoston етакчи қаҳрамонининг ички-маънавий дунёси, ахлоқий-маънавий қарашларидан китобхонни воқиф этади:

Қани, чўпон таёғим қани,
Мен унингсиз эмасман бутун.
У эди-ку умрим шериги,
Ҳаётимга вафодор йўлдош.
Унинг билан ўлик, тиригим,
Севгида ҳам бир пайтлар ...
Сирдош.

Дostonнинг охирги бандларида ижодкор севги билан инсон улуғлигини таъкидлаб ўтади ва муҳаббатни – дилга куч берувчи табиб, дея ажойиб бадиий-фалсафий хулосага келади:

Муҳаббат!
Бу – умр зийнати,
У очади кўнгил қатини,
У – дилга куч берувчи табиб!

II.2. "Сулув Бибишхон ва мешкоб Мўмин севгиси", "Хурлик" дostonлари таҳлили

Ғулом Шомуроднинг "Сулув Бибишхон ва Мўмин севгиси" dostonи тарихий мавзуга бағишланган. Ушбу асарда қадим Бухоронинг сўлим гўшаси саналмиш осори атиқа – Лабиҳовуз атрофида бўлган воқеалар тасвирланган. Doston сарлавҳасида қўлланган мешкоб сўзи ҳозир деярли ишлатилмайди ва ва ёшларга маъноси тушунарсиз бўлиши мумкин. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да ёзилишича, мешкоб кўча ва бозорларда меш (чарм халта) кўтариб сув сотиб юрувчи киши деган маънони англатади.

Асар бошланма, воқеалар ривожини ва тугалланмадан иборат бўлиб қуйидагича бошланади:

Бухоро ҳўб қадим шаҳар,
Кўпдир қадим иморат.
Улардан ҳам, билсанг агар,
Бисёр нақлу ҳикоят.
Келгин, дўстим, бир дам бирга
Ўтмишга сайр қилайлик.
Икки ёшнинг тақдиридан
Бир ҳикоят тинглайлик.

Бухоро кўп минг йиллик тарихга эга. Шоир ушбу дostonда ўтмишга доир ҳар бир унсур ва тарихий жойни алоҳида изоҳлаб ўтиб, китобхонга қадим тарихимиздан маълумот берган. Асарда Девонбеги ҳовузи, Михчагарон, Шохруд ариғи, Лабиҳовуз, Кангов қишлоғи, Қоровулбозор чўли, Косон, Шаҳрисабз каби жой номлари тилга олинган. Воқеалар ривожини иссиқ ёз пайтлари ҳамда баҳор фаслида бўлиб ўтади.

Бухорода Девонбеги –
Улкан ҳовуз саналган,
Оқиб келган Шохруд суви
Шу ҳовузга қуйилган.
Салқин бўлган бу ер мудом,
Эсиб сувнинг шамоли,
Порлаб турган қўнганда шом,
Сувда ойнинг жамоли.
Саратонда тутлар тўсган
Куннинг оташ ўтини...

Мана шундай ажойиб саратон кунлари тасвири билан воқеалар ривожини бошланади. Бухоронинг Михчагарон гузарида эру хотин, уларнинг бир ўғил ва қизи истиқомат қилишар экан. Яхши маълумки, бадиий адабиёт намуналарида халқ оғзаки ижодининг нодир намуналари – мақол, ибора, нақллар истифода этилади. Серқирра қалам соҳиби

ҳам юқоридаги анъанага амал қилган ҳолда “Қиз болага лозим эмас сув ташимоқ олисдан”, – деган ҳикматни қўллаган. Бу “ирсоли масал” санъатига мисолдир.

Шарқ оилаларида отага ҳурмат-иззат, эҳтиром каби туйғулар аввалдан мавжуд бўлган. Шундан бўлса керак, оталар оила посбони, оила кўрғони бўлибгина қолмасдан халқ, миллат таянчи ҳамдирлар.

Қадим тарихимизнинг гувоҳлик беришича, Бобур мирзо ўғли Ҳумоюнни ажал чангалидан қутқариш мақсадида унга ўз жони ва умрини бахш этган, Ўткир Ҳошимовнинг бобоси шайх Абдулазиз 1872 йили Тошкентда бўлган вабо офатини ўзига худодан тилаб олган. Шоирнинг ушбу лиро-эпик асарида ҳам отанинг оила, жамиятдаги мумтоз ўрни, фарзандларига нисбатан меҳр-оқибати хусусида фикр юритилганини кўриш мумкин.

Достоннинг асосий қаҳрамонлари – Бухорои шарифнинг сулув қизи Бибишхон ва меҳнаткаш, алпқомат Мўмин деган йигит. Асарда Мўмин Шарқ одоб-ахлоқи мезонлари асосида тарбия топган ориятли, тарбияли навқирон инсон сифатида тасвирланган:

Йигит боқмас қиз юзига,
Дер: менга бу – нораво,
Мен – бир етим,

Бой қизларга

Бойнинг ўғли тенг танҳо.

Достонда шоир бадиий портретнинг эсда қоладиган намуналарини яратишга муваффақ бўла олган. Ушбу лиро-эпик асарда Бибишхон ҳақиқий миллий қиёфада – хушмуомала, зийрак қиз сиймосида гавдалантирган. Унинг қошларига қўйилган ўсма, қўлларидаги хино, юздаги ним табассум ана шундай миллийликни янада бўрттириб, кучайтириб турибди:

Ўсмали қош, қўл хино-ла

Эшик очди Бибишхон.

Ассалом, дер қиз оҳиста,

Юзида ним табассум.

Достонда сулув Бибишхон ва мешкоб Мўминнинг бир-бирига бўлган оташин, Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнунларга хос теран муҳаббати ўзининг бадиий ифодасини топган.

Улар севар бир-бирини.

Шундай сирли, пинҳона.

Очмоқ учун қалб сирини

Тополмасдан баҳона...

Достондаги қулминацион (авж) нуқтасида сулув Бибишхонга 45 ёшар одамдан совчи келиши ва унинг ёши бир жойга бориб қолганига қарамасдан, мол-давлати учун ота-онасининг тўйга рози бўлишлари тасвирланган. Воқеа ривожини давомида шунга амин бўламизки, ушбу лиро-эпик асарда Мустақиллигимиздан олдинги даврларда қизларимизнинг аянчали тақдири, оила қуриш, севги-муҳаббат борасидаги эркслиги муайян лиро-эпик лавҳаларда кўрсатилган. Шу билан бирга, янги замон – истиқлол давридаги эрк ва озодлик нашидалари қаламга олинган.

Рози бўлган ота-онам,
Йўқ, дедим мен,
Йўқ дедим.
Унга хотин бўлар бўлсам,
Менга тегсин ўқ дедим.
Қирқ бешларга борган ёши,
Эмас сиздай навқирон,
Фақат сиздан бир умидим,
Илож топинг, акажон.

“Сулув Бибишхон ва мешкоб Мўмин севгиси” достонида қаҳрамонларнинг қалб тугёнлари аниқ воқеа тасвири билан уйғун ҳолда кўрсатилган. Ушбу достон тажрибали шоир ижодидаги ўзига хос ҳодиса, ютуқдир. Бинобарин, хассос ижодкор лиро-

эпик соҳада изланиш, меҳнати яна давом эттирса, шеърят мухлисларини янгидан янги дилтортар асарлар билан хушнуд эта олади.

Достонда шоир бадий тасвир воситаларидан ўхшатиш санъатининг гўзал намуналарини ўринли қўллаган:

Ой порлаган юзларида
Ғами қотган мисли тош.

Нима қилсин шўрлик йигит,
Нор туядай бўзлади.

Ижодкор шеърларининг яна бир устувор хусусияти – меҳр-муҳаббат туйғусининг улуғланишида намоён бўлган:

Сиз жонимсиз, сиз жаҳоним,
Бошимга тож меҳрингиз.

Бадий асарда пейзаж (табиат манзараси тасвири)нинг қўллаш усуллари анча кўп. Улар қалам соҳибининг ўзига хос услуби ва асар жанри билан белгиланади. Табиат манзараси ҳар хил мақсадларда яратилиши мумкин. У баъзан воқеа содир бўлган вақтни билдирса, баъзан асар сюжети ҳалқаларини бир-бирига туташтиради. Достонда тажрибали шоир қалами билан моҳирона чизилган бир қанча

табиат манзараларини кўришимиз мумкин.
Масалан:

Саратонда тутлар тўсган
Куннинг оташ – ўгини.

Сулув Бибишхоннинг ота-онаси узоқ жойга меҳмонга кетганларида, Мўмин фурсатни ғанимат билиб, севган қизини ёнига олиб Когонга йўл олади. Асарда бу воқеа аниқ ва табиий тасвирланган, севишган йигит-қизнинг йўлдаги машаққатлари таъсирли, драматик тарзда бадиий ифода топган:

Йигит юрар олдин-олдин,
Сал орқада Бибишхон –
Кийган эрлар либосини,
Тақмаган сирға, маржон.

Бибишхон ва Мўмин йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, олис Косон (Қашқадарё вилоятидаги туман)га етиб борадилар. Бу ердаги бир кампир ва чолга фарзанд тутиниб, оила қурадилар: тўрт қиз, олти ўғил кўрадилар, дoston шу билан хотима топади, аммо шоир воқеага лирик чекиниш киритиб, Косонга борганлиги, дoston қаҳрамонлари билан учрашганини айтиб ўтади. Мешкоб Мўмин 110, Бибишхон эса 105 ёшга кирган бўлсалар-да, ўз юртларини қўмсашларини, Лабиховуз бўйларини кўрмоқчи эканликларини айтадилар. Ижодкор

истиқлол шарофати билан шариф шаҳардаги ҳамма
жойлар обод бўлганлигини, Лабиҳовуз атрофлари
доимо одамлар билан гавжум бўлганлигини гапириб
беради ва достонга хотима ясайди:

Бирдан ёшлар орасида
Бибиш, Мўмин кўринар.
Салом бериб ўтишарлар,
Мен қоламан анграйиб.
Йўқ, йўқ дейман, эмас улар,
Хушим оламан йиғиб.
Йигит Мўминжонга монанд,
Қиз ўхшайди Бибишга.

Ижодкорнинг “Хурлик қасидаси” достони 2011
йилда ёзиб тугатилган ва Мустақиллигимизнинг
йигирма йиллигига бағишланган. Ушбу қасидада
қадим тарихимиз ва унинг садоқатли фарзандлари
мадҳ этилган.

Ўзинг ахир Хумосан, хурлик!
Айтгим келди сенга қасида,
Сен туфайли
Юраклар – нурли,
Бу – дил изҳорим
Аслида –
Муборак тўй фаслига!..

Ушбу дoston-қасидада буюк аждодлар -- Тўмарис,
Широк, Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби
боболаримиз, уларнинг тарихимизга қўшган буюк
ҳиссалари ифтихор ҳисси билан тилга олинган:

Амир Темур
эгаллагач тахт,
сарҳадидан
Қувиб ёвларни,
Барпо этди буюк мамлакат,
Барҳам берди тўсиқ, ғовларни,
Дўст тутинди уруғу элат!

Ушбу дostonда бизнинг Мустақилликкача босиб
ўтган йўлимиз, шўро даврида халқпарвар давлат
арбоблари ва ижодкорларнинг замона зайлидан
чеккан азоб-уқибатлари ҳам тасвирланган:

Гуноҳи не эди
Фитрат, Чўлпоннинг.
Миллатнинг сарвари
Акмал, Файзулло,
Олтин қалам соҳиби –
Усмон, Қодирий...
Барчаси бўлди-ку
Тухмат қурбони.
Эсласам,
Юракни ғам янчар, эвоҳ!..

Қалам соҳиби тарихимизнинг қора кунларини
эсга олар экан, изтиробга йўғрилган куйидаги
мисраларни битади:

Бу қандай қабоҳат,
Бу қандай зулм?
Мардларидан юртни
Жудо этмоқлик?!

Отдилар,
Осдилар ҳар жойда тўп- тўп.
Мангу очиқ қолди шаҳидлар кўзи.

Достонда Мустақилликдан кейинги давр ўзгача
шукуҳ билан бадийий тажассум эттирилган. Асар
лирик қаҳрамони (шоир) тинчлик, фаровонликнинг
қадрига етишга, уни севиб ардоқлашга барчамизни
даъват этади.

Мана,
Сени куйлаб
эркин, ҳур,
Осмонингда учдим,
Истиқлол.
Парвозимдан қониб,
Шод, масрур –
Она юртни қучдим,
Истиқлол!

II.3. Болалар шоири

Йигирманчи аср, хусусан, миллий Мустақиллик даврида замонавий Бухоро адабий муҳитига мансуб ижодкорлар орасидан бир қанча болалар шоирлари етишиб чиқди. Булар Сафар Барноев, Дилшод Ражаб, Дилмурод Жаббор, Вали Бобомурод, Бобур Ҳамроев ва бошқалардир.

Мана шу гуруҳга ҳақли равишда шоир Ғулом Шомурод номини ҳам қўша оламиз.

1989 йил – Истиқлол арафасида республикаимиздаги ёшлар нашриёти учта ижодкор – Қутби Носирова (“Нон ҳақида қўшиқ”), Ғулом Шомурод (“Чақмоқ”), Дилшод Ражаб (“Қорқиз соғға келтирди”)нинг болаларга бағишланган шеърларини битта китобга бирлаштириб каттагина ададда чоп этди.

Мустақиллик даврида Ғулом Шомуроднинг кичкинтойларга атаб ёзилган учта шеърӣй тўплами – “Кўклам қўшиғи”, “Бобо шаҳрим” ҳамда “Ватаним – кенг жаҳоним” бирин-кетин дунё юзини кўрди.

Булар орасида “Бухоро” нашриёти томонидан нашр этилган “Бобо шаҳрим” мажмуаси нисбатан мукаммаллиги билан ажралиб туради. Тўпламга элликта лирик шеър ва бешта дostonу шеърӣй эртак киритилган. Таниқли шоир ва маърифатпарвар Садриддин Салим Бухорий муҳаррирлигида чоп қилинган ушбу китоб муаллифнинг болалар шоири

сифатида танилишида ўзига хос аҳамиятга эга бўлди.

2011 йили Ватанимиз пойтахти – Тошкентда фаолият кўрсатаётган “Шарқ” нашриёт-матбуот акционерлик компанияси бош таҳририяти чоп этган “Ватаним – кенг жаҳоним” (мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун) шеърӣ тўплами ажойиб дизайни ва кўркемлиги билан алоҳида ажралиб турибди. Тўпламга истеъдодли мусаввир Лайло Башарова ажойиб расмлар ишлаган. Китоб муқовасида Бухоро арки, Чорминор, Минораи калон, Исмоил Сомоний мақбараси, Девонбеги мадрасасининг олд кўриниши, шунингдек, қўлига нур сочаётган юлдузни ушлаб ҳилол – янги ойга чиқиб олган ҳамда улкан дарахт шохига осилган арғимчоқ учаётган болалар тасвири акс этган. Саҳифаларга Ватанимиз байроғидаги рангга монанд кўкиш фон берилган. Тўпламдаги шеър ва дoston-эртакларнинг мазмуни ва сюжетига мос ранго-ранг суратлар чизилган. Бадий мазмун ва ўзига хос дизайн ўзаро уйғунлашиб ёш китобхон дилига завқ бериб турибди.

Юқорида қайд этилган тўпламлардан ташқари, шоирнинг шу йили “Болажонлар байрами” ва “Уста ва Амир” деб номланган янги китоблари “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилди. Ушбу мажмуалар Ғулом Шомуроднинг болалар шоири сифатида аллақачон шаклланиб бўлгани, бу

соҳанинг ўзига хос жиҳатларини яхши ўзлаштирганининг очиқ кўрсатиби турибди. Бундай фикр-қарашга келишимизга асосий сабаб шундаки, ижодкорнинг болаларбоп лирик шеър ва манзумалари жажживойлар дили, тилига мос иншо этилган, ўқилиши ва ёдланиши осон, тасвир ва манзаралар табиий ҳамда ҳаётийдир.

Табиийки, бунинг боиси нимада деган савол юзага келади. Мазкур саволга имкониятимиз даражасига қараб жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Болалар ижодкори бўлиш учун биринчи галда туғма-табиий истеъдодга эга бўлиш лозим. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Аммо барча истеъдодли қаламкашлар ҳам болалар шоири бўлавермайди. Истак, яъни болалар учун ёзиш нияти керак бўлади. Бироқ фақат иқтидор, боз устига, ниятнинг ўзи ҳам етарли эмас. Бу ерда энг муҳим нарсa ниятни кўнгилга туккан ижодкор ўзининг болалиги, болалик олаmidан узоқлашмаслиги зарур бўлади. Одатда аксарият катталар, ҳатто ижодкорлар улғайиб, болалик дунёсидан олис кетадилар. Бундай ҳолда бола маънавий-руҳий жараёнини тўла-тўқис тасвирлай олмайдилар. Болалар шоири эса навниҳоллик оламида яшайди. Шу боисдан бола дилини, мақсад-интилишларини яхши тушунади ва табиийки яхши тасвирлай олади.

Демак, шоирнинг бола қалбини ўзига торта оладиган мароқли асарлар яратиши юқорида баён этилган омиллар билан чамбарчас боғлиқ экан.

Ғулом Шомуроднинг болалар шоири сифатида фаолият кўрсатишини юқоридаги омиллар изоҳлаб беради, деб ўйлаймиз.

Шоир шеърӣ асарларини мавзу, тасвир объекти нуқтаи назаридан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг она диёр – Ватанга, юртимиз мозийсида ёрқин из қолдирган тарихий шахсларга меҳр-муҳаббати бадиӣй ифода топган лирик ва лиро-эпик асарлар.

Шоирнинг “Бобо шахрим Бухоро”, “Озод Ватан меҳри”, “Мен – навқирон Бухорий”, “Қоровулбозор”, “Афшона” лирик асарларида ёш авлод вакиллариининг ички-маънавий дунёси ўз бадиӣй ифодасини топган. Айниқса, “Озод Ватан меҳри” шеърӣда бадиӣйлик Ватан туйғуси билан уйғунлашиб, ёш китобхон қалб оламини ёрқин ва аниқ ифодалаганини айтиш лозим.

Мазкур шеър бармоқ вазнида ёзилган бўлиб, тўрт банддан ташкил топган. Ҳар бир банд тўрт мисрани ўз ичига олган бўлиб, қофияланиш тартиби: а б а б. Бундай банд тузилиши замонавий ўзбек шеърӣяти учун анъанавӣй бўлиб, ҳозирги замон миллий лириканинг кўпчилик намуналари ушбу тизимда

яратилган. Бироқ мисралардаги ҳижолар миқдори ўзига хос:

Дилда туйиб Ватан меҳрин, 8

Юрт ҳақида ўйлаймиз. 7

Шу боисдан унинг мадҳин 8

Тўлиб-тошиб қўйлаймиз. 7

Шеърда она диёрга бўлган меҳр туйғусини юрак-юракдан изҳор этаётган янги авлод вакиллариининг самимий эътирофи таъсирчан ифода этилган. Бу каби лирик яратмалар ёшларимизда миллий дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради, шу билан бирга, улардаги эстетик кечинмаларни теранлаштиради, деб ўйлаймиз.

Қўриняптики, тоқ мисралар саккиз, жуфт мисралар эса етти ҳижодан иборат. Тўғри, бундай усул шеъриятимиз учун янгилик бўлмай, шоирларимиз томонидан вақти-вақти билан истифода этиб келинмоқда. Бироқ, шунга қарамай, мазкур назм намунасида ушбу бадийий усулнинг қўлланиши ўринли бўлган: мисраларда ҳижолар миқдори ўзгариши билан оҳанг ҳам маълум даражада ўзгаради, бу эса ритмнинг янада табиий ва мусиқий бўлишига ёрдам беради.

“Кичик Жаҳонгир сўзи”, “Мен – навқирон Бухорий”, “Шариф Нурҳон боғи” шеърларида болажонларимизнинг юрт тарихига бўлган ҳурмат-эҳтироми, элим деб, юртим деб ёниб яшаган атоқли

боболаримизга меҳрли муносабат тасвирланган. Жумладан, “Кичик Жаҳонгир сўзи” шеърида Мустақиллик даври авлодининг буюк соҳибқирон бобомизга бўлган иззат-икроми ўз ифодасини топган:

Жаҳонгир Темур каби

Бўлсин дея баҳодир.

Ота-онам номимни

Атаганлар Жаҳонгир.

Халқимизда азал-азалдан болага ном қўйишга катта эътибор билан қараганлар. Исмда боланинг келажаги яширинган бўлади, деб ҳисоблашган. Шу боисдан ҳам иложи борича эл-юрт тарихида муносиб из қолдириб, халқ эътирофига сазовор бўлган тарихий шахслар отларини ўз фарзандларига беришга ҳаракат қилганлар. Ушбу шеър қаҳрамонига ота-онаси буюк Темур унвони бўлган Жаҳонгир номини беришган. Бола ўз номидан жуда хурсанд, қалбида соҳибқирони акбарга нисбатан ҳурмат туйғуси жўш уради, бу тарихий зотнинг эзгу ишларини давом эттиришни қатъий мақсад қилиб олган. У азиз Ватан учун жонини фидо қилишни шараф деб билади. “Ҳеч қачон ҳеч кимсага бермам Ўзбекистонни” дея тенгдошларига хитоб қилади. Лирик қаҳрамоннинг: “Менга жаҳон керакмас, Шу юртим улкан жаҳон”, деган самимий эътирофида

ўзбек халқининг тинчликсевар дунёқараши яққол акс этиб турибди.

“Мен – навқирон Бухорий” лирик асарида шариф макон – Бухоро шухратини оламга ёйган мўътабар зотлар ҳақида гап боради. Айнан шу зотларнинг меҳнати, эътиқоди, шижоати туфайли Бухоро шариф шаҳар мақомига эга бўлган. Булар: ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, тасаввуф таълимотини янги босқичга олиб чиққан Баҳоуддин Нақшбанд, илмий мероси янги замон тиббиётига тамал тоши қўйган Абу Али ибн Сино, биринчи бўлиб Бухоро ўтмишини жаҳон тарихига олиб кирган машҳур муаррих Наршахий... Албатта, буюк зотлар номини келтиришнинг ўзи билан чинакам бадий асар юзага келавермайди. Бу ҳақиқатни яхши билган тажрибали шоир шеърга лирик-эмоционал руҳ бериш, кўнгил туйғуларини имкони борича таъсирчан, гўзал бир тарзда тажассум эттиришга ҳаракат этган. Ушбу фикр исботини шеър хулосаси бўлган мана шу мисраларда кўрса бўлади:

Боболар ишларини
Эттирамиз биз давом.
Янада довруғ ёяр
Олам бўйлаб Бухором.

Ҳар бир халқ, унинг ҳар бир янги авлоди ўз улуғ ўтмиши, яшаб ўтган улкан тарихий сиймолари

билан фахрланишга ҳақли. Аммо фақат бундай фахр-ифтихорнинг ўзигина етарли эмас. Буюк мутафаккир Ницше нукул ўз тарихи билан фахрланиб, унга маҳлиё бўлиш фойда келтирмаслигини айтиб ўтган эди. Тўғри-да, биз мозийдаги юзлаб улуғвор зотлар билан туну кун ифтихор этсаг-у, аммо ўзимиз уларнинг катта ва жаҳоншумул ишларини давом эттирмасақ, келгуси авлодлар биз ҳақимизда нима дейди?.. Шу боисдан Ватан шарафини жаҳонга ёйган мўътабар зотлар изидан боришимиз, уларнинг ютуқларини давом эттиришимиз, янги улуғ тарихга асос бўладиган яхши ишларни қилишимиз зарур. Шеър интиҳосида мана шундай фикр аниқ-равшан ифодаланган.

Юртимиз – Ўзбекистон фақатгина улкан тарихий шахслари билан эмас, улар яратган осори атиқа – муқаддас ва ажойиб гўшаю масканлари билан ҳам маълум ва машҳурдир.

Ғулом Шомуроднинг болаларга ёзилган шеър ва дoston, шеърӣй ривоятида ана шундай жойлар, уларнинг ҳикмати, хислатлари тасвир қилинган. “Бобо шахрим Бухоро”, “Афсона”, “Қоровулбозор”, “Шариф Нурхон боғи” шеърлари, “Арк ҳақида ривоят”, “Ойтуғди афсонаси” фикримизга далил бўла олади. Айниқса, “Бобо шахрим Бухоро”, “Шариф Нурхон боғи” лирик асарлари бадий-поетик фазилатлари, болалар маънавий дунёсини ёрқин акс эттириши, тасвирнинг аниқлиги ҳамда

“Камалак” дея аталган мўъжазгина шеър маснавий тарзида қофияланган, тўрт байтдан иборат. Лирик асар қуйидаги байт билан бошланган:

Кўкка қарасам,
Шоҳи беқасам.

“Шоҳи беқасам” дейилганда, камалак назарда тутилмоқда. Юзаки қараганда, ижодкор бу шеърый парчада ташбиҳ санъатинини қўллагандек туюлади. Аслида эса байтда Ғуллом Шомурод лирик ижодида кам учрайдиган истиора истифода этилган. Камалак ўрнида “шоҳи беқасам” бирикмасининг келтирилиши шеър бадийлигини оширган ва тасвирнинг рангинлигини юзага келтиришга хизмат қилган. Маълумки, беқасам йўл-йўл мато, унда турли ранглар бўлади. Камалак ҳам, маълумки, ўзида бир неча ёрқин рангларни жамлаган. Шеър лирик қаҳрамонининг фикрича, қайсидир “моҳир қўл” усталик билан беқасамдан поёндоз тўқиб, уни осмонга тўшаган. Яхши биламизки, кичик ёшдаги болақайлар табиат ҳодисалари сабабини ҳали яхши билмайдилар. Шу боисдан ҳам уларнинг камалакни рангдор поёндоз деб билишлари китобхонга эриш туюлмади. Аксинча бундай менгаш унга қизиқарли ва ҳаётий бўлиб туюлади.

“Камалак билан суҳбат” аввалги шеърдан фарқли равишда ҳажман анча катта. 2003 йилги нашрда

“Бобо шахрим” тўпламининг икки саҳифасини ишғол қилган. Шеър бандларга бўлинмаган, мисралардаги ҳижолар миқдори ўзгача: тўрт ҳижолик тизимда ёзилган. Бармоқнинг кам учрайдиган тармоғида иншо этилганки, бу тажриба шеър оҳангининг шошқинлиги ва мазмуннинг содда ифода тарзини юзага келтирган, Аниқроқ қилиб айтганда, жуда болаларбоп, боғча ёшидаги жажживойлар бемалол тушуна олади. Асар бошдан охир саволу жавоб санъати асосида юзага келтирилган. Табиат гўзаллигидан завқ олувчи болакай рангин камалакни томоша қила туриб, қалбидаги ҳаяжони ошиб-тошиб кетади ва ўз туйғуларини баён этишга киришади. Камалақдан шошмай туришини, унинг сувратини альбомига чизишга улғуриш учун фурсат беришни илтимос қилади. Камалак ҳам бадий адабиётдаги интоқ санъати ёрдамида тилга кириб, болага ўз дил сўзларини анча батафсил изҳор этади. Кўриняптики, бундай бадий усуллар шеърнинг поэтик жозибасини ошириши билан бир қаторда ўзига хос маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга. У навқирон авлодни табиатни севиш ва ардоқлашга ундайди.

Мазкур туркумнинг биринчисида камалак осмонга поёндоз этиб ёйилган беқасамга қиёсланган бўлса, учинчи шеърда само байроғига ўхшатишган. Маълумки, байроқ матоси албатта дастага

ўрнатилади. Кўкдаги камалакни дастасиз қандай қилиб байроқ деб тасаввур этиш мумкин?

Яхши биламизки, қадимий Бухоро шаҳри - юзлаб ҳайратомиз обидалар маскани. Улар орасида Минораи калон ўзининг баландлиги ва салобати билан алоҳида ажралиб турибди. Таҳлил этилаётган шеърда "осмон байроғи", яъни камалак улкан минора билан боғлаб кўрсатилган.

Зокир исмли қизиқувчан болакай Минораи калон ёнидан ўтиб бораётганда, беихтиёр кўзи минора тепасида товланаётган камалакка тушади:

У дер:

Кўк матосига

Чизиб ҳар хил бўёқни,

Кимдир тикибди, қаранг,

Қандай улкан байроқни.

Яна ушбу байроққа

Минорни қилиб даста.

Осмон узра кўтариб,

Тиклаб қўйибди аста.

Чиндан ҳам, ажойиб поэтик топилма: камалак байроқ матоси, қадимий минор бўлса, унинг каттакон дастаси. Шоирнинг бадиий маҳорати туфайли ҳозирги замонда яшаётган ёшларимизнинг

топқирлиги, ҳаёл дунёсининг кенглиги шеърда ёрқин ифодаланган.

с) жониворлар образи яратилган шеърлар. Шоирнинг болаларга аталган лирик ижодида мазкур мавзуга оид “Чумолининг қўшиғи”, “Оқ лайлак”, “Бузоқ”, “Тилла қўзи”, “Охужон”, “Туя” шеърлари бор.

Юқорида санаб ўтилган шеърый асарлардан “Тилла қўзи” асари ҳақида баъзи бир мулоҳазаларимизни қисқача бўлса-да айтиб ўтмоқчимиз. Шеър бармоқнинг қўшма тармоғида – 7-5-7-5 ҳижо тизимида яратилган. Ҳар бири тўрт мисрали бешта бандни ўз ичига олади. Шеърнинг номи дарҳол китобхон-болада қизиқиш уйғотади: “Тилла қўзи нима экан? Балки тилладан ясалган қўзи ҳайкалидир?” Ушбу лирик асар ёш китобхонда бадиий завқ уйғотиши билан бир қаторда маърифий аҳамиятта ҳам эга. Ёшларга Бухоро ҳудудида боқиладиган камёб тур – сур терири қўй-қўзилар ҳақида маълумот беради. Сур қўзи олтин рангда бўлиб, қуёшда товланиб туради, гўзаллиги билан одамларга, айниқса, болаларга шавқ бағишлайди.

Бухоро сур қўйларининг аксарияти бағри олтинга кон бўлган Қизилқум чўлида боқилади. Тиллага тўйинган жойнинг гиёҳларини еган қўйларнинг қўзилари териси, табиийки, олтиндай товланади. Бу ҳақда шеърда шундай дейилган:

Билсанг, Қизилқум бағри
Олтиндир ўзи.
Шу тупроқда бўй чўзар
Явшан, «қуш кўзи».

Ушбу гиёҳдан ўтлар
Қўзи-барралар.
Шундан уларга ўтар
Тилла зарралар.

Бу ўринда тажрибали ашъорнависнинг адабий тилимизни янада бойитишга бўлган уринишини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бухоро шеваларида “қўзи” барра дейилади. Бу сўзни бошқа ижодкорларимиз қўллашга ўтсалар, ҳозирча адабий тилимизда яккка-ягона бўлган қўзи сўзининг маънодоши юзага келган бўлар эди.

д) юртимизнинг кўркига кўрк қўшиб, халқимизга ширин-шарбат мевалар тухфа этадиган дарахтлар ҳамда баъзи бир дон ва полиз экинлари, шифобахш ўсимликлар ҳақидаги шеърый асарлар. “Ўрик”, “Тут”, “Маккажўхори”, “Тарвуз”, “Тилос”, “Исирик” шеърларини бу гуруҳга киритиш мумкин. Ушбу назмий яратмалар орасида “Исирик” мавзунинг янгилиги ва тиббий-маърифий аҳамияти жиҳатидан эътиборга лойиқ.

Мустабидлик ҳукм сурган шўро замонида даҳрий мафкурачилар томонидан саломатлик учун ғоят

фойдали бўлган бу шифобахш ўсимлик “эскилик сарқити”, “зарарли” деб эълон этилиб, уни қўллаш қатъий тақиқланган эди. Ҳолбуки исириқ минг йиллар давомида одамларнинг саломатлигини яхшилашга хизмат қилиб келган.

Ғулом Шомурод шеърида исириқнинг фойдаси образли-бадий таъсирли тарзда ёш китобхонларга уқтириб-тушунтириб берилган. Асарда савол-жавоб бадий санъати ёрдамида мазкур маърифий-поэтик вазифа амалга оширилган. Лирик қаҳрамон – кичкинтой бола чирсиллаб ўтда ёниб митти донларини сочаётган гиёҳга мурожаат қилиб, бундай ёнишининг сабабини суриштиради.

Аслида тил-забонсиз исириқ интоқ санъати кўмагида “тилга кириб”, жумладан, шундай дейди:

Ўсган ерим

Чўл-сахро.

Тутуним

Дардга даво.

Микроб келтирса

Касал.

Мен унга бўлиб ажал

Чирс-чирс этиб

Отаман.

Қираман,

Йўқотаман.

Демак, чирс-чирс сочилаётган дончалар микробларга қарши отилган “ўқлар” экан. Бундай бадий хулоса ёш китобхонни завқлантиради, исириқнинг фойдали хусусиятларини яхшироқ англаб олишига кўмак беради.

4. Бевосита болаларнинг ўзига, уларнинг ички дунёси, феъл-табиати, майл-қизиқишлари, сила аъзолари билан муносабатлари, ўйин ва машғулотларига бағишланган шеърий асарлар. “Иссиқ нон”, “Мучал завқи”, “Хумоюннинг шеъри”, “Ушоқ нон”, “Кинода”, “Сухайлнинг сўзлари”, “Ҳисоблашни биламан”, “Арғимчоқ”, “Зардўз қўшиғи”, “Элёр” каби назм намуналари мана шу гуруҳга мансуб.

“Арғимчоқ” шеърида сирtdан қараганда оддий бир манзара тасвир этилган: Хол ва унинг дўсти дарахт шохига арғимчоқ солиб уча бошлайдилар: “Биз секин-аста баландлаб учдик. Ер қолиб пастда, осмонни кучдик”. Ижодкор жўнгина туюладиган ушбу манзарадан муҳим бадий-поэтик фикр чиқара олган. Бу “баландлик” бадий ғоясидир.

Инсон бу дунёда яшар экан, ҳаминша Юксаклик орзуси билан яшайди, Бу биринчи навбатда маънавий-ахлоқий юксалиш ниятидир. Ёш болаларнинг арғимчоқ учиши ана шундай чўққиға интилишнинг дастлабки аломатларидан бири бўлиб ҳисобланади. “Арғимчоқ” шеърида ана шундай бадий-фалсафий қараш ифодаланган.

Юқоридаги таҳлил талқинлар шу нарсадан далолат берадики, заҳматкаш шоир болалар ижодкори сифатида кўп йиллар давомида анча самарали меҳнат қилган. Унинг шу пайтгача chop этилган ўн еттита шеърий китобидан тўрттаси болаларга аталган.

Бобга оид хулосалар:

1. Маълумки, дoston давр муаммоларини қаҳрамон фаолияти ва руҳияти воситасида тасвир ва талқин қилишда, ижодкор яшаётган замонда кечаётган воқеаларга муносабат билдиришда қўл келадиган, бадиий тизими, морфологик-поэтик воситалари хийла мураккаб адабий жанрдир. Ёзувчи бадиий ижод майдонига киргач, дарров роман ёза олиши мушкул бўлганидек, шоир ҳам ўз ижодий фаолиятини дostonдан бошлаши жуда сийрак учрайдиган ҳодисадир. Роман ва дoston ёзиш учун адабий-бадиий тажриба, маҳорат, энг муҳими, вақт керак. Худди шу сабабга кўра шоир Ғулом Шомурод ҳам ўз ижодий ишини дostonдан эмас, катта-кичик ҳажмдаги лирик шеърлар ёзишдан бошлаган. Ҳаёт ва адабиёт соҳаларида анча катта тажриба, малака, маҳоратга эга бўлгач, шеърятнинг катта ва масъулиятли бадиий шакли – дoston яратишга жазм этган. Гарчи шоирнинг дostonлари миқдори унчалик кўп бўлмаса-да, уларда таъсирчан, жозибадор бадиий лавҳаларни, қаҳрамонлар бошидан кечирган воқеа-ҳодисаларни ўзига хос

руҳий тасвир орқали бера олин хусусиятини кўришимиз мумкин.

2. Ижодкорнинг лирик шеърлари, айниқса, лиро-эпик асарларига хос битта муҳим жиҳатни алоҳида қайд этишимиз лозим: бу асарларнинг барчасида Мустақиллигимизга шукроналик, она-Ватаннинг фидойи фарзандларига ўзгача эҳтиром туйғуларни улуғланган.

Дарҳақиқат, серқирра қалам соҳибининг «Сулув Бибишхон ва мешкоб Мўмин севгиси» достонида тарихимизнинг истиқлолгача бўлган энг қора даври ва мустақиллигимизнинг ҳар бир жабҳадаги эрк ва озодлик нашидалари самимият, илҳом ҳисси билан қаламга олинган.

3. Ижодкорнинг лиро-эпик соҳадаги изланишлари бевосита бизни қадим тарихимизни англашга, миллий ва маданий бойликларимизни асраб-авайлашга, энг муҳими, тинчликнинг қадрига етишга ўргатади.

4. "Жабай" дoston-монологи, "Сулув Бибишхон ва мешкоб Мўмин севгиси" ҳамда "Хурлик қасидаси" лиро-эпик дostonларининг ботиний илдизида меҳр-муҳаббат, поклик ва самимият соғинчи сезилиб туради.

5. Гулом Шомуроднинг болаларга бағишлаб ёзилган "Чақмоқ", "Кўклам кўшиғи", "Бобо шахрим", "Ватаним – кенг жаҳоним" тўпламларига киритилган лирик ва воқеабанд асарлар тасвирнинг

жонли ва рангинлиги, ҳаётий ва самимияти билан алоҳида аҳамиятга молик. Тажрибали ва ҳассос шоир жажживойлар ички-маънавий оламини яхши билади. Уларнинг ёши ва майл-интилишларига мос яратилган шеър, дoston ва эртаклари ёш китобхонлар томонидан эркин ва завқланиб ўқилади, уларнинг комил инсон бўлиб етишишларига ўз камтарона улушини қўша олади.

ИЖОДКОР ШЕЪРЛАРИНИНГ БАДИИЙ- ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

III.1. Шоир шеърларида вазн муаммоси

Шеър – маълум ўлчовли нутқдир. Бу ўлчанганлик ҳар бир шеърий асарда мавжуд ритм орқали рўёбга чиқади. Ритмнинг шеърий асардаги кўриниши ёки шеърий нутқни ўлчайдиган мезон вазн деб аталади [И.Султон].

Чинакам ижодкор бадиий адабиётни, бадиий сўзни, шеърни ўз ёрини севгандек яхши кўради. Нафис сўз санъати сеҳрини ҳис қилишга, унинг шукуҳини билишга, шеър тароватини тушунишга интилади.

“Шеър ритми, одатда, вазн, бўгин, туроқ, пауза, банд, қофия, интонация, бадиий фигуралар, бадиий фонетика билан узвий боғлиқ бўлади. Турли шеърий системаларда шеър ритми специфик хусусиятга эга. Чунончи, бармоқ вазнидаги шеърларда ритм мисралардаги бўгинларнинг миқдор жиҳатдан бир текисда, туроқларнинг бир тартибда, бандларнинг бир хилда такрорланишидан,

қофия, радиф, рефрен, нақоротлар қурилмасидан келиб чиқади”.¹

Шоирнинг “�ўзбекистон тонги” ва “Меҳрим меҳвари” шеърларини вазн мезонларига асосан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз:

Бунда тонглар барвақт отгуси, 9
Куёш қолар бизни соғиниб. 9
Юлдузларнинг келмай ўчгуси, 9
Майсаларда турарлар ёниб. 9

Инсонда нима бор: кучли, чидамли, 11
Тошдан ҳам қаттиқроқ, пўлатдай метин? 11
Кенг, танти елками, муштми, билакми? 11
Бунга жавоб бермоқ бағоят қийин. 11

Лирик асардаги бадий сўзни чақмоққа менгзаш мумкин. Драмада у момақалдиरोқ тусини олади. Насрда эса камалак жилоларидек рангин тусланади, деб ёзган эди бадий адабиёт билимдонларидан бири. Шеърятда сўзнинг чақмоққа эврилиши лириканинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари, хусусан, вазн билан чамбарчас боғлиқ.

Юқорида келтирилган ҳар икки шеъринг парчаннинг ритми бошқача бўлиб, уларни бири-биридан фарқ эттирадиган бош аломат шуки,

¹ Бобоева Б. “Адабиётшуносликка кириш” курси бўйича ўқув-методик қўлланма. Тошкент, 1979, 163-бет.

аввалги бандда ҳар бир мисра 9, иккинчи бандда ҳар бир мисра 11 бўғиндан иборат. Шу сабабли бу икки шеърий асар бармоқ вазнининг икки хил тармоғида ёзилган ва бу тармоқларнинг ҳар бири ўз номига эга (9 бўғинли ва 11 бўғинли вазн). Таҳлил этилаётган шеър, таъкидлаганидек, бармоқ шеърий тизимининг талабларига мос равишда битилган. Шунинг учун бу шеърда ритмик маромнинг алоҳида хусусиятлари устуворлик қилади.

Ритм ва унинг аниқ бадиий шакли ҳисобланган вазн – шеърий матнда муסיқийликни юзага келтирувчи етакчи бадиий-поэтик воситадир. Таниқли шоир В. Маяковский: “Ритм – шеърнинг асосий қувватини ташкил этади”, – деб таъкидлаган эди.

Ижодкорнинг “Бухоро меҳри” шеърини вазн жиҳатидан кўриб чиқайлик:

Ота юртим Нахшаб эрса, 8

Бухородир она шахрим. 8

Иккиси ҳам суюк менга, 8

Иккиси ҳам ғурур, фаҳрим. 8

Онам алла айтиб-айтиб, 8

Бухоронинг меҳрин берган. 8

Отагинам йилит пайти 8

Бу меҳрнинг сеҳрин кўрган. 8

Болаликдан ушбу боис 8
Бухорони қадрладим, 8
Тинч бўлсин деб элу улус, 8
Отни доим эгарладим. 8

Меҳр қўйиб бу масканни, 8
Имкон қадар этдим обод. 8
Қўпайтирдим мадрасани, 8
Ариқларни этдим бунёд. 8

Пирлар ўтган муқаддас жой – 8
Гулзор бўлди, бўлди боғ-роғ. 8
Нур таратиб қуёшу ой, 8
Қалб юксалди мисоли тоғ. 8

Ушбу шеърнинг барча бандлари тўртлик
тизимда ёзилган бўлиб, 8 ҳижоли, а-б, а-б тарзда
қофияланган, бармоқ вазнида ёзилган. Қофиялари:
шаҳрим фаҳрим, берган кўрган, қадрладим
эгарладим, обод, бунёд...

Қанча меҳнат қилмай бунда,
Доим уни кам деб билдим.
Туғилган-ку онам шунда,
Бу ишларни бурч, деб қилдим.

Қадимдан бери ўзбек поэзиясида асарлар икки хил тизим амал қилиб келяпти. Уларнинг бири “бармоқ”, иккинчиси эса “аруз” деб аталади.

Аруз – Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек шеъриятида қўлланиб келинаётган ўзига хос, мураккаб қонуниятларга асосланган вазн. Бу шеърий ўлчов ҳижолярнинг талаффуздаги чўзиқ, қисқалигига ва мисраларда муайян тартибда гуруҳланиб келишига асосланган. Аруз вазни мусиқа билан узвий боғлиқ. Мумтоз шеъриятнинг асосий вазни аруз бўлиб, минг йил давомида узлуксиз қўлланиб келинган. Замонавий ўзбек поэзиясида ҳозир ҳам аруз вазни фаол истифода этилмоқда. Ҳозирги миллий сўз санъатида ижодкорларнинг арузга муносабатида икки хил ёндашувни кўриш мумкин:

1. Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Миртемир, Усмон Носир, Уйғун сингари шоирлар асосан бармоқ вазнида қалам тебратганлар, аҳён-аҳёнда аруз тизимида ҳам ижод қилишган.

2. Ҳабибий, Чархий, Чустий каби шоирлар шеърий ижодида эса аруз етакчи вазн эди. “Арузчи”ларнинг лирик-поэтик ижоди шўро мунаққидлари ва адабиётшунослари томонидан деярли тарғиб этилмаган, уларга адабиёт майдонининг чеккасида турган қалашкашлар сифатида қаралган. Шунга қарамай, ўша даврнинг атоқли хонандалари янги қўшиқ яратмоқчи

бўдсалар, биринчи навбатда “арузчилар” ижодига мурожаат этишган. Бу арузнинг мусиқа билан боғлиқлиги, ҳақидаги фикрнинг тўғрилигига яққол далил бўлиб ҳисобланади.

Шарқ мумтоз шеърятги адабий-бадий анъаналарига чуқур эҳтиром билан муносабатда бўлиб келаётган Ғулом Шомурод ижодида ҳам бармоқ вазнидаги шеърлар билан бир қаторда аруз вазнида ёзилган лирик яратмалар анчагина. Ашъорнависнинг “Инсон азиз”, “Сочларинг”, “Эҳтиёж”, “Тулу райҳон иси”, “Куяр парвонадек жоним”, “Кошки”, “Чиқса қуёш фалакка”, “Қолдим”, “Ортиқсан”, “Ҳоли паришоним менинг”, “Ҳайронлик билан”, “Арзимас” каби шеър ва мухаммаслари мазкур вазнда ёзилган.

Ижодкорнинг “Сочларинг” шеърини аруз вазни қоидаларига асосан таҳлил қиламиз:

Бунчалар ўйнаб келар,
Ҳай-ҳай, товонга сочларинг,
Силкиниб ақлим олар
У ён-бу ёнга сочларинг.
Келтирар боди сабо,
Бай-бай, сочинингнинг мушкини,
Бир ажиб гул атриким,
На хуш бу жонга сочларинг.

Юрганинга тўлғониб,
Тўлқин урар бошдан оёқ,
Гўё тоғнинг сувлари
Оқар уммонга сочларинг.

Ногаҳон айлаб қарор
Кокиллариини қирқмагил,
Ўз чиройин тарк этиб,
Учгай тўзонга сочларинг.

Кечалар чирмаб танинг,
Кундуз қора аждар бўлиб,
Сени бермас ҳеч маҳал
Ҳеч бир ёмонга сочларинг.

Соч ҳақида қанчалаб
Ёзсанг ғазаллар оз, Гулом,
Бунчалар ялдо, ярашиқ
Сендай жононга сочларинг.

Ушбу ғазал - v - - / - v - - / - v - - / - v - тарзида, яъни арузнинг рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун фоилотун фоитотун фаулун) тармоғида иншо этилган. Мумтоз адабиётда “соч” тимсоли билан боғлиқ кўплаб ғазаллар битилган. Ушбу ғазалда ҳам ижодкор бадиий тасвир воситаларини қўллаб, ажойиб ғазал намунасини яратган. Ғазалда маъшуқага алоҳида хусну латофат бахш этгучи,

шаршарадек шовуллаб ошиқ юрагини ларзага
солгувчи соч мадҳ этилган. Ғазалда ташбеҳ, ташхис
каби бадий санъатлардан ўринли
фойдаланилганлигини айтиб ўтиш лозим.

“Тўё тоғнинг сувлари оқар уммонга сочларинг”
мисрасидаги ташбеҳ шеърга ўзига хос гўзаллик бахш
этган. Лирик қаҳрамон – узун соч, аниқроғи, унинг
соҳибасининг вафодор ошиғи. У маъшуқага: «Агар
сен узун сочингни қирқсанг, уни тўзонлар учириб
кетди, шу узун сочларинг сени тунда қора аждар
бўлиб, ёмонлардан ҳимоя қилади”, – дея бадий
тасвирнинг гўзал бир намунасини ярата олган.
Ўхшатишдан кузатилган асосий мақсад – оҳорли,
шеърхон кўнглига маъқул бўладиган бадий образ
яратишдир.

Бу ўринда бир гапни адолат нуқтаи назаридан
айтиб ўтиш лозим бўлади. Олдинроқ
таъкидлаганимиздек, аруз бармоққа нисбатан жуда
мураккаб, узоқ ўрганиш ва муттасил машқни талаб
этадиган поэтик тизимдир. Шу боисдан бу шаклда
ижод қилган қалам эгасининг аҳён-аҳёнда бўлса-да,
сахв-хатога йўл қўйиши ҳеч гап эмас. Мазкур
ғазалнинг айрим мисраларида аруз мезонларидан
чиқиш ҳоллари мавжуд. Фикримизни аниқ бир
мисол орқали исботлашга ҳаракат қиламиз:

Юрганинга /тўлғониб тўл/қин урар бош/дан оёқ,

- v - -

- v - -

- v - -

- v -

Гўё тоғнинг/ сувлари о/қар уммонга/ сочларинг.

- v - -

- v - -

- - - -

- v -

Юқорида келтирилган чизмадан очиқ-равшан кўриниб турибдики, иккинчи мисрадаги учинчи хижовий гуруҳ фоилотун рукнига тўғри келмайди. Бу эса арузий оҳангдорликка путур етказган. Ҳазалнинг мақтаи (охирги байти) иккинчи мисраси учинчи рукнида худди шундай камчилик борлигини кўриш мумкин. Шу нарсани таъкидлаш лозимки, шоирнинг арузда ёзилган лирик асарларида бу каби камчиликлар унча кўп эмас. Тўғриси айтилганда, арузда ижод қиладиган кўпгина қаламкашларда бундай нуқсонлар вақти-вақти билан учраб туради. Бу ҳодисанинг асосий сабаби яқин ўтмиш – шўро даврида арузга нигилистик (инкор) назари билан қаралганлигида, деб билиш лозим.

III.2. Лирик қаҳрамон муаммоси

Шеърятда лирик қаҳрамон муаммоси адабиётшуносликнинг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу ҳақда қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтган, бир-бирига зид қарашлар ўртага ташланган, бундай тортишувлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Мунаққид ва сўз санъати тадқиқотчилари лирик қаҳрамон ҳақида,

асосан, қуйидаги нуқтаи назарларни илгари сурганлар:

1. Лирик асар шоирнинг қалб олами инъикоси, ички кечинмалари маҳсули сифатида юзага келади. Бинобарин, лирик шеърининг асосий қаҳрамони шоирнинг ўзидир.

2. Улуғ сўз санъаткори Гёте: “Шоир лирикада турли ролларни ижро этадиган актёрдир”, – деган фикрни айтган эди. Бу мулоҳазадан келиб чиқадики, лирик қаҳрамон фақат шоирнинг ўзи эмас, у бадий матнда турли-туман шахслар номидан гапириб, уларнинг идеал ва ғояларини илгари сура олади. Адабиётшуносларнинг кўпчилиги иккинчи нуқтаи назар тарафдори бўлиб, шеъринда битта инсон, яъни шоирнинг ўй-қарашлари эмас, кўпчиликнинг тафаккури бадий тафаккури акс этади, деб ҳисоблайдилар. Бу, албатта, тўғри фикр. Шу билан бирга, шеърин матнда ижодкорнинг шахси, таржимаи ҳоли, эътиқоди, ўз орзу-идеаллари ҳам бадий акс этишини ёддан чиқармаслик керак.

Ғулом Шомурод ижодида ҳам автобиографик характерга эга ижод намуналари салмоқли ўринга эга. Унинг “Мен туғилган юртни Жондор дейдилар”, “Қўмсаш”, “Манзара” каби шеърлари шулар жумласидандир.

Ёз кечаси. Осмонда ой
Тўлиб-тўлиб порлайди.

Дехқон ичиб пайкалда чой,
Шеригини чорлайди.

Нурга тўла кенг ёвон-у,
Усти очик чайла ҳам.
Ой сузади, хув, осмон-у,
Пиёлада чойда ҳам.

“Манзара” шеъри, айтиб ўтганимиздек, шоир таржимаи ҳолининг айрим бир қирраларини ўз бадий оламида тажассумлаштирган. Шеърни ўқир эканмиз, шоирнинг отаси – меҳнаткаш деҳқоннинг ўзига хос қиёфаси кўз олдимизда гавдаланади. Қалам деҳқонининг болалиги, ўсмирлиги лирик матнда акс эттирилган бепоён адир ва далаларда ўтганлигидан воқиф бўламиз. Шунингдек, шеърдаги гўзал тасвир, ажойиб табиат манзараларидан завқланамиз, дилимиз эстетик ҳиссиётларга тўлиб-тошади.

Шоир қаламига мансуб “Ишқингда зор” шеърига халқ қўшиғидаги “Сувда балиқ бўлиб мен, сузиб кетсам, нетасан” деган мисралар эпиграф қилиб олинган. Бу мўъжаз асарда лирик қаҳрамон маъшуқасига ўзининг оташин ва самимий ҳис-туйғуларини баён этади. Яхши маълумки, ўзбек халқ қўшиқларида маъшуқа образини яратишда бир қанча рамзий тимсоллардан фойдаланиб келинган. Бетакрор қалам соҳиби ҳам маъшуқа тимсолини

фольклор захирасида мавжуд бўлган мана шундай
бетакрор рамзий ифодаларларни қўллаган ҳолда
яратишга интилан:

Сувда балиқ бўлмагин,
Гулим бўл-у, сўлмагин.
Ёнимда яшна мудом,
Бу сўзимдан кулмагин.

Балиқ бўлиб нетасан,
Қаёнларга кетасан,
Яшил қирғоғинг ташлаб
Қай қирғоққа етасан ?

Балиқ бўлсанг, дарёнгни
Мен қуритмай қўймасман.
Тўрга айланиб сени
Илтирмай қўймасман.

Лирик қаҳрамон – шеърый асарда ҳис-туйғулари
тасвирлананаётган инсондир. Ўз-ўзидан
тушунарлики, матндаги гўзаллик ғояси, шоирнинг
инсон, жамият, халқ, Миллат, инсоният, табиат,
қоинот, илоҳият ҳақидаги ўй-фикрлари, орзу-
интилишлари лирик қаҳрамон ички олами ва ҳатти-
ҳаракатларида мужассамлашади.

Ғулом Шомуроднинг дастлабки ижод
намуналаридаёқ она-Ватан гўзаллигини қуйлаш,

замонанинг руҳияти ва кайфиятиини ҳис этиш,
келажакка ишонч руҳи мавжуд эди:

Бул Ватан тупроғин севдим,
Киндик қоним бор учун,
Бул азиз тупроқда юрган
Жисму жоним бор учун.

Ҳақиқатан, нозимнинг фикри тиниқ, руҳияти
топ-тоза, шеърни ўқиган китобхонга ҳам шундай
мусаффолик бахш эта олади. Лирик қаҳрамоннинг
ҳис-туйғулари чексиз, у доимо табиат гўзаллигидан,
зим-зиё туннинг сеҳрли куйидан битмас-туганмас
завқ олади:

Кўкка боқиб,
Юксакда эсан
Салқин ҳаволарни қучаман.
Юлдузлардан томчилаб тушган
Шудринглардан қониб ичаман.

Туғилгандай бўламан қайта
Тунда кўкка боққаним чоғлар,
Фикр – тиниқ,
Руҳим топ -тоза,
Кенг жаҳонни олгум қучоқлаб.

Шоир “Инсон умри” шеърда инсоният табиатнинг буюк неъматини эканлигини ўзгача шукуҳ билан тасвирлай олган. Лирик қаҳрамон (шу ерда ижодкорнинг ўзи) одамларни яшашга, яшаганда ҳам, инсон бўлиб умр кечиришга ундайди. Лирик қаҳрамон фикрича, баъзи бир жонзотлар кўп яшасада, ҳаёти бемақсад, тайинсиз ўтиб кетади. Уларнинг на инсонларга, на она табиатга фойдаси тегаяди. Лирик қаҳрамон китобхон олдига инсон умри қачон мангудикка муҳрланади деган саволни қўяди ва бунга ўзининг жавобини ҳам бериб ўтади:

Инсон яшаб, тириклик пайт этаркан меҳнат,
Эл-юртини яшнатади, яратиб боғлар.
Ҳаёт завқин куйлар,
Ёзиб китоблар қат-қат,
Ўтганлар ҳам ҳикмат айтиб берур сабоқлар.

Инсон умри давомчиси – зурёди, албат,
Улар боис дилдан тушмас боболар ёди.
Икки олам ичра кўриб бахту саодат,
Нур қўйида бедор ётар улар абадий.

Унинг шеърларида табиатнинг бетакрор ранглари, Истиқлолимизнинг қалблардаги шукуҳи бадий маҳорат хусусиятлари билан уйғунлашиб, китобхонлар дилига етиб борди. Шоирнинг дастлабки шеърларидаги лирик қаҳрамон тарих ва

аждодлар хотираси, буюк шахслар олдида катта масъулият ҳис этганини кўриш мумкин. Бу унинг “Сайланма”, “Меҳр меҳвари” тўпламларига киритилган шеърларида аниқ кўринади.

“Кекса дарахт” шеърида лирик қаҳрамон ўзини кекса дарахтга қиёс этади ва ўсиб келаётган келажак авлодга фақат эзгу ишларни қилишни маслаҳат беради:

Билинг,
Гарчи дарахтман – кекса,
Умидим бор ёш-ёш ниҳолдан.
Шу ниҳоллар мени асрагай
Ва тўсарлар қора шамолдан.

Лирик қаҳрамон (иждокор) китобхонни инжу шеърлари билан қитиқлаб, уни сергаклантириб хушёрликка чорлаб туради.

Тажрибали иждокорнинг кўпгина шеърү ғазалларини мутолаа қилиб шунга амин бўламизки, шоир асарларида бирор-бир воқеа-ҳодисани ёки тасвирни қайта такрорлаш йўқ. Унинг айрим лирик асарларини мутолаа эта туриб эндигина бирор-бир фикрга келиб турган пайтимизда охириги мисраларга келганда, бадийий матн ғояси бутунлай бошқа нарсга қаратилганлигига амин бўламиз. Бу аслида мураккаб, иждок тажрибасида кам учрайдиган, сўз санъаткоридан катта маҳоратни талаб этадиган

бадий усул бўлиб ҳисобланади. Масалан, унинг "Сув бўйида турган пари" шеърини олсак, ундаги "пари" тимсоли худди "Сулув Бибишхон ва мешкоб Мўмин севгиси" достонидаги сулув Бибишхон тасвирига ўхшаб кетади, воқеа тасвирланган жой ҳам ўша Лабиҳовуз бўйи. Аммо шеърнинг охири мисраларида сув бўйида турган пари маскани Лабиҳовуз бўйида жойлашган хонақоҳ эканлигини билиб ижодкорнинг маҳоратини топқирлигига тан берамиз.

Шоир лирик асар бадий қурилмасида замон руҳини баландпарвозлик хитобу даъватлар орқали акс эттирмайди, аксинча жамият, халқ олдидаги улўвор масъулият, инсонпарварлик, Ватанни севиш каби фазилатларни бадий ифода этиш орқали ўз фикр-ғояларини бадий мужассамлаштиришга ҳаракат қилади.

Бобга оид хулосалар:

1. Бадий асарда муайян ғоя-идеаллар, ижодкор концепцияси, даврнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий дунёқараш ва назариялари албатта акс этади. Бироқ бадий адабиёт бошқа соҳалар (фан, мафкура, сиёсат, журналистика, публицистика...)дан фарқли равишда бундай қараш ҳамда таълимотларини ўз-ўзича акс эттирмайди. Улар бадий матн таркибида маълум бир образлар воситасида бадий тажассум топади. Юксак ғоя олий

даражадаги бадиият билан омухталашгандагина, китобхон қалбини жунбушга соладиган, унга бадиий-эстетик таъсир ўтказа оладиган чинакам адабий-поэтик яратма юзага келади ва минг-минглаб кишиларни ўз сеҳру жозибаси билан мафтун эта олади.

Шундай экан, ҳар ижодкор, истеъдод, имконият даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, асарлари бадиият, поэтика нуқтаи назаридан текширилиши ва баҳоланиши зарур.

Ғулом Шомурод бадиий-поэтик ижодини илмий-назарий асосда ўрганиш шундан далолат берадики, шоир ўз ижодининг дастлабки мавсумидан бошлаб ҳаёт лавҳалари, табиат манзаралари, инсон руҳияти оқимини образли, бадиий-эмоционал тарзда ифодалашга ҳаракат этган. Тўғри, бадиий маҳорат, дарров, ўз-ўзидан, машаққат ва қийинчиликларсиз юзага келавермайди. Ижодий камолотга эришиш учун йиллар, тинимсиз меҳнат, матн устида муттасил ишлаш лозим бўлади. Бу жиҳатдан таҳлил манбаси сифатида танлаб олинган шоир ижоди ўзига хос аҳамиятга эга. Ижодкорнинг яхши бадиий савияда яратилган ва хассос шеърхон қалбига таъсир этадиган шеърлари маҳорат ва ҳалол меҳнатнинг самарасидир.

1. Шеърӣ асардаги вазн, қофия, ритм каби унсурлар поэзиянинг шаклий-морфологик хусусиятлари сирасига мансуб. Аммо ҳақиқӣ бадиӣ

асарда шакл ва мазмун, бадиият бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, матннинг поэтик-морфологик жиҳатлари тадқиқотчи назаридан четда бўлмаслиги керак.

2. Ғулом Шомурод асосан замонавий миллий шеърятимизнинг етакчи вазни бўлиб қолган бармоқ тизимида ижод қилиб келмоқда. Ушбу шеърый ўлчов туркий поэзиянинг қадимий ва даврлар синовидан ўтган вазнидир. Буюк аллома ва мутафаккир Абдурауф Фитрат миллат шоирларига мурожаат этиб, тилимизнинг фонетик ва грамматик мезонларига тўла мос келадиган бармоқда ижод этишга даъват қилган эди. Мана шундай даъват ва ҳаракатлар туфайли йигирма асрда бармоқ, яна оммалашди, мазкур вазнда юзлаб бадиий жиҳатдан мукаммал бадиият намуналари яратилди.

Ғулом Шомуроднинг бармоқда битилган кўплаб шеърый ижод намуналари чинакам илҳом ва ёниқ руҳ билан юзага келган, уларда бедор ва диёнатли қалбнинг вазмин садолари янграб турибди.

Шоир мумтоз сўз санъатининг устувор вазни бўлган арузга ҳам айрича эътибор билан қарайди. У бу вазнда бир қанча ғазал ва мухаммаслар иншо этган.

3. Ижодкор шеърларининг асосий лирик қаҳрамони замондошимиз, Мустақиллик даври маънавий-ахлоқий идеалларини ўз қалб оламида мужассамлаштирган фидокор, ватанпарвар

инсондир. Бу инсонда бир вақтлар ҳазрат Алишер Навоий орзу қилган баркамол шахсинг бир талай белги-аломатларини кўриш мумкин.

* * *

Саодатдир севмоқлик асли,
Севилмоқлик бахтдир чинакам!
Муҳаббат не – билмасдим, балки,
Сен дунёга келмасанг, эркам.

* * *

Кўзимга тор эди ушбу кенг дунё,
Наздимда осмон ҳам бенур, безиё.
Хайрият, сен келиб, жилмайдинг, эркам,
Бу олам кенгайиб, нурланди само.

* * *

Турмушни сақлайди иккита устун,
Юириси – эр бўлса, бириси – хотун,
Устун пойдевори – ишонч ҳам вафо,
Буларга дарз кетса, бариси кукун!

ЗАМОНДОШЛАР ЭЪТИРОФИ¹

IV.1. БУХОРОЛИК ҒУЛОМ АКА

Булар тўрт оғайни — Максим Карим, Неъмат Аминов, Жамол Камол ва Ғулом Шомурод Бухоро педагогика институти (ҳозирги университет)да таълим олишар эди. Мен мактаб ўқувчиси, уларнинг укаси эдим. Ўтган аср ўртаси, ҳали кимнинг тақдири қандай шаклланиб, ким адабиётга қизиққан ҳаваскордан қайси даражадаги ижодкорга айланишини ҳатто тасаввур қилиш қийин эди. Мана, энди тахминан ярим асрдан кейин, бундай қарасам, Максим Карим обрўли ишларда ишлаб, ўз шеърлари ва драмалари билан танилиб, нисбатан эрта кўз юмганига ҳам анча йил бўлибди. Неъмат Аминов биринчи қатордаги ҳажвчи ёзувчига айланиб, шуҳрат топиб, кулиб — барчани кулдириб, дунёни тарк этганидан буён ҳам ойлар, йиллар аёвсиз кечаябди. Бу кун Халқ шоири Жамол Камол, адабиётда ўз ўрнига эга. Ғулом Шомурод изидан, камина ҳам энди ёшим бир ерга бориб қолибди.

¹ Китобнинг ушбу бобидан шоир Ғулом Шомурод ижодини яхши билган муаллифларнинг мавзуга оид мақолалари ўрин олган. Уларнинг мазмунини ишимизнинг илмий-концепцияси ва мақсадига мос келгани сабабли муаллифлар (ёки уларнинг ишончли вакиллари)нинг розилигига кўра иш таркибига киритилди.

Умр дегани шамолдек ўтар-кетар экан!

Ўша, ёшлик пайтларимиз Бухорода ажиб бир адабий муҳит юзага келган эди. Вилоят Ёзувчилар бўлимини устоз Тошпўлат Ҳамид бошқарарди. Давра катта эди. Аҳад Ҳасан, Мурод Халил, Умид Саттор, Сафар Барно, Самандар Воҳид, Тошпўлат Аҳмад, Саид Равшан, Садриддин Салим. Яна, бахшиёна шеърлар ёзган Шариф Нурхондек отахон шоир, Саиджон Алиев, Мустақим Мирзаевдек таниқли адабиётшунос, тилшунос олимлар бор эди. Эсимда, вилоятдаги раҳбарлардан Анвар Қўчқоров (кейинчалик Маданият вазири ва бошқа катта лавозимларда ҳам ишлаган киши) ўн кун вақт ажратиб, биз – ҳаваскор ёшлар билан адабиёт, ҳаёт бобида эринмай суҳбатлаган эди.

Ғулум ака – шу давра фарзанди. Оғайнилари Тошкентга келиб, уни ҳам даъват қилинса-да, Бухорода қолиб, шу ерда ижод қилиб юрган адиблардан. Ҳаётда ҳар ким “ўз нон-насибаси”ни теради. У олдин муаллимлик қилди, сўнг узок йиллар мухбир бўлиб бутун вилоятни қадам-ба-қадам кезди, мақолалар, лавҳалар ёзиш билан бирга, йўлларда “чақнаган” сатрларни йиғиб ён дафтарида белгилаб борди. Унинг шеърларида ана шу “йўллар нафаси” очиқ-аён кўзга ташланади.

Яшаш, ижод
Йўлдан иборат,

Қийин
Илк бор ташламоқ қадам.
Гоҳ йўл раво,
Гоҳо машаққат...

Ғулом ака умуман ҳаёт ҳақида фикр юритганида ҳам, йўл ҳаёли унинг диққат марказида туради:

Савол бердим ҳаётга:
– Сен нимадан иборат?
– Мен шодлик ва аламдан
Қурилган бир иморат.

Шодлик ва алам — инсон қисмати, ҳаёт йўли!

Шеърларда яна икки ҳолат аниқ кўринади: ҳаётийлик ва самимият. Ғулом ака ҳавойи руҳда сўз юритмайди, нимаики ёзса, ҳаётдан олганини сезамиз, нимаики ёзса, самимиятни сезамиз.

Унинг Бухорога бағишланган шеъри кўп. Уларда манзара ва кайфият аксар уйғунлашиб, маълум фалсафий фикрларни содда йўсинда ёритишга ёрдам беради:

Бухоро – бир улкан чинор,
Томирлари кетган чуқур.
Кўкка боқиб гумбаз, минор,
Шундан, ҳар тонг этар шуқур,
Бу томирни чопаман деб,
Не-не ёғий чополмади.

Кўп донишманд ерни кавлаб —
Бу томирни тополмади...

Ғулом аканинг нозик бир кузатишлари бор.
Ойдин тунни тасвирлаётиб, ёзади:

Майсазорнинг бағридан ҳатто
Кўзни олар хас-хашак. Кеча...

Ёки:

Мудраб ётган куртаклар бўртиб —
Кипригини ёза бошлади...

Хуллас, ушбу китоб ўз сози, ўз овозига эга
шоирнинг узоқ йиллик изланишлари, меҳнати
меvasи. Мен Ғулом Шомуродга узоқ умр, бахт-омад,
янги ижодий зафарлар тилайман.

Омон Мухтор,
Ўзбекистон Республикаси санъат
арбоби.

2009 йил, январь. "Соғинч
соҳили"га ёзилган сўзбоши.

IV.1. НИЯТИ БУТУН ИНСОН

Табриклар бўлсин. Бизнинг авлод ҳам олтмиш
ёшга қадам қўя бошлади. Ёзнинг айни авжиди
Неъмат акамиз (Неъмат Аминов) олтмишга кирган
куни дастурхон ёзиб, элга ош берди. Шу баҳонада
анчадан бери дийдорлашмай юрган дўсту ёрлари

билан қўл олишди. Данғир-дунғурсиз ўтказиб, шу ёруғ кунларга етганимиз учун шукроналар айтдик.

Бугун Ғулом Шомурод деган акамиз манам олтмишга кирдим, билсанг, Неъмат билан бирга ўқиган дўсту тенгдошман, деб эшикдан кириб келди.

Бирга ўсган, олдинма-кейин қўлига қалам олган акаларинг, дўстларинг учун юракдан айтиладиган сўз ҳамиша топилади. Узоқроқдан бошласам, Ғулом ака билан Тошпўлат Ҳамид бошқарган адабий тўғарақда бирга қатнашганман. Унинг шеърлари биздан олдинроқ матбуот юзини кўрган. Кейин бир муддат ўқитувчилик қилди. Аммо адабий жараёндан узоқлашмади. Бухорои шарифга қайси шоир, ёзувчи қадам қўймасин гоҳ ўзи пешкашлик қилди, гоҳ унга кўпчилик қатори ҳамроҳ бўлди. Устозларимиз Ойбек домла, Ғафур Ғулом, Зулфия опа, ундан кейинги авлод вакиллари, бугун сўз айтаётган Усмон Азим, Мирпўлат Мирзогача унинг саломига алик олган. Анча-мунчаси дастурхонидан туз татиган. Шунча йилдан буён Ғулом Шомурод Ўзбекистон радиосининг Бухоро вилояти бўйича махсус мухбири бўлиб ишламоқда. Биз уни пойтахтда кўрмай қолсак, радио орқали овозини тинимсиз эшитамиз. Гоҳ радио очерки, гоҳ радио ҳикояси, гоҳ оддий хабари халққа етиб боради.

Ғулом Шомуроднинг шоиру журналистлигидан ташқари кўпчиликка ёқадиган ажойиб хислати бор. Барибир, ижодкор ҳам тирик жон. Хушёқар, хушёқмас кимсаларга онда-сонда, дуч келасиз.

Ранжиб, шунақалардан оғиз очсангиз, босиқлик билан гапингизни бўлади.

— О, хай, шулардан нима оласиз. Узоқроқ юринг-қўйинг...

Бу гапдан кейин ҳар қандай одам ҳам ўзини ўнглаб олади. Ҳушёр тортади. Мавзуни бўладиган ишларга буради.

Ғулом ақанинг тезкор радио журналисти эканига гап йуқ. Шу билан баробар қирқ йилдан бери бадий ижод билан шуғулланиб келади. Бутунга қадар шоиримизнинг «Шабнам жилваси», «Ойдинда кезаман», «Чақмоқ», «Наволарим» номли шеърлар тўплами чоп этилди.

Ғулом ақани ҳеч иккиланмай нияти бутун инсон, дедим. Катта ниятлари ана энди амалга ошиши ҳеч гап эмас. Истаймизми, йўқми, ҳар биримизда ўзимизга хос даъвомиз бор.

Олтмишни уриб қўйган, уюшмамиз аъзоси бўлмиш Ғулом ақада эса бор-йўғи битта илинж бор. У ҳам бўлса:

Десалар яхши Ғуломни,

Шул ўзи унвон менга!

Сиз яхши инсон, яхши шоир, айнинамай келаётган меҳрибон дўстсиз, Ғулом ақа!

Сафар БАРНОЕВ,
"Офарин" ҳамда Ғафур Ғулом
номидаги мукофот соҳибдори.
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати",
1997 йил, 19 сентябрь.

IV.3. ҲАЛОЛЛИК ҲИДИ

Ғулом ака Шомуродов билан мен умримда биринчи бор атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов уйларида учрашганман. Неъмат аканинг оталари уста Аминбобо (Аллоҳ у кишини раҳмат этган бўлсин) Ғулом ака билан мени таништириб: “Ғуломжон – Неъматнинг дўсти. Сизлар қиёматлик ака-ука бўлинглар. Қиёматлик ака-ука деган иборанинг мазмуни шуки, бу дунёда ҳам, қиёматда ҳам бир-бирингизни қўллаб-қувватлаш, бир-бирингизга меҳру шафқат кўрсатишдир”, – дедилар-да, синовчан назар билан бизга қарадилар...

Мен Неъмат ака билан Ғулом аканинг дўстликларига ҳавас қилардим. Улар тенгдош, курсдош, сирдош. Мен улардан қарийб ўн йил кичик. Мен оддий бир ҳаваскор, ҳеч жойда ҳатто бир мисра шеъри эълон қилинмаган, ҳеч ким танимайдиган оддий ҳаваскор. Уларни эл танийди. Улар кўпчилик ҳурматини қозонган. Улар давраларнинг гули. Уларнинг асарлари тез-тез чоп қилиняпти.

Уларни менга яқин этган хислатларидан яна бири ҳалолликлари ва тўғрисўзликлари эди. Атрофингда баъзан ёлғончи, ҳаромхўр, тамаъгирлар. Тўғрисўз одам, ҳалол, бетамаъ одам кўзингга авлиёдай кўринади-да!

Кейинроқ эса мен Ғулом акани шеърлари орқали кашф эта бошладим. Ғулом аканинг беғубор, болалардай содда, самимий, лекин иймону ихлос тўла қалби шеърларида ўз аксини топарди. У киши ташбеҳларни бировлардан ўмармас, жимжимадор, ялдир-юлдур жумлалардан ҳазар этар, табиий ёзарди. У кишининг қаҳрамонлари оддий кишилар, иймони бут, Ватанни жондан ортиқ яхши кўрувчи, боболаримиз таъбири билан айтганда, ҳақиқий дарвишлар ҳисобланади.

Ғулом аканинг фидойи зот, донишманд, зукко инсон Темур ака Ғаниевга атаб ёзган дилбар шеърлари бор:

Қолдиради қадамлар изни,
Оёқ керак йўл юрмоқ учун.
О, жўражон, ўйласам сизни,
Ушбу фикр йўқотар кучин.
Кезяпсиз умр боғларин,
Олдда қанча чаманлар чорлар.
Қадамингиз етган жойларни
Босолмайди оёғи борлар.
Қани энди ҳаммага насиб,
Қилса эди бу эзгу йўлни.
Сиз юряпсиз, излар қолдириб,
Кўнгилларга улаб кўнгилни.

Тўғри, Темур ака ҳақида жуда кўп шеърлар, очерклар, ҳикоялар ёзилган. Бу матонатли инсон ҳаёти ҳақида Бекимбет Айтимбетовнинг “Тақдирни ентанлар” қиссаси ўзбек, қорақалпоқ, рус тилларида нашр қилинган. Мен ҳам Темур акага бағишлаб шеърлар ёзганман, жумладан, унда қуйидаги мисралар бор:

Табиат ишлари қизик, бу не бахт,
Осмонга оёқсиз чиқади дарахт.
Хайратга тушмагил, унугма асло,
Осмонга оёқсиз чиқади дарё.
Ўқинма, юрмоқлик менга деб малол,
Осмонга оёқсиз чиқади хаёл.

Лекин ғуломона ташбеҳни кўринг: “Қадамингиз етган жойларни босолмайди оёғи борлар!” Дарҳақиқат, бу мисралар кашфиётдир.

Ғулом ака амал, мукофот, шуҳрат талашмаган. Республика радиосининг вилоятдаги муҳбири сифатида у ёзнинг жазирама иссиғида ҳам, қишнинг чилласида ҳам шаҳру саҳрони кезиб, корхонаю ташкилотларда бўлиб, Бухоройи шариф овозасини бутун жумҳуриятимиз бўйлаб ёйди. Энг муҳими, Ғулом ака кетидан доимо яхши сўз юради. Чунки у таъмагир эмас. Мен Ғулом акадан бетаъмалиқ, камсуқумлик, камтарлик, одамохунлик фазилатларини ўргандим.

Ғулом Шомуроднинг болаларга атаб ёзган қўшиқларини бир тинглаганда ёдлайди киши.

Ғулом ака нуроний. Дарвоқе, у киши пайгамбар (с.а.в.) ёшларига етди-да! Совун билан ювгандан юз нуроний бўлмайди. Балки қалби пок, ибодатли киши нуроний бўлади.

Сохта одамнинг шеърлари сохта, тамаъгир одамнинг шеърларидан тамаъ ҳиди келиб туради. Ғулом ака шеърларидан эса одамгарлик, ҳалоллик ҳиди келади.

Ғулом ака Бухоро обидаларини чин дилдан севади. Шу боис у ҳар бир обидага бағишлаб шеър ёзган.

Шухратпараст шеъридан кибру ҳаво ҳиди келади. Ғулом ака шеърларидан камтарлик, хоксорлик ҳиди келади.

Мен Ғулом ака билан қиёматлик ака-ука бўлганим билан фахрланаман.

Маълумки, Ўзбекистон Мустақиллигининг саккиз йиллиги арафасида Республика Президентининг Фармониға биноан мамлакатимизда фан, таълим, маданият, адабиёт ва санъатни ривожлантиришда улкан хизматлари, Ватанимизда истиқдолни мустақкамлаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш ҳамда тинчлик ва барқарорликни сақлашға қўшган муносиб ҳиссалари учун она диёримизнинг бир гуруҳ ижодкорлари қатори

Ғулом ака Шомурод “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвонига сазовор бўлдилар.

Мен Ғулом акани бу мукофот билан чин дилдан муборакбод этаман.

Ғулом аканинг бир орзулари бор. У ҳам бўлса ҳажга бормоқ, Каъбатуллони тавоф қилмоқдир. Мен ишонаманки, ҳожи Абдулло Ориф, Хожи Неъмат Амин, ҳожи Жамол Камол ва бошқа кўплаб адибларимизга насиб этган, бахт Ғулом акага ҳам шак-шубҳасиз насиб этур.

1999 йил, сентябрь.

Садриддин Салим Бухорий

IV.4. ИСТИҚЛОЛ ФАХРИЯСИ

Шу фараҳли кунларда халқимиз миллий истиқлол ғалабаси қарор топганлигининг шонли йигирма йиллиги завқу сурури билан яшаб, жўшиб-тошиб бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Айтишга осон, бир юзу ўттиз йиллик мустамлакачилик асоратларидан қутулиб, эркин нафас ола бошлаган, ўзини озод ва мустақил мамлакат фарзандигина эмас, балки хўжайини тарзида ҳис қилиб яшай бошлаган халқ истиқлол нашидасидан қувонмаслиги, яйрамаслиги мумкинми, ахир! Шуниси ҳам аниқки, бундай қувончни туйган ҳар бир киши ким эдиг-у, ким

бўлдиқ деган саволни ўзига албатта беради. Сўнгра бу саволга оламдаги жараёнларни, ватани ва халқи тарихини қай даражада англаганича ўзининг ҳаётдаги мавқеидан туриб жавоб излайди. Олимлар бу саволга сиёсий-ижтимоий йўналишда жавоб излашса, шоир ва ёзувчилар, умуман, санъат аҳли бу савол моҳиятини ижтимоий-эстетик йўналишда бадиий тадқиқ этиш билан жавоб қайтаришни кўзлайди.

“Наволарим” (1992), “Кўклам қўшиғи” (1995), “Ватан васфи” (1997), “Қалбим қатраси” (2002), “Бобо шаҳрим” (2003), “Заррин япроқлар” (2006), “Марварид доналар” (2008), “Соғинч соҳили” (2009), “Ватаним – кенг жаҳоним” (2011) каби кўплаб шеърӣй тўпламлари билан китобхонлар оммасига танилган бухоролик қалам заҳматкаши, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Ғулом Шомурод бу саволни ўз олдига қўйишга ҳақли. Негаки, у икки тузумни кўрди. Лекин ҳақиқӣй ижодкор сифатида мустақиллик даврида ўзини намоён этмоқдаки, бунӣ шеърӣй тўпламларининг дунёга келиш саналари ҳам тасдиқлайди.

Эндиликда истиқлол даври шоири сифатида танилиб қолган Ғулом Шомурод ҳурлик яратиб берган ижод эркинлигидан илҳомланиб, миллат эрки ва озодлигини, ватани мустақиллигини барқарор этган бу тарихий оламшумул ҳодисанинг

асл моҳияти нимадалиги ҳақида ўйламаслиги мумкин эмасди. Шоир ўйлагани сайин аждодларимизнинг эрк йўлида олиб борган кураш манзаралари бир-бир кўз ўнгига тавдалана борди ва ёш авлодга уни тасвирлаш ва таъкидлаш мақсадида ушбу дostonни ёзди.

О, у пайтлар эл эди тарқоқ,
Ҳар тарафда хону амирлик,
Бўлинганнинг аҳволи чатоқ –
Бўлур, юртда бўлмаса бирлик.
Шу боисдан мўғул босқини
Юртни эзди, эзди узоқ пайт...
Ва қуритди улар ёстигин
АмирТемур
Эгаллагач тахт...

Асарда воқеа-ҳодисалар шунчаки саналиб ўтилмасдан, улар образли ифодаларда тасвир этилиб, чуқур тадқиқ этилади:

Ҳаммасидан ўтди,
Ўтди кейинги –
Мустамлака ҳамда
Қарамлик.
Сўзда бизлар эдик “эркин, ҳур”.
Асли –
Ҳар бир қадам эди

Ўлчамлик!
Мамлакат бўлса бир чаманзор – тулшан,
Фуқаролар – турфа гуллари,
Яъники, раъною ялпизу суман –
Парваришлаш лозим эди уларни!
У тузум-чи,
Қабиҳ тузумда миллат –
Гулларин саралаб юлиб отдилар.
Нопок кирдикорни
Хаспўшлаш мақсад,
Тухматни тош қилиб бошга отдилар.

Достонда ўтган асрнинг тўқсон биринчи йилида
Мустақилликнинг эълон қилинишидаги ҳаяжонли
ҳолатлар, истиқлол даврида мамлакатимиз ва
халқимиз ҳаётида рўй берган буюк ўзгаришлар.
Хурфидкорликнинг юзага чиқиши, минг йиллик урф-
одатлар, қадриятлар, дину диёнатнинг қайтиши
тилга олиниб, мароқ билан куйланади.

Шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки,
истиқлолнинг ўтган даври мобайнида шу қаби
кечган оламшумул ўзгаришлар шоир қалбини
жунбушга келтирган ва шу аснода мазкур достон-
қасида яратилди.

Эй,
Менинг эркиним,
Озодим – Ватан.

Сенга фидо бўлсин,
Садқа жону тан!
Энди сен тоабод
Хурсан,
Сулуvsан,
Юрагимга солиб
Илҳом, ғуду, сан –
Пегас қанотида
Уч, деб қистайсан,
Сени куйлашимни
Мангу истайсан.
Сўзларингни мудом олдим,
Оламан.
Бугун васфингни мен
Куйга соламан...

Умуман, “Хурлик қасидаси” достони шоирнинг
Мустақилликни шарафлаб битган фахриясидир. У
ҳар биримизнинг қалбимизда жумладан, ёш авлод
юрагида ҳам Ватан ҳамда миллат шаънини
ардоқлаш, истиқлол ғурури билан яшаш
туйғуларини ҳаракатга солиши тайин!

Охунжон САФАРОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси аъзоси.
2011 йил, сентябрь.

IV.5. Шоирнинг қалб садоси

Шеър — бу шоирнинг кўнгил ойнаси, қалб садоси. Унда шоир қалб кўридан ўтган фикрлар, туйғулар поэтик тарзда лирик қаҳрамоннинг кечинмалари билан латиф бир уйғунликда акс этади. Ғулом Шомуроднинг “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан chop этилган “Меҳр меҳвари” китобини варақлаганда, худди шу фикрлар хаёлдан ўтади. Китобдан шоирнинг шеър, дoston ва хотиралари ўрин олган.

Ғулом Шомуроднинг ҳаёт ҳақида ўз фалсафаси бор. Инсон якка-ёлғиз яшай олмайди. У одамлар орасида шаклланиб, камол топади. Меҳр-муҳаббат эса унга улугворлик бахш этади. Юрагида бошқаларга нисбатан ғайирлиги, ёмонлиги бўлмаган, ўзгаларга меҳрни, яхшиликни раво кўрадиган, бировларнинг бахтидан қувониб яшайдиган кишилар чинакам бахтиёрдир. Инсонлар бир-бирига меҳрли, мурувватли бўлган юртда тараққиёт, қут-барака бўлади. Ҳаёт ҳақидаги мана шу тасаввур Ғулом Шомуроднинг “Меҳр меҳвари” китобида асосий ўринни ишғол этган. Шоир талқинича, “юрак — кўкракнинг чап тарафида жойлашган гўшт пораси эмас, бу — меҳрнинг меҳвари демак». Шу боис у дил образини ўз шеърларида севиб яратган, унинг ҳар бир тебраниши — хос сифатларини ёрқин образларда

тажассум этган. “Меҳрим меҳвари” шеърда шоир ёзади:

Дил боис — меҳр бор, бордир муҳаббат.

Ҳаётга, дўстларга, суюкли, ёрга.

Меҳрсиз яшамок оғирдир ғоят,

Бўларди мубтало киши оҳ-зорга.

Шоир таъкидлаганидек, меҳр-муҳаббат — руҳ озуқаси. У инсонга инъом этилган энг улуғ совға. Меҳр-муҳаббат туфайли бу ҳаёт зилол чашмага айланади. Меҳрсиз қалб ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ғам-ташвишлар гирдобига туширади. Шеърда олам ва одам тасвири уйғунлашган. Шоир руҳият олами эҳтиёжлари билан мавжуд борлиқ орасидаги мукамал ўхшашликдан рамзий образ сифатида фойдаланган:

Ҳар бир инсон ўзи — мураккаб олам,

Бу оламнинг ўқи, шубҳасиз, юрак.

Унга улангандир бутун ришта — жам,

Юрак, бу — меҳрнинг меҳвари, демак.

Дилингизни ҳавойи нафс эгаллаб, ўй-хаёлингизни мулкпарастлик банд этган, бу дунё матолярига паноҳ деб сиғинган пайтингизда шоирнинг “Бу дунё яхшими ёки у дунё” шеъри сизни дилнинг халоскор садосига қулоқ солишга даъват этади:

Бу олам экинзор, улкан бир дала,
Не эксанг, олурсан ундан ҳосиллар.
Имонинг бут эса шаффоф кўнгилда,
Ифорлар таратар изингдан гуллар.

Шоирнинг жимжимадорликдан, баландпарвозликдан холи бу шеъри китобхонга қаратилган: “Бу дунёнгга қараб берулар баҳо, у дунёнгни берар бу дунёнг!” хитоби билан якун топади. Англашилиб турганидек, шеърда одам бу оламда абадий эмас, бу олам кўҳна работидан охират дорулнажотига қайтиш бор, тириклик чоғида қилган яхши амалларидан келадиган сармоя унга абадий йўлдош, деган фикр уқтирилмоқда.

Ғулом Шомуроднинг шеърларида юрак ва меҳр бир-бирига омукта тасвирланган. Юракдаги меҳр — ўлчовсиз хазина. Қанча берсанг, у шунча кўнаяди. Унинг қирралари кўп: ҳаётга, Ватанга, ёру дўстларга, фарзандларга... Ҳар бирининг ўз нури ва таровати бор. “Меҳр меҳвари” тўпламидаги шеърлар китобхонни меҳр-муҳаббат оламининг ана шундай ранго-ранг чечаклари билан ошно этади. Улар ичида Ватанга меҳр туйғусини тараннум этиш алоҳида ўрин тутади. “Ватан” шеърида шоир ёзади:

Чин меҳр қачон ҳам қилинган кўз-кўз,
У яшар ҳамиша юрак қатида.
Ватан ҳам яшайди юракда, сўзсиз,
Ёнар қалб ватандир юртга аслида.

Юрак — зулматдир, агар чин меҳр бўлмаса. Меҳрнинг таъми бесамардир — агар Ватан бўлмаса. Ватан бекордир — агар одамда оташин қалб бўлмаса. Юрак ва меҳр ришталарининг Ватанга узвий боғлиқлиги ана шу тахлит шоирнинг дирик образида ўз ифодасини топган. Тилдаги софлик, самимийлик, ҳаётийлик шеърга ажойиб жозиба ато қилган ва бу сифатлари билан у китобхон қалбида Ватан туйғусини уйғотади.

Юракда орзу-тилаклар кўп бўлади. Бу орзу-тилаклар вақтнинг ўтиши билан ўзгариши мумкин, аммо Ватан меҳри қалбнинг шундай гўзал маҳбубики, унда абадий яшайди. Ватан меҳри, муҳаббати олдида дунёнинг барча орзу-истаклари дилнинг оддий шивирлашига ўхшаб қолади. Ватан истиқлоли ҳақидаги ана шундай теран маъноли поэтик фикр шоирнинг “Карвон” шеърида зухур этилган. Шоир Мустақил Ўзбекистон — нурли келажак сари салобатли одим ташлаб бораётган чўнг карвонга меҳр билан боқади. Унинг жадал одимидан кўнглида пайдо бўлган шодликни эҳтиросли мисраларга тизади:

Бу карвонни кутдик кўп узоқ йиллар,
Кўнғироғин соғиниб биз ғойибона.
Уни тинглаб бугун шодон кўнгилар,
Карвонимиз юрар шахдам, мардона.

“Истиқлолга шукрона” туркум тўртликлари қаторидан жой олган қуйидаги сатрларда истиқлол ҳаволаридан нафас олган, илк бор эркинлик нашидасини туйиб, қаддини ростлаган лирик қаҳрамоннинг дилида тугён ўрган ғурур, фахр-ифтихор кўтаринки руҳда акс этган:

Аслида аталган бўлсак-да ўзбек,
Кўп замон яшадик
қўлда бўлмай эрк.
Бир сарбон от миниб чиқди майдонга,
Ҳар ўзбек бўлди ўз Ватанида бек.

“Инсон азиз” шеърида олам беазаги бўлган инсоннинг азизлигини уқтириш баробарида меҳр-мурувватга муштоқ кўнгилларни зиёрат қилиш ҳар нарсадан муқаддас саналган юртимизда бахтиёр яшаётган инсонларнинг шукроналик кайфияти ўз ифодасини топган. Шеърда шундай мисралар бор:

Она-юрт сеҳри аён
ҳар бир ватандош кўзида,
Бўлмагай асло адо
юрт меҳри лутфу сўзида.
Бахтлидир ушбу сабабдин,
толе порлар юзида,
Бу сеvimли ҳур диёрда
доимо инсон азиз.

Худди шунингдек, шоирнинг “Хурлик қасидаси” достони ва бошқа ўнлаб шеърларида ўлкамиз сарҳадларидаги улуғвор ўзгаришлар авж пардаларда тараннум этилади.

“Меҳр меҳвари” китобидан жой олган шеърлар таҳлилида меҳр-муҳаббатни орттирувчи севги, вафо, яхшилик, эзгулик, дўстлик, ғамхўрлик каби туйғулардан лирик қаҳрамон руҳиятидаги турли кайфият ва ҳолатларни ифодалашда ўзига хос усулда фойдаланилганини кузатиш мумкин. Жумладан, “Эҳтиёж” шеърида шоир кўнгил уйининг турли эҳтиёжларига таъриф бериб, дилнинг дўстликка эҳтиёжини дўнда, ихчам ифодалайди:

Эҳтиёж сездим, не тонг,
Дўсту рафиқларга мудом,
Бор экан дўсту рафиқ,
Дилларга ёрдир эҳтиёж.

Китобдаги бағишлов шеърлар ҳам шоир шахсининг ички руҳий қиёфасини бирмунча ошкор ифода эта олган. Ғулом Шомуроднинг бағишлов шеърлари (баъзи бир замондош шоирларимиз ижодида онда-сонда бўлса-да кўзга ташланиб турадиган иллат) ортиқча такаллуф, мулозамат ва таъмагирликдан холи. Улар улуғ аждодларга, Ватаннинг содиқ фарзандларига шоирнинг ҳадсиз меҳр-муҳаббати ҳиссидан туғилган шеърий

дурдоналардир. Бухоролик буюклар ёдига, Омон Мухтор, Рауф Парфи, Садриддин Сайим Бухорий каби кўплаб замондош шоир ва дўстлар хотирасига бағишланган шеърлар, уларга мавзудош бадиий лавҳа ҳамда эсселар ўзининг салмоқдорлиги, самимийлиги ва ҳаққонийлиги билан китобхонга ширин бир туйғу бағишлайди.

Шоир шеъриятининг мавзу кўлами кенг. Уларда инсонни меҳрдан узоқлаштирувчи ағёр, ҳою ҳавас ва манманликлар дояси — нафсни ислоҳ қилиш, табиатдаги баркамолликни ҳис қилиш, маънавий қадриятларимизни, тинч-тотув ҳаётимизни қадрлаш каби бир қатор мавзулар қаламга олинган. Мақола ибтидосида таъкидлаганимиздек, биз шоир ижодининг устувор йўналиши — унинг инсоний меҳрга бўлган муносабати хусусида қисқача сўз юритдик, холос. Ўйлаймизки, тўпламдаги шеърлар зукко китобхонни бефарқ қолдирмайди. Шеърлар бағрига сингдирилган фикрлар чашмаси замондошларимизни Ватанга садоқатли бўлишга, дунёнинг турли минтақаларида қарама-қаршиликлар, қонли тўқнашувлар авж олаётган бир пайтда юртимизда ҳукм сураётган тинчликни ғанимлардан асрашга, ўзаро меҳр-муҳаббатли бўлишга чорлайди. Шуниси билан ҳам “Меҳр меҳвари” китобхоннинг самимий дўстига айланишига шубҳа йўқ.

Шоир тирик экан
Ўйлашдан қолмас,
Тириклик ҳақида
Сўйлашдан қолмас.
Оламу наботот,
Ишқ боқийлигин —
Бир умр ҳис этиб,
Куйлашдан қолмас! —

деб ёзган шоирнинг нияти пок, кўзлаган манзили юксак. Биз сеvimли шоир акаимизга халқимизнинг “Ниятинг — йўлдошинг” ҳикматли сўзини пешкаш қилиб, мустаҳкам соғлик, руҳий бардамлик тилаймиз.

Самад АЗИМОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Муҳаббат АЗИМОВА,
она тили ва адабиёт муаллимаси.

IV.6. ҚУЁШ НУРИН ТУШИШ ЙЎЛИ... (Кичик эссе)

Мен Ғулом Шомурод билан кўпинча хаёлан суҳбат қиламан: “Шоир, бир шеър ўқинг, дунёнинг чанги босилсин”, — дейман. Устоз содда, самимий, ўша ҳокисор юз ифодасида, кўзларини ярим юмганча: “Мағзаванинг мағзи йўқ, Бир пасдан кейин ўзи йўқ”, — деб юборганларини ўзлари ҳам билмай

қоладилар. “Бу иккиликлардан-ку. Яна ўқинг энди, бир яйраб”, – дейман шогирдона эркалик билан. Ўқийдилар. Бобур газалига ёзган мухаммасларидан бирини мароқ билан ўқийдилар. Мен тинглаб туриб, кўнги тарозиси паллаларига қарайман. Паллалар – тенг. “Балли, устоз. Самимий, жимжимадорсиз мисралар учун Сизга минг бошни фидо қилсак арзийди”, – дейман, хаёлан...

Шоир бўлиш билан теппа-тенг ҳақиқий инсон ҳам бўлиш керак экан, бу дунёи бепаноҳда. Зўр шоир бўлсангиз-у, ғирт беғам, ё торкўнгил, ё ғийбатчи бўлсангиз ҳам бўлмас экан. Бу — боғ дарахти гулларини совуқ уриб кетгандай гап. На шеър бор-у, на шоирлик... Тақдир биттувчи Ғулом Шомуродга “насибаи шоирона” битар пайти хушхулқиликни ҳам қўшиб қўйган эканлигини қаранг. Шеърлари ўзларидан кўра самимий, хулқи хушлари ижодларидан кўра дилбар...

Бир куни камалак ҳақида, дунё ранглари тўғрисида хаёл суриб қолдим. Хаёлан устозга шу саволни бердим: “Камалакни неча ранга бўлган бўлардингиз?”

Жавобда устоз: “Юз бўлакка бўлган бўлардим. Ҳаммасини жам қилиб, жон, бору буд, хаёлга ажратардим. Жонни жононамга, бор-будимни фарзанд, невараларга, хаёлни эса шеърларимга берардим”, – дедилар. Нақадар гўзал тақсимлаш!

Бир куни тўрт-беш аёллар жам бўлиб устоз уйларига бордик. Аёллари тандирда нон ёпган эканлар. Олиб, дастурхонга қўйдилар. Тандирноннинг ҳиди босиб кетди атрофни. Ҳамма хурсанд. Ғулом домла эса одатдагидек хотиржам...

– Устоз, – дедим, – Мен дейман, шеърларингизда бугдўйзор шовуллаб овоз берган бўлиб, туради. Гап бу ерда экан-да! Кунда тандирнон еб, шеър ёзиш завқида-а?!

– Сизлар ҳам Бухоро шаҳристонида яшаб, оч қолиб юрганларинг йўқ. Юзлаб нонвойхоналар шаҳарлиқ шоирлар хизматида. Биз энди туман марказида яшаймиз. Тандир қурганмиз. Мана, янгангиз нонвойликни ҳам қотирадилар-да. Болалар, неваралар шу онажониси ёпган нондан еб, шеър тинглайдилар. Шулар боис ҳам бир жонимизни жононага бағишлаганмиз-да. Шундай эмасми?!

Янгам – қоматлари баланд. Кўзлари қора, оқишдан келган гўзал аёл. Фақат Ғулом ака Шомуроддай шоирнинг хизматини қилиш учун дунёга келгандек, хокисор, уй пойгагида туриб, устознинг бу гапларига жилмайиб қўйиб: “Дадаси, ҳазилингни ҳеч ҳам қўймадингиз-да”, дедилар-у, чиқиб кетиб, узум олиб келдилар.

– Ўзимизнинг ишқомдан. Яхши пишган. Олинглар, меҳмонжонлар. Иссиқ нон билан узум жуда иштаҳа очар бўлади-да, – дедилар...

Мен яна ҳазил қилдим:

– Бухороликлар Худодан “Нима еймиз?” деб сўраганларида, Тангри: “Нону ангур” деб жавоб берган экан. Бухоро узумининг шираси баланд. Шу ишком соясида ўтириб, ёзилган шеър қандай бўлар экан? – деб устозга нигоҳ ташладим. Устоз: “Жуда зўр бўлади. Ҳозир ўқиб бераман, баҳолайсиз”, дедилар. Шу баҳонада янги шеър тингланди:

БАРГ

Дарахтда сарғайган барги заъфарон,

Ўйноқлаб тўкилар заминга чунон.

Ҳолбуки, битмоқда бу япроқ умри.

У энди заминда бўлади хазон.

Бу ҳолни билиб ҳам қувонар нечун,

Нимадан шод бунга, нимадан мамнун?

Чунки у шу она тупроқ бағрида,

Ухлайди, қайтадан барг бўлмоқ учун!

(“Меҳр меҳвари”, 78-бет).

Ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Янгамнинг чехралари янада гўзаллашди. Узун-узун камон қошлари янада чўзилгандай, бир аёлки... У кишига қараб туриб, эркак шоирларга ҳавасим келди. Кўнглимда: “Бечора хотин-қиз, шоирадар. Куни ўзига қолган. Арава тортиб, ижод қилишади. Яна танқидчи шеърхонлар нозу фироғини айтмайсизми?! Ердан

Бухоро минорасининг кулоҳи учига қадар. Э, ўргилдим, сенлардан...”

Хаёлимни янгамнинг “Ҳар куни уйда жой қиламан. Ишком тагида стол қўяман. Айвон тагидаги сўрига кўрпача соламан. Кейин бу киши энг қулай жойга бориб, ёнбошлаб ижод қиладилар. Тушлиқда бошқа ерни танлайдилар. Ё уй ичи, ё дарвоза таги...”

Дастурхон атрофида ҳаммамиз бу гапни эшитиб роса кулдик. Устоз сарафроз. Тўрда ўтириб, даврадагиларга ўқиб бериш учун шеър танлаяптилар. Шу пайт ичимдагини ташқарига чиқариб юборсам бўладими.

– Устоз, агар менга ҳам бир кунда шунча илтифот кўрсатилиб, бу ерда ўтириб ёзинг, сўрида ўтириб чизинг, дегувчи бўлганида ҳеч тап тортмай “Шоҳнома” битардим. Сизни қаранг-у, шеър у шеърчалар ёзиб юрибсиз. – десам, устоздан олдин даврадаги аёллар мириқиб кулишди. Яна янгам овозсиз кулиб: “Шу киши ёзсинлар деймиз-да”, дедилар ўта хокисорлик билан. Ўрнимдан югуриб туриб, шу хокисор шоир хотинини адоғидан сочигача кучиб, ўпгим келди. Ғулом Шомуроднинг ўта самимий шеърларининг туғилиб, китобат бўлишида шу аёлнинг беқиёс хизматлари борлиги учун бошимни ковушга қўйиб йиғлагим, ўзимни, ўз юкимни ўзим тортиб ижод қилишларим, машаққатли ижодим учун ўқириб йиғлагим келди...

Бир куни устоз телефон қилдилар.

– Суръат янги китобим қўлёзмасини уйингизга етказиб беради. Бир кўз югуртиринг. Кейин Тошкентдаги нашриётга топшираман.

– Суръат овора бўлиб юрадиларми, ўзим бориб қўлингиздан оламан. Доим болаларни безовта қиласиз. Шогирдлар ҳам бир оз ёғ эритса, ёмон бўлмас, – дедим.

– Йўғ-е, мен бору будимни шуларга берганман. Менинг хизматимни қилмай, нима иш қилади. Кутинг, Сизга етказди. Фақат эътиборли бўлинг. Неварам компьютерда матнларини терганди. Хато ўтмасин, дегандим... – дедилар устоз.

Бир муддатдан сўнг, Суръат қўнғироқ қилди. Бориб, қўлидан янги китоб бўладиган қўлёзмани олиб, уйга келиб, ўқиб, хурсанд бўлдим. Ҳамма нарсга жойида. Достон ҳам бор, ғазаллар ҳам бор, иккиликлар, мухаммасларни-ку айтманг. Невара ҳам бино қўйиб компьютерда терган экан, ҳатто битта бўлса-да, имловий хато чиқмади. Қайтанга “Кўриб бераман” деб мазза қилиб ўқиб чиқиб, домлага кўнглимда “Раҳмат!” дедим. Бу китоб “Соғинч соҳили” номи билан 2009 йилда “Шарқ” нашриётида босилиб чиқди. Сўнг қўнғироқ қилиб, янги ижодий машаққатлар маҳсули билан устозни қутлаб, чарчамасликларини Аллоҳдан тилаб, гина ҳам қилдим.

— Устоз, Сиз жононаларга, мен мўйловдор бекларга, бошқа шоири давронлар зоти латифаларга тўлиб-тошиб шеърлар битамиз-у, болалар, улар ҳам шеър ўқишлари кераклигини унутибмиз. Бу Сизу бизнинг қусурликларимиз эмасми? Тўғри-да, болаларга шеър, китоб ёзиш учун бола қўнғил бўлиш лозим...

Бизлар эса димоғдор бўлиб кетибмиз. Ари ғўнғиллайдимиз, чигиртка чирилайдимиз, шамшод шивирлаб, нонбеҳи “мен пишдим” дейдимиз, сезмаймиз ҳам. Бу “касаллик” қачон бизга юқди, билмайман. Шу денг, болалар учун ёзишни унутдик-да, устоз!

Ғулом Шомурод бир оз жим бўлиб қолдилар. Сўнг:

— Ибодат, мен сизга ваъда бераман. Ана шу тўпламдан кейин бир ғалвирни сувдан кўтарай. Болалар учун ёзганларим талайгина. Битта тўплам қилиб, бераман невараларга. Тангри хоҳласа, — дедилар.

Устоз ваъдаларида турдилар. Болалар учун ёзган шеърлар тўплами босилиб чиқди. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларга мўлжалланган “Ватаним — кенг жаҳоним” китобини ўқувчилар яхши кутиб олдилар. Қувонарлиси шуки, давлат маблағи ҳисобидан нашр этирилди. Қўлма-қўл бўлган рангли китоб ҳаммага хуш кайфият бахш этди.

2014 йилнинг августида мен Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлдим. Аъзолик дафтарчаларни топшириш давраида “Ватан учун яшайлик” IV Республика танловида ғолиб чиққанларнинг номлари эълон қилинди. “Ғулом Шомурод” деганларида юз қарич ўсдим. Устознинг “Хурлик қасидаси” китоблари ҳам бу танловда мукофотга сазовор бўлган эди. Худдики, мен ғолиб бўлгандек, жуда қувониб, тадбирдан сўнг у кишига қўнғироқ қилдим. Мавжуда янгам гўшакни кўтардилар. Саломлашиб хушхабарни етказдим. Пули ҳам бор, сизга тилла зирак олиб беришларига етади, дедим. Камтаргина янгам кулиб, менга доимо соғ-саломат юрсалар, бўлди, шунинг ўзи мен учун олтин, марварид, дедилар.

Унгача гўшакни устознинг ўзлари олдилар:

– Ҳа Ибодат, аъзо бўлдингизми? Табриклаймиз. Бу энди зўр гап, жуда ажойиб. Танлов натижаси ҳам эълон қилингандир?

– Ҳа, айтилди. Ғолиблар орасида сиз ҳам бор. Тилла жаранги ҳам бор. Ҳамиша хизматингизни қилиб юрадиган янгажонимга тилла зирак олиб беринг, энди домлажоним!

Овозимдаги хуш кайфият устозга ҳам ўтди.

– Э, Ибодат, – дедилар, – янгангиз ўзи мен учун жавоҳир-у, бозордаги жавоҳирга не ҳожат, – дедилар. Кулишдик.

Ғулом Шомуродни мен ҳеч қачон жуда тажани аҳволда кўрмаганман. Доим сокин, хотиржам ҳамда мулойим. Вилоят телерадиокомпаниясида катта муҳаррир бўлиб ишлардим. Устоз билан кун ора кўришамиз. Янги шеърларини ўқиб берардилар. Қўллаб-қувватлайман. Зўр ёзибсиз, дейман. Мана шу далдалар сабаб, Ғулом ака катта-катта китоблар нашр эттиришга жазм қилдилар.

– Энди вилоятдан китоб чиқарманг. Бўлди, бу ердагилар Сизни танийди. Республикадан китоб чиқариш тадориғини кўринг, устоз, – дедим.

Бир муддат кўринмай юрдилар. Кейин хоналарига (у йиллар устоз республика радиосининг вилоятдаги мухбири эдилар) мени чақирдилар.

– Ана, Ибодат. Сизнинг ҳам гапингиз ерда қолмади. Достон, шеърлар, хотираларни бир жойда жамлаб, тўплам қилиб “Шарқ” нашриётига топширдим, қалай?

– Ана энди зўр бўпти. Кўнглим жойига тушди. Гул ҳидини шамол тарқатмаса, бекор-да... Самандар Воҳидовга шу гапни кўп айтдим. Қулоққа олмадилар. Умр эса ўтиб кетмоқда.

Бу суҳбатдан фурсат ўтмай, устознинг “Меҳр меҳвари” номли китоблари нашрдан чиқди. Аҳли адаб кўзига тушиб, муносиб баҳо олди. Ўшанда устозни янги китоб билан қутладим-у, бир бетини очиб кўзим тушган бу шеърни ўқиб бердим.

ҚОРДА

Замин оппоқ,
Оппоқ дарахтлар.
Оқ бўрку, оқ яктак кийган тоғ.
Дарё оқар сокин, осуда,
Унга боқар қирғоқлар – оппоқ.

Юганида қорда одамлар,
Бир мусиқа чалар қадамлар.
Оқ шуълага бурканган дунё
Оппоқ қўшиқ тинглар бу дамлар...
(“Меҳр меҳвари” китобидан).

Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов устоз қўлларида “Меҳр меҳвари”ни олиб ўқиб, уйларига бир борганларида, Ғулом устозга чопон кийдириб юборган эканлар...

Тақдир тақозоси билан бир муддат ишсиз қолиб, уйда ўтиришимга тўғри келди.

Шунда устозим Ғулом ака “Бухоро оқшоми” шаҳар газетаси муҳаррири, ажойиб инсон Сафар Аҳмедов билан гаплашиб, мени ишга жойлаштиридилар. Мухбирликка, ойлик маоши 100 минг сўм, ярим штатга.

– Ибодатхон, чоршанба куни таҳририятга боринг. Аризангизни олади, – дедилар.

Бордим. Сафар ака хоналарида эканлар.

– Катта жойда 16 йил ишлаган экансиз. Бизнинг газета Сизга кичиклик қилмайдими? – деб ҳазиллашдилар.

– Э, бир кўчага чиқиб, уйга кирсам бўлди. Мен ҳамма қийинчиликларга кўнганман. Ижод, тўртта шеър ғамида, домла, – дедим.

Аризамни бериб пастга тушсам, бино миёнсаройида Ғулом ака ўтирибдилар. Кўзимдан ёш чиқиб кетди:

– Э, устоз, овора бўлибсиз. Бўлар шу иш...

Устоз ўринларидан туриб, қўлимни олиб қисдилар. Иккинчи қўлим кафтига пул қўйдилар...

– Ўзи камгина. Бу маошингизгача... Менинг нафақамдан олинг. Қийналиб кетдингиз. Бир ярим йил уйда ўтириб, бу ҳаёт, рўзгор. Фақат ёзинг. Ҳаммаси ўтиб кетади. Бухороликлар айтишади-ку, “Зимистон мегузарад, рўйсиёҳи бар ангишт мемонад” деб (қиш ўтади, юзқоралик кўмирга қолади).

Устоз билан катта йўл ёнида хайрлашдик. Енгил машиналарида ўтириб, кетдилар. Қўл кафтини очиб, қарадим. 20 минг сўм пул... Чўнтагимда эса нону суву гўшту коммунал тўловлари учун 3 минг сўм пул қолган эди, холос. Отам қайта тирилиб, талабалик йилларимдагидек Самарқанд шахрига бориб, чўнтагимни тўлдириб, қайтгандай бўлди... Эҳ, устоз, дедим ичимда. Кам бўлманг. Бухоронинг Ғулом Шомурооди бўлиб, юринг. Менинг дуоларим ижобат

бўлди. Бугун Бухоронинг Ғулом Шомуродини бор. У саксон ёшни қаршилаяпти. Ҳамон қўлида қалам ва қоғоз. У ёзиб, чизиб ўтирибди. У ҳақда эса “ёзиш, илмий иш қилишлар фасли” энди бошланди...

Ибодат РАЖАБОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

IV.7. ХОКИСОРЛИК БАҒРИДАГИ ДОНОЛИК

Кўриниши ва вужуд-вужудида соддалик ҳам бегуборлик, дардкашлик ҳам дилқаңлик омукталашиб кетган Ғулом Шомуроднинг ана шундай ажиб фазилатлари унинг шеърий яратмаларида ҳам ич-ичдан ўзини намоён этиб туради. Бу ўзига хос ғоят камсуқум, камтарин инсондан аллақандай донишмандлик нури таралиб турганлигини сезиб, дилингиз завққа тўлгандай бўлади. Айни вақтда Ғулом аканинг таниқли маънавият арбоби, комил шахс, фалсафий-ахлоқий туйғуларга эш шеърияти намуналари ҳам шундай донишмандликка мойиллиги билан ўз мухлислари доирасини кенгайтирган, десак, муболаға бўлмас.

Қачон боқсам кўкка, юлдузга,

Кўкдай тоза бўлади руҳим¹.

¹ Ғулом Шомурод. Рангин руҳият. “Бухоро” нашриёти, 2005, 6-бет. (Мисоллар шу манбадан).

Тасаввур қилсангиз: мусаффо осмондай, маржон-маржон юлдузлардай тиниқликдан руҳ ва андоза оладиган қалб нақадар тоза ва беғубор бўлиши табиий. Ғулом Шомурод ижод оламини англашда шу бадиий манзара энг ишончли, энг аниқ восита ҳисобланади. Шоир ўз ғояларини, дардлари, тилаклари ёки қувончларини кўк ва юлдуздек тоза руҳ, тоза қалб билан талқин қилганлигида ҳам мақсад-муддаolari ўз салмоғи муҳимлиги ва теранлиги билан эътиборни тортади. Шу маънода лирик қаҳрамоннинг “Юлдузлардан томчилаб тушган шудринглардан қониб ичаман” деган сўзлари ҳам Ғулом Шомурод шеърини намуналарининг ана шу “юлдузлар шудринги”ни сипқориши шарофатидан тоза ва тиниқ туйғулари ифодаси даражасига кўтарилганлигини яна бир бор намоиш эта олади.

Атоқли шоир Абдулла Орипов суҳбатларимизнинг бирида Ғулом Шомуродовнинг табиатан ҳокисор инсон эканлигини, ижод намуналарида шарқона панднома руҳи эътиборни тортишини мамнуният билан таъкидлаган эди. Дарвоқе, Ғулом Шомурод ижодида Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бақирғоний, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр меросига хос панднома поэтикаси билан ҳамоҳанглик жиҳатлари анча эътиборлидир. Масалан, у сидқу ихлос билан меҳр

қўйган мумтоз сўз санъаткорларидан бири
Махтумқули Фироғий ҳисобланади.

Шарқ фалсафасида ва адабиётида сабр ва қаноат,
саховат ва мардлик, меҳр-оқибат ва эзгулик
фазилатларининг улуғланиши, нафсга берилиш,
бахиллик, зулм, оқибатсизлик сингари
иллатларнинг қораланиши – панднома асарлар
марказидаги масалалар сифатида эътиборни
тортади.

Саховатинг – умрингга эҳсон,
Сени асрар бало-қазодан.
Мушқулингни этади осон,
Ажру савоб тегар Оллоҳдан.

Тўғри, саховат, саҳийлик, бағрикенглик ҳақида
жуда кўп шоирлар ёзган, бу фазилатларни
улуғлаган. Ғулом Шомуроднинг Саховат ҳақида
талқинлари Махтумқулининг шунга ўхшаш
қарашлари билан услубий теранглик касб этишини
кузатиш мумкин. Махтумқули:

Ихлос билан Оллоҳ учун мол берган –
Сонсиз савоб бўлиб борар изингдан, – дея ўтти
беради. Моҳиятан маълумки, шоир
саховатпешаликни Оллоҳ йўлига бағишлаш
лозимлигини таъкидламоқда. Дарҳақиқат, илоҳий
ҳақиқат шуки, Яратган Тангри таоло учун берилган

хайрия, мод-садақагина “сонсиз савоб” бўлади. Ғулом Шомурод ҳам шу маънода саховатнинг, саховатпешаликнинг оладиган мукофоти нақадар катта илоҳий қимматга молик эканлигини уқтирган: “Ажру савоб тегар Оллоҳдан”.

Махтумқули ёшларнинг, айниқса, йигитларнинг мард ва сахий бўлишларини истар эди. У “Сахийлар шод бўлар меҳмон келганда” дея шундай йигитлар фазилатини меҳр билан улуғлайди. Яна шоир:

Йигит фарқин маълум этар ишинда,

Тафовути ош-нонинда беллидир, – дейиш орқали сахийликнинг йигитлар ярашиғи ва маънавий бойлиги эканлигини кўрсатган. Бу ўринда “ош-нон” образи саховатпешалик тимсоли сифатида характерлидир. Ғулом Шомуроднинг “Сув ўғли” (ирригаторларга) номли шеърида аниқ ва фойдали касб эгаси бўлган йигитларнинг сахий заҳмати – юрт бойлигининг асоси сифатида талқин этилган:

Сиз сув ўғли бўлиб, чўлларга
Оқиздингиз оби ҳаётни.
Сахро тўлди турфа гулларга,
Қушлар сайрар айтиб баётни.

Сингиб кетмиш меҳнат, ақлингиз,
Ҳар каналу ҳар иншоотга,
Фахр этсангиз, ахир ҳақли сиз
Бундан ортиқ бахт йўқ ҳаётда!

Махтумқули ижодида яхшилик ёнидаги ёмонлик, эзулик ёнидаги ёвузлик, яъни ижодий фазилатларнинг зидди бўлган иллатлар талқини ҳам етакчи услубий моҳиятни ташкил этади. Бу, жумладан, сахийлик зидди бўлган бахиллик, нафс оворалиги каби иллатларнинг фош этилиши сифатида ҳам эътиборлидир. Аҳмад Яссавий ёки Алишер Навоий каби Махтумқули шеъриятида нафс оворалигининг танқидий пафоси анча кўзга кўринарлидир. Донишманд шоир “Бойларинда саховат йўқ, берим йўқ” дея жамиятдаги қай йўللار билан бойиб-битиб кетган “махкам бой”лар қилғилигини – бахиллигини аямай фош қилади.

Соғ пайтингда қўл чўзмасанг бермоққа,

Қартайганда йўл қолмайди юрмоққа, – деб ёзиш билан Махтумқули ҳазрат кишиларни бахиллик каби ёт қилғилик билан гуноҳ орттирмасликка даъват этади. Бу ғоя унинг “Дўстлар, вафоси йўқ фоний дунёнинг, Тарк этма яхшилик, хайру эҳсоннинг” каби мисраларида ҳам ўз ифодасини топган. Ғулом Шомуроднинг:

Ўз молингга бахиллик айлаб,

Ўзга мулкка тиксанг кўзингни,

Жонингга жабр қилурсан, ёраб,

Ерга уриб ўзинг ўзингни, – каби панднома руҳидаги шеърий сатрларида ифода топган фикр бахилликнинг зарари ва исноди махтумқулиёна

оҳангга мойилликда талқин этилганлигини кўрамиз. Махтумқулининг “Минг офарин деса бўлар Кимки нафсин енгса агар” каби ҳикматли фикр ижодида етакчи ғоялардан бири – нафс масаласидаги шох сатрлар каби қимматлидир. Шоир “Бир тийин деб юз кўнгилга тегарсан, Тушарсан андин сўнг зулматга шаксиз” каби фикри билан нафс оворалигининг фожиона натижасини кўрсатиб берган. Ғулом Шомурод ҳам “Тўймас юҳо, оч экан кўзинг, Шундан единг ўзингни ўзинг” деб ёзиш билан бахил кишини аччиқ қисматини қаламга олган. Унинг:

Бунчалар эрк бермасанг нафсга,
Тушмас эдинг темир қафасга, – каби мисраларидаги фикр эса нафс жиловини қўйиб юборган кишиларнинг ачинарли тақдирдан огоҳ этади: Шоир “Сахий бўлсанг, молинг тўлиб тошади, бахил бўлсанг, боринг сендан қочади” каби мисраларида сахийлик ва бахиллик моҳиятини теран очиб бера олган.

Махтумқули панднома поэтикасида “Сабринг бўлса Субҳон етар додингга” фикри етакчи ғоявий тамойилни белгилайди. Яна у “Сабр айлагил, бесарблик ҳам бекор”, дея чин дилдан ўғит берган Ғулом Шомуроднинг “Сабрнинг тагидир аслида олтин, Буни билавермас ҳар эру хотин”, деган ахлоқий мисралари сабр маънавиятининг ўзаги сифатида эътиборни тортади. Шоирнинг:

Кўп, беҳад мол ташвиш, ғам келтирар,
Ва акси ҳол ажал ҳам келтирар, – фикри
нафсининг катта фожиалари, молсизлик, камбағаллик
ҳам фожа эканлиги билан боғлиқ гоё ҳисобланади.
Нафсга берилишда, бу бадбин йўлдан қайтишда –
сабр ва тоқат инсон суянчиги ва ҳалоскори бўлади,
дея ўғит айтади шоир:

Ғамни енгур на мол, на давлат,
Уни енгур сабр ва тоқат.

Ғулум Шомуроднинг “Сахий бўлсанг, молинг
тўлиб тошади, бахил бўлсанг, бори сендан қочади”
каби панднома мисралари махтумқулиёна панднома
лирикасининг гўзал намунаси сифатида
характерлидир.

Булар Ғулум Шомурод шеърятининг
донишманд Махтумқули ижодидан илҳом
олишнинг ёрқин ижобий натижалари саналади.

Абдуғаффор ХОН,
Ўзбекистон-Туркменистон Дўстлик
жамиятининг фаоли, адабиётшунос олим
ва таржимон.

IV.8. МЕҲРИМИЗНИ ҚОЗОНГАН ШОИР

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам,
Ўтма гурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пейонасидан.

Эркин ВОҲИДОВ

Ҳаётда самимият нурлари билан йўғрилган, камтарин, камсуқум, кўнгли беғубор инсонларни учратсам, гўё болаликка қайтаман. Улар билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашгим келаверади. Одатда бундай олижаноб инсонларни оҳанрабога, улардан тараладиган Сўзларни оҳанрабога менгзайман.

Ана шундай кўнгилга яқин, Бухоро адабий муҳитининг таниқли ШОИРларидан бири Ғулом Шомуроддир. Устознинг нафақат табиати, шунингдек, асарларидан ҳам самимият ифори таралади. Шоир юрагига оташ солмаган, кўнгилдан узоқ, ҳавойи мавзулардан қочади. Эзгуликни тараннум қилади. Балки шу боисдир, орамизда унинг ашъори шайдолари кўп.

80 ёшида ҳам қаламини ором олдирмаётган заҳматкаш шоирнинг шижоатига қойил қоласан, киши.

Устоз ижодни тенгдош ҳамкасбларига қараганда анча кеч бошлаган. Бироқ у сўз масъулиятини бир дақиқа ҳам унутгани йўқ. Кўп йиллик бедор тунлар машаққати унинг ўнлаб китоблари ортида яширин.

Шоирнинг отаси Шомурод бобо Саидов умрини деҳқончиликка бағишлади. Онаси Муслима Мирафзал қизи ва она томонидан бобоси Мирафзал бобо мумтоз адабиётга меҳр қўйган, шоиртабиат инсонлар эди. Устознинг беғубор қалбида улар билан боғлиқ ширин хотиралар, шеърхонлик, маснавийхонлик кечаларининг ёлқинлари сақланиб қолган.

Тарбияда муҳитнинг ўрни бўлакча. Ёш Ғуломнинг юрагида секин-аста бадийатга муҳаббат уйғона бошлади. У иккинчи жаҳон уруши даврида мактаб остонасига қадам босди. Бундай очарчилик ҳукмрон, ҳар дақиқада “қорахат” тажовуз қилаётган дамларда ҳам мутолаа шайдоси саҳарданоқ латта папкасини қўлтиғига маҳкам қисганича жонажон мактаби сари ошиқарди. Ипак қурти боқишга мўлжалланган қоғозлардан дафтар тикиб олган Ғуломга бу бешафқат ҳаётнинг оғир мусибатлари ҳали олдинда экан. У мактабни тугатар-тутатмас суянчиғлари — ота-онасидан эрта айрилди.

Шоир онасига бағишланган шеърларининг бирида ўша аламли, оғриқли дамларни қуйидагича хотирлайди:

Бола эдим ҳали у пайтда,
Бурчим адо қилолмадим мен.

Ётганингда совуқ тўшақда,
Ҳолинг сўраб билолмадим мен.

Эсимда,
Бир кампир ундади,
Лабларингга мен томиздим сув.
Мажолсиз қўл бошим силади,
Кўзларимдан ёш тўкилди дув...

Кейин сени олиб кетдилар,
Мен орқангда қолиб бўзладим.
Шундан кейин ноёб чехрангни,
Меҳрибоним, қанча изладим.

Кўп изладим,
Топмадим, эвоҳ!
Сен дунёда, билсам, ягона,
Осмон гувоҳ,
Замин ҳам гувоҳ:
Ўхшамайсан ҳеч кимга, Она!

Оғир жудолик ўтида куяётган ўсмирга мунис
опалари ва бағрикенг амакилари тиргак бўлдилар. У
қишлоқдаги 7 йиллик мактабдан сўнг туман
марказидаги 1-мактабда ўқишни давом эттирди.
Тақдир кўнгли ўксик ўқувчини ушбу даргоҳда она
тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, журналист Сайли
Ҳайитов билан учраштирди. Бўлажак шоир қалбида
устоз-шогирд аъъаналари ана шу даврда куртак
отди. Ёш Ғулом Сайли домладан ҳаётни севишни,
унинг ҳар лаҳзасини қадрлашни ўрганди.

Жафокаш халқ тинкасини қуритган совуқ уруш барҳам топди. 1954 йил Ғулом Шомурод учун хаяжонли лаҳзаларга бой келди. У Бухоро давлат педагогика институтининг талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлди. Тарих-филология факультетида таҳсил олаётган кезлари Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол, таниқли драматург Максим Карим сингари адабиёт муҳиблари билан дўстлашди. Жўшқин ижод даври бошланди. Шоирнинг қалами чархланишида ўша пайтлардаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Тошпўлат Ҳамиднинг ўрни бекиёс бўлди. Бадиийят олами сирларини англашга шўнғиган талаба устози ташкил қилган ёш ижодкорлар тўғрагига мунтазам қатнар, гўё ҳар учрашувда янги оламларни кашф қиларди.

Ғулом Шомурод олий маълумотга эга бўлгач, фаолиятини тумандаги мактабларнинг бирида ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан дарс беришдан бошлади. Кейинчалик у мактабдан узилмаган ҳолда туман радиоэшиттириш муҳаррири ва суҳандони сифатида ҳам эл орасида танилди. Орадан кўп вақт ўтмай, вилоят ва марказий газеталарга мақола, тақризлар ёзаётган сергайрат ходимни Республика радиосининг вилоят муҳбири лавозимига ишга таклиф қилишди. У мазкур қутлуғ даргоҳда 2006 йилга қадар самарали фаолият юритди. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Омон Мухтор шоирнинг илк сайланмасига ёзган сўзбошисида "... оғайнилар Тошкентга келиб, уни

ҳам даъват қилишса-да, Бухорода қолиб, шу ерда ижод қилиб юрган адиблардан", деган жумлани қўллаган эди. Дарвоқе, Ғулом Шомурод ўз шижоатини мансаб эгаллаш ёки бойлик орттиришга сарфласа, ҳозирда у юқори курсилардан бирининг ёхуд қўша-қўша иморатлару фабрикаларнинг эгаси бўларди. Лекин у ўз умрини, борлиғи билан севиб, ихлос қилган Бухорои шарифини, Эзгуликни қўйлашга бағишлади ва бошқаларни ҳам гўзалликка ундади. Бу билан шоир тириклигидаёқ ўзига ҳайкал қўйди.

Ғулом Шомурод муаллимлик пайтида болалар ҳаётини чуқур ўрганиб, уларга бағишлаб ёзган китоблари аллақачон қўлма-қўл бўлиб кетган.

Дилбар шеърлари дарсликларга кирган, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими", "Ватан учун яшайлик" кўрик-танлови совриндори Ғулом Шомурод ҳали жўшқин ижод билан банд. Мен меҳрибон дўст, самимий ва дилкаш суҳбатдош, устоз Ғулом Шомуродга қаламлари узоқ йиллар тинмай Ватанимизни мадҳ қилишини тилаб қоламан.

Обид Қўлдош,
ёш адиб.

ҚЎШ КИТОБ ҲИКМАТЛАРИ

(Хулоса ўрнида)

Замонавий Бухоро адабий муҳити ҳақида бирор-бир мақола ёки тадқиқот яратилганда, албатта, шоир Ғулом Шомурод номи ҳам тилга олинади, тўғрироғи, шоирлар рўйхатида унинг исми-шарифи келтирилади. Очигини айтганда, ҳозирга қадар шахси ҳам, ижоди ҳам ўзига хос бўлган бу қалам эгасининг миллий сўз санъатига қўшган ҳиссаси хусусида йирикроқ бир иш ҳанузгача яратилмади. Нега шундай бўлди? Биринчидан, бизнингча, адабий танқид ва адабиётшунослик вакиллари ушбу шоир китобларига ўз вақтида эътибор қаратмадилар. Ҳолбуки, бунақа диққат-эътибор Ғулом Шомурод лирикасининг жозиб жиҳатларини ойдинлаштириб бериши мумкин эди. Иккинчидан эса мазкур рисола муаллифларидан бирининг бундан анча йиллар олдин эълон этилган бир тақризида қайд қилинганидек, Ғулом Шомурод камсукум, камтар инсон бўлиб, доимо фаол ижодий фаолият билан машғул бўлган-у, ёзганларини тарғиб-ташвиқ этишга уринмаган. Катта, атоқли ижодкорлар (Неъмат Аминов, Жамол Камол, Садриддин Салим Бухорий...) ёнида, сафида эканлигидан хурсанд бўлиб, фахрланиб ижодда давом этаверган.

Шарқнинг улуғ мутафаккир сўфийлари инсонийликнинг бирламчи шарти деб уқтириб

келган хокисорлик йўлини танлаб олган шоир ҳозирги кунга келиб роппа-роса йигирмата китобини нашр эттириб маърифатпарвар, шеърпараст халқимизга тақдим этди.

“Соғинч соҳили” (“Шарқ” матбаа-нашриёт концерни, 2009 й.), “Меҳр меҳвари” (“Шарқ” матбаа-нашриёт концерни, 2014 й.) тўпламлари ҳажм-қамров, бадиий мазмун нуқтаи назаридан Ғулом Шомуроднинг шоир сифатидаги ўрнини жуда яққол, аниқ кўрсатиб турибди. Гарчи бу китоблар алоҳида-алоҳида нашр сифатида чоп этилган бўлса-да, уларни бемалол икки жиадлик “Сайланма” тарзида қабул қилиш мумкин. Авваламбор, бу мажмуаларнинг ташқи, бир қарашда кўзга ташланадиган томонлари тўғрисида гапирсак, биринчи китоб қарийб 12, иккинчиси 10 босма табоқдан иборат; каттагина ҳажмда, аъло дизайн билан ишланган китоблардир. Булардан ташқари, икки салмоқли китоби(булардан бири болаларга бағишланган шеър дostonлардан иборат) яқин кунларда пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилиши кутилмоқда.

Ғулом Шомурод қандай шоир? Чин шоирми ёки “сўзбозу қофиябоз”ми? (қўштирноқ ичидаги сўзлар Садриддин Салим Бухорий мисраси). Қўш тўплам мутолааси шу каби саволларга жавоб топиб бериши билан бир қаторда шоир бадиий ижодининг етакчи,

устувор хусусиятларини кўрсатиб, аниқлаб беради.
Мана ўша хусусиятлар:

1. Шоирлар борки, ўз туйғуларини жўшиб кўтаринки тарзда ифода этадилар. Жаҳон шеъриятида кечинмаларини осойишталик билан бадиий ифода қилган шоирлар ҳам бўлган. Фёдор Тютчев, Афанасий Фет, Марина Цветаева, ўзбек поэзиясида Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор лирикасида айнан шундай жиҳатни кўриш мумкин. Улкан сўз санъаткори Лев Толстой осойишта шеърят намуналарини кўпроқ қадрлаган экан. Ғулом Шомурод лирик асарларида ҳам сокин туйғулар ифодаси бор. Шеър қалбнинг, ижодкор шахсий ички оламининг инъикосидир. Табиатан босиқ, руҳан хотиржам шоирнинг дил изҳорлари бу. Фикримиз исботи учун «Соғинч соҳили»ни очиб тасодифан кўзимизга чалинган шеърдан бир банд олиб кўрамиз:

Эшитилмас қушларнинг саси,
Баланд шохда
топганлар қўним.
Чигирткалар қўйиб авжини
Қўшнаини чалар бетиним.

Бу мисраларни жуда баланд овозда ўқиб бўлмайди. Хотиржам, лекин албатта ҳис билан

мутолаа этиш зарур. Шундагина шеърдаги яширин завқ кўнгилга етиб боради.

2. Шоир сўзга катта меҳр билан қарайди. Унинг қудрати, гўзаллигини юрак-юрақдан ҳис этади. Ҳар бир лисоний воситадан унумли фойдаланишга ҳаракат этади. Тил захирасига бундай муносабат ижодкорнинг аксарият ижод намуналарида яққол кўриниб турибди. Мазкур фикр исботини “Сўз ҳақида сўз” (Эргаш Қиличев сабоғи) шеърида кўра бўлади. Шеър домла ва талаба мулоқоти тарзида битилган. Устоз шогирдининг “ҳа” деган жавобига қоникмай, уни кучайтиришга – “шакар бериш” (яъни янада гўзallasштириш)га ундайди. Талабанинг “ҳа” ўрнида “жоним билан” дейиши муаллимга жуда маъқул бўлади. Ўзаро мулоқотдан ибратли хулоса келиб чиқади:

– Демак, сўздан сўзнинг
фарқи бор экан.

– Бор, албатта.

Буни унутмоқ гуноҳ.

Сўзлар бўлар: захру

болу гул, тикан.

Сўзлар – шифо,

ўлимга ҳам сабаб гоҳ!

3. Шоирнинг “мен” лигини эътиқоди белгилайди. Эътиқодсиз инсон ҳеч қачон чин шоир бўла

олмайди. Ғулом Шомурод лирик асарларию дostonларини буюк этикод куёши нурлантириб, мавжлантириб турганини аниқ хис этиш мумкин. Бу Ватанга, инсониятга, дўстга, Мустақилликка нисбатан собит ишончдир.

Ватан ва Истиқлол – булар бир-биридан ажралмас тушунчалардир. Ғулом Шомурод гарчи 1937 йилда туғилган бўлса-да, ўзини Мустақиллик фарзанди деб билади. У “Ўзим ҳақимда” деган таржимаи ҳолида шундай деб қайд этган эди: “Ҳаётда ва ижодда нимагаки эришган бўлсам, асосан, Истиқлол даврида муяссар бўлдим”.

Бу – шунчаки айтилган эътироф эмас, юракнинг тубидан сизиб чиққан дил изҳори. Чиндан ҳам “Соғинч соҳили”, “Меҳр меҳвари”га кирган аксарият шеър ва дostonлар Истиқлол даврида яратилган.

“Соғинч соҳили”даги “Ватан ғурури” деб номланган фаслда 49 та, “Меҳр меҳвари”даги “Юрагимда гуллаган Ватан” фаслида эса 3 та шеър ва туркум бор. Буларнинг барчаси, фасллар номидан ҳам кўриниб турибдики, она юрт ва унинг фидоий фарзандлари ҳақида.

Таниқли шоир ва адиб Омон Мухтор ўз шеърларидан бирида: “Ватан мен сени яхши кўраман, аммо сўз сўзлаш шарт эмас”, – деб ёзган эди. Бундай қараш, равшан назар Ғулом Шомуроднинг ҳам она диёр ҳақидаги асарларининг асосига қўйилган:

Чин меҳр қачон ҳам қилинган кўз-кўз,
У яшар ҳақиқий юрак қатида.
Ватан ҳам яшайди юракда, сўзсиз,
Ёнар қалб Ватандир юртга аслида.

Банддаги охирга мисрага яхшироқ эътибор қаратайлик. Ватан аслида юракда бўлиши керак экан. Қалбида Ватан туйғуси бўлмаган одам чин инсон бўла олмайди. У тириклик ташвишидаги кимсадир, холос.

Агар Ер сайёраси нуқтаи назаридан қаралса, она юрт Ватандир. Бу масалага коинот, галактика жиҳатидан назар солинса, Замин барча инсонга ватан саналади. Шоирнинг “Энг кичик юлдуз” шеъри бундай фикрни тасдиқлаш учун ёзилган. Лирик қаҳрамон кичик бир юлдуз деб қаралган курраи заминга мурожаат этиб шундай дейди:

Коинотда кичик юлдузсан, гарчи,
Хуснда тенгсизсан, парисан, малак.
Шамс, ой жаҳон кўзи, юзинг гул юзи,
Сенсиз ғариб бўлур осмону фалак.

4. Шоирлар борки, инсон туйғуларини гўзал тарзда бадий акслантира оладилар, аммо лиро-эпик асар (воқеабанд шеър, баллада, достон) ёзишга қийналадилар. Уларнинг ижодида воқеа мавҳум, хира ифода топади. Бундай қусур ҳатто атоқли

шоирлар бадиий ижодида кўриниб туради. Биз кўп йиллар давомида Ғулом Шомуродни “соф лирик шоир” деб ўйлаб юрганмиз, чунки шоир кўп йиллар давомида “соф лирик” йўналишда қалам тебратган. Унинг “Жабай” достони ҳам лирик монолог йўсинида яратилган. Бироқ “Меҳр меҳвари”га киритилган “Сулув Бибишхон ва мешкоб Мўмин севгиси” достони мазкур фикримизнинг ўзгартириб юборди. Гап шундаки, ушбу лиро-эпик яратмада қаҳрамонларнинг қалб ҳислари аниқ воқеа тасвири билан уйғун ҳолда тасвирланган. Ушбу дoston тажрибали шоир ижодидаги ўзига хос ҳодиса, ютуқдир. Бинобарин, ҳассос ижодкор лиро-эпик соҳада изланиш, меҳнатини давом эттирса, шеърят муҳлисларини янгидан янги лиро-эпик асарлар билан хушнуд эта олади.

5. Ғулом Шомурод ижодининг, энг муҳим хусусияти нима деган саволга биз комил ишонч билан “тиниклик” деб жавоб берган бўлар эдик. Чиндан-да, унинг ёзганлари фикр, тасвир, ҳис-кечинмалар жуда тиник. Бу шеър ва дostonларни мутолаа қилган киши чарчамайди, зерикмайди, аксинча завқланади. Тўғри, шоир адабий фаолиятининг дастлабки босқичида бадиийлик жиҳатдан унча мукаммал бўлмаган шеърлар ҳам битган. Тинимсиз изланиш, жаҳон шеъряти дурдоналарини муттасил ўқиб-ўрганиб бориш, ижодий янгилик-синовларга интилиш натижасида

кўнглига маъқул бўладиган асарлар ёза олиш мақомига етиб келди.

Бу ишда Ғулом Шомуроднинг шеърӣй ижодининг фақат бешта устувор хусусиятини баҳоликудрат аниқлаштиришга уриниб кўрдик. Ҳолбуки, жиддий тадқиқотлар шоир бадиӣй яратмаларининг яна бошқа бир жиҳатларини очиб бериши шубҳасиздир.

Текшириш-таҳлил ва теран мутолаа шоир Ғулом Шомуроднинг жиддий, билимдон, истеъдодли қалам соҳиби эканлигини тасдиқлайди. Унинг сўзбозу қофиябозларга ҳеч қандай дахли, алоқаси йўқ. Аксинча дилбар, самимий асарлари билан миллий адабиётга ўзининг камтарона ҳиссасини кўшиб келаётир.

Ёши олтмишдан ўтиб, етмишга яқинлашган баъзи қаламкашлар фақат хизматда эмас, ижодда ҳам “нафақа”га чиқиб оладилар, деярли ёки бутунлай ёзишдан тўхтайдилар. Аммо чинакам адабиёт заҳматкашлари қўлидаги қалам ҳеч қачон ёзишдан тўхтамайди. Ғулом Шомурод ижодий-бадиӣй тажрибаси бу фикр ҳақиқийлигини кўрсатади. Саксон ёшнинг табаррук оstonасига яқинлашиб бораётган отахон шоир ҳамон ижод-изланишдан чарчаган эмас. Унинг бултур нашр этилган “Меҳр гавҳари” мажмуаси кейинги йилларда битилган янги асарларидан иборат.

Биз ўнлаб китоблар соҳиби, толмас ва фидокор
шоирга юзланиб:

– Ижодингиз янада баракали бўлсин, – деймиз.

* * *

Элимда эсдию хурлик шамоли,
Кундан-кун кўрк очди кўркам жамоли.
Истиқлол! Асраймиз сени жон мисол,
Сен – халқим тақдири, юртим камоли.

* * *

Отилган ўқ каби тез ўтар умр,
Ихтиёр қўлдан тез кетар умр.
Ҳаётинг сарф этсанг эзгу ишларга,
Икки бор яшашга, бил, етар умр!

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Биринчи боб. Ғулом Шомуроднинг ҳаёти ва ижод йўли	8
I.1. Шоир биографияси	8
I.3. Бир китоб таҳлили.....	41
Иккинчи боб. Ижодкорнинг лиро-эпик ва болаларга бағишланган асарлари таҳлили	47
II.1. “Жабай” достон-монологи.....	47
II.2. “Сулув Бибишхон ва мешкоб Мўмин севгиси”, “Хурлик” достонлари таҳлили	53
II.3. Болалар шоири	63
Учинчи боб. Ижодкор шеърларининг бадиий-поэтик хусусиятлари	85
III.1. Шоир шеърларида вазн муаммоси	85
III.2. Лирик қаҳрамон муаммоси.....	93
Тўртинчи боб. Замондошлар эътирофи.....	104
IV.1. Бухоролик Ғулом ака	104
IV.1. Нияти бутун инсон	107
IV.3. Ҳалоллик ҳиди	110
IV.4. Истиқлол фахрияси.....	114
IV.5. Шоирнинг қалб садоси	119
IV.6. Қуёш нурин тушиш йўли... ..	126
IV.7. Хокисорлик бағридаги донолик	137
IV.8. Меҳримизни қозонган шоир	144
Қўш китоб ҳикматлари	149

Ғайрат МУРОДОВ, Ҳилола ОДИНАЕВА

ШОИР ҚАЛБИ НАВОЛАРИ

Муҳаррир:

Ғ.Муродов

Техник муҳаррир:

Г.Самиева

Мусахҳиҳ:

А.Қаландаров

Саҳифаловчи:

М.Ортиқова

Нашриёт лицензияси АИ № 178. 08.12.2010. Оригинал
– макетдан босишга рухсат этилди: 03.08.2017.
Бичими 60x84. Кегли 16 шпонди. «Palatino Linotype»
гарн. Офсет босма усулида босилди. Офсет босма
қогози. Босма тобоғи 10,0. Адади 100. Буюртма №63.

Бухоро вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси
“Durdona” нашриёти: Бухоро шаҳри М.Иқбол кўчаси 11-уй.
Баҳоси келишилган нархда.

“Sadriddin Salim Buxoriy” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳри М.Иқбол кўчаси 11-уй. Тел.: 0(365) 221-26-45



ШОИР
КИТОВЛАРИДАН
НАМУНАЛАР

